


ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ



КУП ТОМЛИК

Юнус пари



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЕТИ
Тошкент — 1967



Айтувчи:

**МУҲАММАДҚУЛ ЖОМРОТ
УҒЛИ ПУЛКАН**

Нашрга тайёрловчи:

ШАҲЗОДА ХУЖАЕВА

Така юртдан, ҳар уруғдан Гаждумбек, Муродбой, Хидирали элбеги, Дониёр хўжа, Бердиёр оталиқ, Туркманнинг катта-катталари, Ўзбек хоннинг боласи Сафо, Сафонинг боласи Мустафо чаққон, жонни жонга суққан, тарафнинг қаддини буккан, ўзи саксонга кирган, овозаси ҳар тарафга маълум бўлиб кетган келиб Гўрўғлибек кундан-кунга ривож қилиб, давлати урчиб кетаверди.

Мустафо чаққоннинг боласи Такабеги Замон Гўрўғлибекка устод бўлди, уруш, ўттиз икки турли сипоҳгарликни ўргатди.

Гўрўғлибек номи ўзбекнинг катталарини, Туркманнинг катталарини йиғиб, ўргаликка дастурхон ёйиб, қандни, новотни, асал билан шарбатни уйиб, семиз моллардан сўйиб, одамларнинг гўштдан қорни тўйиб, ана шу йиғинда Аҳмадбек бир сўз айтаётибди:

Катталар эшитинг менинг сўзимди,
Жавдиратдим Гўрўғлига кўзимди,
Сўзима қулоқ сонг ўзбек каттаси,
Жиянима яхши хотин лозимди(р).

Елғизликдан то бўлмасин кўп абгор,
Ҳар тунлари йиғламасин зор-зор,
Ҳар бир қизга тагин бўлмасин хуштор,
Маслаҳат бер бу сўзима ёронлар!

Ҳар тарафга яхши йўрға чопинглар,
Катталарга яхши сарпой ёпинглар!

Бу гапима маслаҳат бер, ёронлар,
Бир эсли яхши қиз дарров топинглар!

Юлдуздайн ярқилласин эк¹ кўзи,
Ойларга ўхшасин монанди юзи!
Кўп ақлли яхши қиздан топинглар!
Жиянима оп беринг яхши қиззи!

Оп берсанглар аввал кўринг бўйини,
Сўраб олинг ақли билан ўйини!
Карнай-сурнай тортиб элда халойиқ,
Қирқ кун қилинг чироғимнинг тўйини!

Гап чиқади Аҳмадбекнинг тилидан,
Қутулгаймиз ёмонларнинг хилидан.
Сўзима қулоқ сонг турган жамоат,
Хотин оп беринглар ўзбек элидан!

Ўтин, ўтин саксовулнинг ўтини,
Ҳақ эшитсин мард одамнинг додини!
Яхши бўлса эр йигитнинг хотини,
Хотин чиқарар йигитнинг отини.

Ёмон бўлса мард йигитнинг хотини,
Тумшуғидан чиқаради ўтини.
Харобот қилади мамлакатини,
Фалакқа чиқарар бошдан додини.

Айламайди ҳеч кимга ҳасратини
Бир яхши қиз оп беринглар болама!

Энди ўтирган барча халойиқ жойидан туриб, ҳаммаси
«Қуллуқ» деди, бари таъзим қилди. «Нима десангиз, фар-
мондорингизман», деб Такабеги Замон бир сўз айтаяпти:

Отни минган уйдан дўнга чобинар,
Ошиқ бўлган йигит ўтдай қобинар,
Сўзима қулоқ сонг турган қариндош,
Яхши хотин ўзбек элдан топилар.

Югуртар отларни ўткир қамчи,
Йигитни қўллагай аҳмади замчи.
Ҳангамада турган жами қора кўз,
Чоқла майдон, қўйинг бир қизга совчи!

Улмасанг элатда даврон суринглар,
Ҳар қишлоқни, ҳар элатни кўринглар!
Бу элатда ҳам яхши-ёмон бор,
Бир яхшини элдан топиб беринглар!

Теринглар боғларнинг тоза лоласин,
Гумбурлатинг Элсарининг даласин!
Уруғи яхшидан ёмонлик чиқмас,
Оп беринглар яхши одам боласин!

Куймайин ёшини кўздан тўкмайди.
Ботир бўлмай найза танга суқмайди,
Оп беринглар тоза уруғ боласин,
Яхши одамдан ҳеч ёмонлик чиқмайди!

Ноасилнинг қилган иши ҳийлади (р),
Кеча-кундуз иши ўйлов бўлади.
Оп берманглар ёмон одам қизини,
Ёмон бир кун ёмонлигин қилади!

Мазах қилманг Така Замон сўзини,
Уйиб олинг ёмонларнинг кўзини!
Бу гапимни ҳазил билманг жамоат,
Оп беринглар яхши одам қизини!

Ёмғир ёғса ўтлар кўклаб кетади,
Яхши олган муродига етади,
Ҳаргиз олиб берманг ёмон бадбахтни,
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Ўтган умри доим куйиб ўтади!

Яхши қизни олиб беринг йигитга,
Ун икки ой бир кундай бўп ўтади!

Ана энди Гўрўғлибекдан эшитмоқ даркор. Гўрўғлибек
турган ҳаммага қараб бир сўз айтаяпти:

Ёвмит дейди менинг ота юртимни,
Энди айтай юрагимда дардимни:

¹ Икки.

Халойиқлар сизга малол келмаса,
Эр Хивр Гўрўглибек қўйган отимни.

Душманлардан ҳамиша олсам лотимни,
Кундан-кунга обод қилсам кентимни.
Қариндош сизларга малол келмаса,
Қирқ чилтон Гўрўгли қўйган отимни.

Сўрай берсанг юракда губорим бор,
Туркмандайин униб-ўсган шаҳрим бор,
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус, Мисқол деган менинг ёрим бор.

Бек бўлганлар довулини туйганди.
Шоҳга хизмат қилган сарпой кийганди.
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус билан Мисқолдайин парининг,
Евтан чилтон никоҳини қийганди.

Уз элимда номус билан орим бор,
Така Туркман деган ота шаҳрим бор.
Бир хотин деб кашал бўлманг халойиқ,
Юнус билан Мисқол деган ёрим бор.

Саратон юлдузга ўхшар кўзлари,
Гапирса ўртайди шакар сўзлари,
Таърифини айтай сизга қариндош,
Ун беш кунлик ойга ўхшар юзлари.

Гиротимни чўл жазирада еламан,
Ганимима чўх¹ савдони соламан,
Менинг учун кашал бўлманг оғайин,
Юнусман Мисқолни олиб келаман!

Буралиб бўйнига қўлни соламан.
Ғайрат қилиб сувсиз чўлда жон сотиб,
Узим хотинимни олиб келаман.
Менинг учун кашал бўлманг Аҳмадбек
Уз тарадимни ўзим қиламан!

Душманларни кўрсам ақлим шоша,
Гиротимни миниб тоғлардан оша,

¹ Чўх — кўп.

Ғам еманглар менинг учун қариндош,
Кўйи Қофни қилиб келай томоша,
Улмасам дунёда даврон сураман,
Бир хотин деб кашал бўлманг қариндош,
Кўйи Қофдан ёримни олиб келаман.

Энди Аҳмадбек тоқати қолмай шундай қўнгли бузилиб,
юраклари эзилиб, Гўрўглибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Сен кетган сўнг сарғаяди оқ юзим,
Қоронғилик бўлар ҳам қиши ёзим,
Мени десанг кетма, Евмит шаҳридан,
Бу сафаринг узоқ сафар, ёлғизим!

Қиш бўлмай, тоғларни туман чалмайди,
Ғармсел бўлмайин гуллар сўлмайди.
Бу сафаринг узоқ сафар Гўрўгли,
Кўйи Қофга борган одам келмайди.

Юрган жойинг доим сувсиз дашт бўлар,
Ғажирнинг қўнгани чўлда лош бўлар.
Мени десанг узоқ чўлга бормагин,
Бу сафаринг ёмон душвор иш бўлар.

Бир нечага ёрнинг лаби асалдир,
Бир нечалар ёр ишқидан касалдир.
Айналай-е, борма айтган ёгингга,
Тирик келмак бу сафардан ўсалдир!

Еқадаринг хўл бўп қолар ёшингга,
Емоқ гаплар кирмадими тушингга?
Мени десанг, борма болам узоққа,
Яккалинг асар қилар бошингга!

Уруш куни ботир шердай чопинар,
Қалқон билан совутини ёпинар,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга,
Евмит элдан яхши хотин топилар!

Айланай, бормагин узоқ йўлларга!
Аҳмадбекнинг гапирмакка гапи бор,
Ёмонларнинг бир өзроқ бови бор,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга
Урталиқда тўрт минг тўқсон тоғи бор.

Сарғайтирар юра-юра юзингни,
Тўхтамиш дев босар сенинг изингни.
Мени десанг, борма шунча йўлларга,
Душман чиқиб банди қилар ёзингни!

Айналай, бормагин хатарли йўлга,
Оҳ тортарсан юрагингдан чер келар,
Чопа-чопа отгинангдан тер келар,
Бормагин чироғим хатарли йўлга.
Яккасан, ёлғиз бошингга зўр келар!
Насиҳатим олгин, борма узоққа,
Ўз элингдан яхши қизлар топилар.
Хатарли йўлларга борма фарзандим!

Қовминг йўқ, чироғим, қариндошинг йўқ,
Дардинг айтар ҳеч бирор сирдошинг йўқ,
Касал бўлсанг, шикаст кўрсанг сафарда,
Орқангда чироғим, эмчақдошинг йўқ,
Айналай, бормагин хатарли йўлга!

Қўйи Қофга борган одам ўлади,
У ёғини бир яратган билади.
Чироғим бормагин шунча йўлларга,
Бу сафарга борган одам ўлади!
Қанотли қуш учар ҳайвон бўлмаса...
Учган одам унга бориб келади.

Сўйлайдиган оғизларда тил бўлар,
Сулувларда темгил-темгил хол бўлар.
Мени десанг, борма, Гўрўғли болам.
Бил, айтганинг ёмон узоқ йўл бўлар.

Ана энди Гўрўғлибек ҳиммати жўш уриб Аҳмадбек то-
ғасига, Такабеги Замон устозига қараб бир сўз айтапти:

Давлат турмас такаббурнинг бошида
Ёмон савдо зиён қилар ишига,
Омин деб дуо қинг турган оғайин,
Рад берманг талабга кирган кишига!

Ким яхши, ким ёмон худо билади,
Хотин десам рангим гулдай сўлади.
Рад берманг талабга кирган кишига
У ёғини туз-насибам билади!

Сарф айласам бисотимда бөримни,
Ёвмит дейди менинг ота еримни.
Омин деб дуо қинг ёппа жамоат,
Оп келайин Юнус, Мисқол ёримни!

Нобоп гапни асли айтманг ўзима,
Ўлгангинам кўринмайди кўзима!
Омин денглар яна қайтиб кўргунча,
Омин де, дуо қинг менинг ўзима!

Менинг юзим қизил гўлнинг нақшидир,
Бизни таъриф қилган чечан бахшидир.
Юнусжон деб бунда тинч бўп юргандан,
Хотин деб йўлда ўлганим яхшидир.

Олдойим йўл берса тоғдан ўтарман,
Ой Юнус деб хунобалар ютарман.
Ундай дсманг мендай талабли қулга,
Албатта мен хотин олиб қайтарман.

Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча!
Таваккалчи битиради ҳар ишни.
Ўз кўнглимда мен ҳам қайнаб жўшарман
Тарафни зўр кўрсам ақлим шошарман.

Ғиркўк отим эсон гурса остимда,
Неча тоғдан, неча қирдан ошарман.
Мард киши ажалнинг тўнини бичади,
Уруш куни душманини санчади.
Дарё бор деб хафа бўлманг жамоат,
Дарёлардан отим қушдай учади.

Яхши одам муродига етади,
Тоққа чиққан тошни думалатади.
Упкадай қалқитиб Юнус парини,
Эсон-омон отим олиб қайтади.

Ана энди кўрди, гури-гури одам хабар қилди, ҳар та-
рафдан подшоликка одам келаверди. Жамоат жам бўлди.
Ғаждумбекка қараб Аҳмадбек бир сўз айтапти:

Ғаждум эшит Аҳмадбекнинг сўзини,
Ғам сарғайтар хафа одам юзини.
Сайислар қулоқ сонг айтган гапима,
Эгарлаб келинглар Ғиркўк тозини!

Кетгаринглар жиянимнинг дардини,
Обод қинглар Така Туркман юртини!
Қулоқ сонг сайислар айтган гапима,
Эгарланглар чироғимнинг отини!

Кўп единг қўлимдан оши тузимни,
Овладингиз кўлларимдан ғозимни.
Хушвақт қип кулдиринг ёлғиз қўзимни!
Табладан эгарлаб келиб миндиринг,
Назаркарда илдам аспи тозимни!

Билмаганин халойиқлар билдиринг,
Қаватида кўп одамни жилдиринг,
Қаддингдан кетайин, турган қариндош,
Гўрўғлини Ғиротига миндиринг!

Амалдорлар ҳар тарафдан келинлар,
Келиб туриб элга эга бўлинглар!
Отига миндириб ёлғиз қўзини,
Шаҳардан чиқариб, йўлга солинлар!

Бир нечалар кўчаларда чопишиб,
Бир нечалар подшо кетди дейишиб,
Евмит элнинг сатта сулув қизлари,
Монанди ойларга ўхшаб юзлари,
Панжарадан чиқиб томоша қилиб,
Юлдуздайин ярқиллашиб кўзлари,
Қора зулфи ойдаи бетга чирмаша,
Кўрганларнинг дарди дардга улаша,
Подшоликдан кетди гала хотинлар,
Шилдирашиб, қилиб бари томоша,
Рўмолларни шилдиратиб ўрайди,
Кўрган тушин яхшиликка йўрайди,
Гўрўғли қандайин одам экан деб,
Семиз-ориқ ёппа-ёвлик қарайди.

Қариндошнинг қовоқлари уюлиб,
Ҳамма келди Евмит элдан йиғилиб,
Томоша айланг яхшининг ҳимматини,
Талатўплар қилиб Евмит юртини.
Худойберди сайис, тоға Гаждумбек
Эгарлади Гўрўғлининг отини.

Беклар берар навкарларга сарпойни,
Уруш қуни тортади нуқра найни.
Худойберди сайис, тоға Гаждумбек,
Эгарлади назаркарда кўк тойни.

Қиздай безаб Ғиркўк отни шайлади,
Қулоғини қайчилади, ўйнади.
Ҳар турли абзәлдан солиб Ғиротга,
Ғиркўк отни худди қиздай шайлади.

Кўп гапларни эсли одам ўйлади.
Олқордай ўйнатиб жонвор бедовни,
Олиб келиб якка миҳга бойлади.
Уртага ўтқизиб Гўрўғли хонни,
Ҳар турли тўнлардан оп кеп тайлади.
Ёмонларнинг кўкайини қийдирди,
Қариндошнинг қовоғини уйдирди,

Сарпойгинанг қутлуқ бўлсин болам деб,
Товуснинг суратин солган тўнларни,
Ҳар турли сарпойдан сайлаб кийдирди.

Халойиқ йиғилиб бежой шайлади,
Қўй кечганда тиниқ сувни лойлади.
Йилон тилли, заҳарли қиличини
Жинғирлатиб белларига бойлади.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига
Олқор ўйнар қия тоғнинг тошида,
Эғнига совутни кийиб Гўрўғли,
Чоройнани кийиб олди бошига.

Билмаганин тақсирлашиб билдирди,
Эсон юр деб мийиғидан кулдирди.
Қўлтиғидан суяб қариндошлари,
Назаркарда Ғиркўк отга миндирди.

Миниб олди Ғиротининг белига,
Ҳақ санаси ҳайвон қушнинг тилида
Ун икки пўпакли олмос найзани
Яшиндай қип суяб берди қўлига,
Кетар бўлди ой Юнуснинг элига.

Ана энди ой Юнуснинг бодом қовоқлари, бўтанинг кў-
видай кўзлари, шакардан ширин сўзлари, хол ярашган ой-

дайгина юзлари, юпқа кўйлақни кўтариб турган пиёладай-
гина бўлган безлари, Гўрўғлининг ёдига тушиб ўлари кў-
зимга кўринмай ҳар кўзи йўлбарснинг кўзидай бўлиб, ҳар
тарифга қараб бир сўз айтаётибди:

Бесоҳиб бўлмасин ҳеч кимнинг жойи.
Кетар бўлдим узоқ йўлга талаб қип.
Омин деб дуо қинг Евмит подшойи!

Билмайман қай ерда ой Юнус пари,
Қачон кетар юрагимнинг губори,
Талаб қилиб ўлим ишга бораман,
Омин денглар Урайхоннинг вазири!

Отларга тақилган олтиндан овсар,
Евмит деган униб-ўсган шаҳрим бор.
Дуода бўнг яна қайтиб кўргунча,
Ун оталиқ, саф гардонкаш полвонлар!

Қошинг қора, дарёнинг қундузи,
Олисдан кўринар йилқининг бўзи,
Омин денглар яна қайтиб кўргунча.
Дуода бўнг сатта сардорнинг қизи!
Омин денглар Евмит элнинг азизи!

Омонат ўйласанг одамнинг жони.
Омон бўнглаб тағи қайтиб кўргунча,
Омон бўнглаб, гала турган кайвони!

Юнус пари, қайтай, давлатга лойиқ,
Чарчаб-ҳориб бўлсам чўлларда пойиқ,
Омон бўнглаб тағи қайтиб кўргунча
Омин денглар гала турган халойиқ!

Эгам қилсин ҳар жондорга далолат
Одамни ўстирар хайри саховат.
Узоқ йўлга талаб айлаб жўнадим,
Омин денглар жами турган жамоат!
Евмит элга келсин Юнус паризот,
Рози бўнглаб тағи қайтиб кўргунча
Хўш аллаёёр, сап қора кўз жамоат!
Юрган ерим гоҳи чўлда тош энди.
Ойдин кўлдан учадиган қуш энди.
Рози бўнглаб яна қайтиб кўргунча,

Такабеги Замон, турган халойиқ!
Еппа-ёвлак фуқаролар хуш энди!

Ана энди Аҳмадбекнинг қавми-қариндошлари, сап
амалдорлар, фуқаролар йиғилишиб, Такабеги Замон усто-
ди дуо қилиб бир сўз айтаётгани:

Кўкда малак бузрукворлар ёр бўлсин.
Сафаринг чирогим бехатар бўлсин,
Энангнинг арвоҳи сенга ёр бўлсин,
Ҳар жойда ўзингни тарбият қилсин!

Ўзинг кетиб ақлимни шоширдим,
Ўзгинангга зиёрат қип бош урдим,
Эсон-омон келгин хатарли йўлдан
Боргин сени бир оллога топширдим!

Гаплар чиқди Така Замон тилидан,
Такабеги Замон одамни йиғиб,
Шогирдин жўнатди Евмит элидан
Ким чидайди яхшининг ҳасратига
Омин деб жами турган қора кўз,
Баравар фотиҳа тортиб бетиға,
Жўнатди ой Юнус паризотиға.

Ширин жонини сотди,
Отига қамчи тортди,
Гўрўғлибек ғайрат қип
Юнус парига кетди.
Ажал етса ўлгани,
Бўйнига қўл солгани,
Бораётир Гўрўғли,
Хотинини олгани,
Евмит қайтиб келгани
Раҳм айласа ҳолиға
Булбул боғнинг гулиға,
Жўнай берди Гўрўғли,
Чиқиб Евмит чўлиға.
Томоша айланг ишига,
Сариёй отиб қушиға
Кабоб қилиб қушларни
Гўрўғли йўл юради.
Отига қамчи тортди,
Гўрўғли қистаб кетди.

Таваккал қип Гўрўғли,
Доим чўлда йўл тортди.
Куйибди ҳасратига
Келмайман деб юртига
Этайин деб боради,
Юнус паризодига.
Оралай деб гулларга
От қўяди Гўрўғли,
Доим сувсиз чўлларга.
Кийими чанг бўп кетди,
Эсонлик ганиматди,
Тагин уч кун ўтганда,
Бир тегирмонга етди.

Тегирмон бир айри соқол тегирмончиники эди. Отини Пардавой қаллоб дегувчи эди. Шуйтиб қозоқлар тегирмон тортса, понсарини оларда ўн чорак қип олгувчи эди. Берарда беш чоракни понсари деб бергувчи эди. «Бу тегирмончи келаётир»,— деб Пардавой қаллоб бир нечасини бинғиртди. Гўрўғли «бу нима экан» деб хаёли кегиб, отни ўйнатиб, тегирмончининг олдига етди. Тегирмончи қўрқиб кетди. Ҳеч бундай кўзи ўткир йигитни кўрган эмас эди. Гўрўғлибек кулди. Ана Гўрўғли тегирмончига қараб бир сўз айтаётибди:

Қайтайин бўлмади ўзимда ҳаво,
Изласам топилгай дардимга даво,
Мени кўриб сен булайтиб ётибсан,
Тур жойингдан, бунда келгин чол бобо!

Мен келмасдан ўзинг бунғиратасан,
Тез келмасанг кўнглингни қабартасан,
Тур жойингдан бери келгин баччағар,
Мен келувдим сен булайтиб ётасан!

Бери келгин, жавоб бергин баччағар!
Баҳорларда сен очилган бодомсан,
Юракка тушган қайғу билан ғамсан,
Пунғиртувдинг бир нарсани сен ўзинг,
Сабаб нима дўстуман бўп ётибсан?
Мана ёгинг бутакўзли жўнағар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар,
Мени кўрмай бир нарсани букратнинг

Букратгани яна букрат баччағар!
Тура келсанг гапинг дардима дармон,
Турмасанг қиларман ер билан яксон,
Букратган нарсангни оп кел ўзима,
Ҳар гапинг дардима дармон бобоюн!
Ишонмайсан менинг айтган сўзима,
Бошқа нарса кўринмайди кўзима,
Бунғиратганинг олиб келгин чол бобо!

Энди тегирмончи Пардавой қаллоб тиклаб қаради. Гўрўғли ҳам «келинг бобо» деб бир тиклади, бечора тегирмончи қўрқиб қалтираб гапини ҳам гапиролмай қолди. Гўрўғли қулоғидан чўзиб ушлаб тегирмоннинг олдига олиб келди, айтди:

— Бир бувирчиғ бер,— деди. Тегирмончининг лаби билик-билик этди. Гўрўғлининг аччиғи келиб беш, олти муштлади. Пардавой қаллоб ерни тишлади. Этагининг думини юлиб олди. Гўрўғли бувирчиғини ҳам олди, топган нон-понларини ҳам олди, хуржунига солди. Ана энди Гўрўғли (тагин йўлга тушиб кетаверди).

Тағи отини жилди,
Ишни худога солди,
Гўрўғлибек ғайрат қип,
Ҳадеб чўлларга кирди,
Баланд тоғнинг қори деб,
Юракнинг ғубори деб,
От қўяди Гўрўғли,
Юнусжондай пари деб.
Эғнида тумори деб,
Гўрўғлибек йўл юрди,
Юнусжондай пари деб,
Кетсин манглай шўри деб,
От қўйиб чапараста,
Юнус, Мисқол пари деб.
Еқаси ҳўл ёшига,
Ҳеч кими йўқ қошида,
От чопади Гўрўғли,
Занглаб ётган дашига.
Чўлларда ранги сўлди,
Тустовуқнинг моғин,
Тўртта-бештасин олди.
Бир тошбақа, қуённи,

Гўрўгли ушлаб олди.
 Даркор бўлар деди-да,
 Бачча хуржунга солди.
 Чўлни тутиб ҳайъати,
 Келиб марднинг гайрати,
 Гўрўглибек хотин деб,
 Тинмай чўлдан йўл тортди.
 Фироти оғзин очиб,
 Қўлтиқдан парқин сочиб,
 От қўяди Гўрўгли,
 Фирқўк от қушдай учиб,
 Яна ўн кун ўтганда,
 Бир тоғни кўриб қолди.
 Ўзи баланд тоғ экан,
 Тевараги зов экан
 Юра, юра Гўрўгли,
 Тоққа яқинлаб қолди.
 Ой Юнуснинг қасдига
 Қулоқ сонг сўз ростига,
 Кун ёйила, Гўрўгли,
 Чиқди тоғнинг устига.

Ана энди Бало тоғининг устига чиқиб, ҳар атрофга
 қаради, қуш учса қаноти куядиган бул кетган чўл... жон-
 дор кўринмайди, эл нишони йўқ, йўл нишони ҳам йўқ. Ана
 Гўрўглибек бир сўз айтаётди:

Олис қолиб кетди Ёвмитдай жойим,
 Бир худой солмагай қайғуман войим,
 Ҳеч бир нарса бу тоғларда бўлмаса,
 Гапирмоққа ҳамдамгинам бўлмаса,
 Ёлғиз турганимни ҳеч ким кўрмаса,
 Яйловда мўл юрарга одам бўлмаса,
 Турган тоғлар кимлар учун яралган,
 На бир олқор, ўйнар кийик бўлмаса?

Юриб келдим қум чангиди изима,
 Ҳеч бир жондор кўринмайди кўзима,
 Отингдан айналай яратган жаббор,
 Бу гапларни маълум қилсанг ўзима...
 Бу тоғларни киминг учун яратдинг?

Томоша қиларга одам бўлмаса,
 Гирас-гирас моллар бунда юрмаса,
 Элибойлар ўтов тикиб турмаса,
 Ҳеч бир нарса ўтлингни билмаса,
 Меҳмон деб олдима ҳеч ким келмаса,
 Ҳеч бир ҳайвон бу ўтингни емаса,
 Сен кимсан деб ҳеч ким олдима келмаса,
 Бу тоғларни нима учун яратдинг?

Не савдо кўтармас банданинг боши,
 Добил туйса учар кўлларнинг қуши,
 Гўрўглибек байт айтаётганда
 Йиғлаб чиқди бир баччанинг товуши.

Йигитни ўртайди қизларнинг сўзи,
 Тизилиб учади кўлларнинг ғози,
 Гўрўглибек шундай тиклаб қараса,
 Йиғлаб чиқди бир баччанинг овози.

Гўрўгли шундай қараса бир нарса ётибди. Бир қулоғи
 кўрпадай, бир қулоғи супрадай, бўйлари минорадай, кип-
 риклари чинордай, буни кўриб Гўрўглибекнинг ҳуши бо-
 шидан учди. Унинг отини Бало дев дегувчи эди. Буни
 Юнус пари қоровул қип қўйиб эди, шу ёқдан одам келса
 ейсан деб. Ўзининг Гўрўглибекдан гумони бор эди. Ана
 энди Бало девдан эшитмак даркор:

Юргангинам тоғнинг тоши,
 Учар кўлнинг турна қуши,
 Еганим одамнинг гўшти,
 Шукур овим барор олди.

Гўштингни тишлаб тортарман,
 Сўнгагингни ушатарман,
 Каллангни чайнаб ютарман,
 Шукур овим барор олди.

Сўйлатайин қизил тилни,
 Тоғдан терсам тоза гулни,
 Таг тилима одам келди,
 Шукур овим барор олди.

Тоғда синдирсам бодомни

Юракдан кеткарсам ғамни,
Тогда ейман мен одамни
Шукур овим барор олди.

Сен ташлаб келгин саллангни,
Кемириб ейман каллангни,
Олдинга олмай муллангни,
Шукур овим барор олди!

Ана Гүрүғлибек жонидан умид узиб «хай аттанг» деб,
ўзига тасалли бериб, «кел баччагарга бир қаттиқ дўқ
урай» деди. Гүрүғли бахайбат тортиб, бир сўз айтаяпти:

Юрганим Хизрнинг даши,
Куйганинг тўкилар ёши,
Еганимгина девнинг гўшти,
Менинг овим барор олди.

Осмондан тушган учимиз,
Ҳар кимга етар кучимиз,
Доим девни йиғувчимиз
Менинг овим барор олди.

Белимга дўғганим алвон,
Сен каттасан ўзим полвон.
Менинг ўзим балогардан,
Менинг овим барор олди.

Темирчи урар табарди,
Уқидим алиф забарди,
Мен худойимнинг боласи,
Худойим сенга юборди,
Кўнглим ўзингдан қаварди.
Ейман сенинг ўзгинангни,
Тишлаб ўяй кўзгинангни,
Ёмон айтдинг сўзгинангни.
Бўкиртиб ей ўзгинангни.
Худойим мени юборди,
Мен осмондан кўриб тушдим,
Жавдиллаган кўзгинангни.

Дарров пишириб ей сени,
Нима дейсан ўзинг мени?

Таътил қилай ўзим сени.
Оқизай кўздан ёшингни,
Уриб синдирай тишингни,
Қилиб қўяман ишингни.
Дарров кесаман бошингни,
Қовуриб ейман гўшингни
Менинг овим барор олди.

Худо дарров келгин, деди,
Бориб девни егин, деди,
Айтганимни қилгин, деди.
Ўзим худойнинг балоси,
Йўқти тишимнинг чаласи
Менинг овим барор олди.

Ана энди дев жойидан туриб тишини тошдай шақир-
латиб, қулоғи тос тепадан ўтди. Кўзи манглайига чиқиб
кетди, кўҳна безгаклари тутди. Жони чиқиб, жуда кўрқиб
кетди. Гүрүғли хез қип девнинг олдига яқинлаб етди. Дев
қочмоқчи бўлди. Гүрүғлининг кўзи девдан ўтиб кетди. Дев
энди Гүрүғлига қараб бир сўз айтаетир:

Ёп-ёмон кўриндинг менинг кўзима,
Энди билсам ўзинг тараф изима.
Сенам кетгин, менам кетай баччагар,
Кетавергин, кўринмагин ўзима!

Сен юрасан Бало тоғнинг дашига
Ёмон савдо зиён қилар кишига,
Келган бўлсанг кетгин йўлдан қолмагин,
Ёнашмагин! Қизил девнинг қошига.

Сен-да йўқ, мен-да йўқ келма олдима
Бало бўлсанг мендан умид қилмагин,
Яхшилиқ кўр, ёмонликни кўрмагин.
Кимама бўлсанг кетавергин йўлингга
Кет-кет, гўштимдан умид қилмагин!

Оқадиган тиниқ сувни лойладим,
Яхши кўрдим сенга ширин сўйладим,

¹ Яқинлашмагин.

Енашма олдима, тургин нарироқ,
Қилган гуноҳингни озод айладим!

Бемаза гапларни айтдинг тилингга,
Раҳм айладим ёш баччасан ҳолингга,
Боргин ўтирмай озод айладим,
Кимам бўлсанг кетавергин йўлингга.

Ана энди дев Гўрўғлибекдан қўрқди. Гўрўғли қўрққанни билди. Гўрўғлибекнинг Ғироти уч марта кишнади, девнинг қулоқлари битди, тоза жони чиқиб кетди. Гўрўғли Ғиротига:— Миндиргин жонворим. Бу қочмоқчи бўляпти,— деди. Ғирот ўзини очиб, кийикдай ўйнаб, ерни тепиб уч айланди. Дев (ўзича) айтди:— Буниси ёмон экан, тўрт оёқли экан. Бунинг қалласиям икки ёқли экан,— деди. (Гўрўғли Ғиротига) айтди:— Қочмасин, эҳтиёт бўп тур, қимирласа қулоғидан ола кет,— деди. Девнинг жон-пони чиқиб кетди. Ана энди дев қўрққанидан Гўрўғлига қараб сўзлаяпти:

Сен худонинг бўлсанг балоси,
Белги кўрсат ўзгинама?
Нишонани кўрсата қол,
Дарров менинг кўзгинама!
Ишонайин сўзгинангга.
Ёмон бўлсанг тоғдан ўтгин,
Манов нарсанг нарроқ тортгин!
Бало бўлсанг ўзгинама,
Дарров белгингни кўрсатгин!
Бўлгин менга ўзинг пано,
Тоғларда юради тана,
Бало бўлсанг дарров кўрсат,
Кўзгинама сен нишоиа?
Қилган ишинг чаламисан,
Юрган еринг даламисан,
Кўп гапларни биламисан,
Ҳақдан келган баломисан,
Мени бир иш қиламисан?
Нарроқ тургин баччағар,
Дарров бўғиб оламисан?!

Шуйтиб Гўрўғлининг айтаётган сўзи:

Аввал бошлаб ўйиб олай кўзингни,
Очқаб келяпман олис йўллардан,
Тишлаб-тишлаб овқат қилай ўзингни,
Ҳар нарса деб айтавердинг сўзингни.

Келган бало айтса гапга чеварди,
Усталар уради пўлат табарди.
Қулоғингни шарра тилик қиламан,
Бир худойим ўлдиргин деб юборди.

Оллоиймнинг айтганини қиламан.
Ҳали сенга не савдони соламан,
Бир худойим ўлдиргин деб буюрган.
Қулоқман бурнингни кесиб оламан.
Мана худойим турибди-ку олдингга
Худойимнинг айтганини қиламан.

Бало эга бўлар сенинг гўшингга,
Худойим кишнаб турибди қошингга.
Шу худонинг айтганини қиламан,
Осмондан учиб келганман қошингга.

Шу худойга етгай менинг бул зорим,
Қайтайин юракдан кетгай-да черим.
Манглайдан тўкилгай дириллаб шўрим,
Худойимнинг айтганини қиламан,
Қайтайин очликдан кетди мадорим.

Кўп бўлганди душманларнинг жафоси,
Худое бўлгай-да завқи сафоси,
Улар бўлдинг ростин айтсам ўзгинанг,
Менинг ўзим оллоиймнинг вабоси.

Ол ўлдинг, еяман сенинг ўзингни,
Нега бўзартасан икки кўзингни?
Аввалги овни балоғардон қўймайди,
Аввал бошлаб ўлдирайин ўзингни.

Қайтмай ўзим ширин жонни сотаман,
Қаерда дев (кўрсам) кўкка отаман,
Аввал бошлаб мен еяйин ўзингни,
Сени таътид қилиб қорним тўйғазиб,
Ундан кейин Кўйи Қофга кетаман.

Эшит ўзинг балоғардон зорини
Бориб қирай дев битканнинг барини.
Кўриб келдим Кўйи Қофнинг ўрини,
Асли тополмайман чуқур жарини.
Аввал сени ўлдирайин, баччағар,
Бориб қирай дев битканнинг барини!

Бир оллойим юргин, деди,
Кўйи Қофда тургин деди.
Кўйи Қофда дев парини,
Бориб туриб қиргин, деди,
Уч оғайни сўрасангиз,
Бировимиз инсга кетди,
Бировимиз молга кетди.
Катта бало дер ўзимга,
Кўйи Қофга худойим оп юриб,
Сени егин деб жўнатди.

Ана шунда гапни девдан эшитмак даркор: Дев айтди:— Сен бало бўлсанг худойингга айтгин, нарироқда турсин. Мен кўрқаман, ёмон худойингнинг олти оёғи бор: икки калласи бор. Бу худойингнинг ёмон таёғиям бор. Мен ёмон кўрқиб кетдим,— деди. Гўрўғли айтди:— Ё жонивор худой нарёққа тур,— деди. Дев айтди:— Худо айтганингни қилар экан, гапнинг бўларини айтиб қўя қол, сен бало бўлсанг, аввал битингни кўрсат,— деди. Гўрўғли айтди:— Ҳа, кўрсат десанг кўрсатамиз. Тағи кўрқма, аввал сен кўрсат! Ундан кейин мен кўрсатаман,— деди. Дев қўйнига қўлини солди, битини олди. Мана деб ташлади. Бити қурбақадай бўлиб ўрмалаб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан тошбақани чиқариб ташлади. Тошбақа девнинг битини чирқиратиб босиб еяверди. Дев айтди:— Бунинг бити устига тош битиб кетган экан,— деди. Дев бургасини чиқариб кўрсатди, Гўрўғли қуённи чиқариб ташлади. Девнинг бургасини бўғиб еяверди. Энди дев:— Қўлтигининг жунини кўрсат,— деди. Дев жунини кўрсатди, жинғиртқадай илашиб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан эшакнинг думини чиқариб берди. Дев айтди:— Во худо урди, энди бунинг балолиги рост экан.

— Энди бир усришарий қиламиз,— деди. Гўрўғли бу-
вирчиқни тортди. Девнинг қулоқ-пулоғи битди, эси кетиб
ётди. Гўрўғли бориб қулоғидан тишлаб тортди. Оти бу

қулоғидан тортди. Энди дев ўлдим деган шу бўлди деб
бир сўз айтаяпти:

Кўлдан учган ўзим ғозман,
Сарғайган сомондай юзман,
Емагин ўзим ёлғизман,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қизлар чиқар исмалоққа,
Добил урсанг таққа-таққа,
Ўлдирмагин ўзим ёлғиз,
Отадан мен ўзим якка!
Олиб борай Ирам боққа,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Айтганингни қилайин,
Сенман билла бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Ирам боққа, Кўйи Қофга
Кўтариб бориб келайин.
Дев битканга қасд бўлайин,
Сенинг билан дўс(т) бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Душманингни итарайин,
Тарабингни қантарайин,
Олти оёқли худойингни,
Зиёрат қип кўзга суртиб,
Ҳам ўзингни кўтарайин.
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қулоқ сол ошнанг тилига,
Оп борай девнинг мўлига,
Ўлдирма бизни, ўлдирма,
Раҳм айла дўстинг ҳолига!
Ширин жонингни сотарсан,
Неча тоғдан, дарёлардан,
Сен бир соатда ўтарсан,
Билкилаган дев мўлига
Ўзинг уч кунда етарсан,
Қорнинг тўйганча ўзинг
Тинмай таътил қип ётарсан.
Қўйивор мени раъйима,

Үлдирмасин айтиб қўйгин,
 Олти оёқли худойга,
 Емон қўрқитди ўзимни.
 Худойингга банда бўлдим,
 Айтганингни ўзим қилдим.
 Олти оёқли худойингга,
 Үлдирма деб, дўстим айтгин!
 Кўп қўрқиб сени пир қилдим,
 Емон зўр экан худойинг
 Худойингга банда бўлдим.

Гўрўғли «Қўй!» деди. Оти тишловини қўйди. Дев айтди:— Бунинг худоси Емон зўр худо экан. Биз ҳам шу худого банда бўлдик, биз ҳам бошқа миллатга қараб қолдик. Энди ўлдирмайди,— деди. Гўрўғлибек девга қараб бир сўз айтяпти:

Эшитгин бадбахт оҳимни,
 Сен кўрдингми худойимни?
 Узун билмагин бўйингни,
 Соламан сенга войимни,
 Биламан ўзим уйингни,
 Кўп элангин оллоиймга.
 Аввал сени йиғиб олайин,
 Балого дучор қилайин,
 Билсанг, сен аввалги овим,
 Соп бўлмайди сенга гапим.
 Бало тоғ ўзимнинг тоғим,
 Ажал тўнингни бичаман,
 Пўлат сопли ханжаримни
 Кўкракқинангга санчаман,
 Аввал сени йиғиб бўлган сўнг
 Ўзим осмонга учаман.
 Пари билан дев битканни,
 Бориб мен ўзим янчаман:
 Ол ўлдинг, сен ўзинг ўлдинг.

Гўрўғлибек, кўрмайсанми, худойимнинг бошида ҳам икки оёғи бор. Қўй десам қўяди, йиғ десам йиғади. Киши аввалги овини ҳам қўями, ол худойим бунни татала, деди. Ғирот жопалахлаб келиб девнинг устидан босиб, тепасидан ўтиб кетди. Дев «ўлдирар экан», деб қўрқиб, эси кетиб, беҳуш бўлиб қолди. Гўрўғли:— Қўй, қўрқитма бунни,—

деди. От чопиб-чопиб кишнаб кетди. Дев айтди:— Қўйи Қофга уч кунда етказаман,— деди. Гўрўғли айтди:— Уч кунда уч минг девни ейман. Мен ўзим ҳам Қўйи Қофга уч кунда бораман. Сен ҳали мени кўзга илмабсан,— деди. Дев.— Ҳо, дегунча бориб етаман,— деди. Гўрўғли девнинг устига миниб олди. Дев бир пориллаб учди. қўрққанидан юлдуздай оғиб учди. Гўрўғли кўзини очиб қараса ярқиллаган пўлат қўрғоннинг олдига келибди. Дев Гўрўғлига айтди:— Пари суймакка кўнглинг бўлса, анов Ирамнинг боғи. Дев кўрмоққа раъйинг бўлса, анов Қўйи Қофи. Бошингга мушкул савдо тушса, жунимдан тутатсанг, ўзим олдингга келаман. Ана энди худойингга айтгин, бизга индамасин. Биз ўлгунча сенга хизматкормиз. Бизнинг отимизни етти яшар Самандар дев дейди. Энди мен кетайми ё олдингда юрайми?— деди. Гўрўғли:— Худойингдан сўра! Жавоб берса кетавер,— деди. Дев айтди:— Олти оёқли худойим, биз сизга қулмиз. Жавоб берсангиз мен кетсам,— деди. Гўрўғлининг оти:— Ҳа, бор кетавер!— дегандай ишора қилди. Бизга жавоб берди деб, дев бечора Гўрўғлидан қутулганига хушвақт бўлиб, туриб жўнай берди. Девдан қутулганига хушвақт бўлиб Гўрўғли ҳам жўнай берди.

Энди гапни Юнус паридан эшитмак керак. Гўрўғли Қўйи Қофга борди. Пари келарни, кетарни билар экан, Юнус паридан бир ҳарорат пайдо бўлибди. Юрагига хавил тушди. Ҳовлиқиб канизларга қараб бир сўз айтяпти:

Сарғаймасин менинг ойдай юзларим,
 Юлдуздай ярқиллар икки кўзларим,
 Бир аросат тушди юраккинама,
 Сўзима қулоқ сол турган қизларим.

Юракларга тушди қайғу-войимлар,
 Кимнинг эси бўлса гапни фаҳмлар
 Бул танама тушди ёмон аросат,
 Сўзима қулоқ сонг турган ойимлар.

Бадангинам менинг тебраниб кетди.
 Нон-насибам билдим бир жойга тортди,
 Сўзима қулоқ сонг турган донолар,
 Бул танама аросат тушиб кетди.

Бул кўшқда юраккинам чер бўлди,
 Баланд тоғнинг қия ёғи жар бўлди,

Сўзима қулоқ сонг ақли донолар,
Маслаҳат қинг бу не деган сир бўлди?!

Ухлаб ётиб кўрдим ёмон гавғони,
Тўхтамишга солди катта савдони,
Маслаҳат бер менга ақли донолар,
Тўхтамишнинг кўзин уйган ким бўлди?

Йўқ савдони Самандарга солдимиз?
Ё билмайман кунлар қаро бўлдимиз?
Қуръандозлар қуръа ташланг ҳаммангиз,
Ё башардан бирор одам келдимиз?!

Қора сочи барк-барк қилиб таранглар,
Рўмолларни пириллатиб ўранглар,
Йиғилишнинг ёслилар, доно қизларим
Ҳар тарафга тиклаб, тиклаб қаранглар!

Самандарни яна банди қилмасин,
Гўрўғли етимақ бунда келмасин!
Дарров қаранг ҳар тарафга вазирлар,
Ҳеч таълимни, ҳеч тартибни билмайди,
Тағин-а хотин деб келиб қолмасин!

Тўхтамиш акамни айтиб келинглари,
Овқат-анжомни тайёр қилинглари,
Тағи келиб бир дардисар бўлмасин,
Далада ушлаб иложин қилинглари!

Ўзи ўзбек, ўзбеклигин қилади,
Тентак эмас бир хил гапни билади.
Кириб келса бу ватанга ойимлар,
Яхшига тармашиб бало бўлади.
Хотиним деб катта жанжал қилади.

Тўхтамиш акамни айтиб келинглари,
Гулқизжонни Тўхтамишга буюринглари!
Маслаҳат қил сатта доно қизларим,
Маслаҳат қил дарров жоду кўзларим!

Кириб келмай иложини қилинглари,
Бу гапимнинг дарагида бўлинглари,
Гулқизжонни дарров айтиб келинглари.
Ўзи ўзбек ўзбеклигин қилади
Меҳнат қилиб олис йўлдан келади.

Кириб келса дарвозадан Гўрўғли,
Сен хотин деб бизман жанжал қилади.

Гиротини минса қамчи чотади,
Менинг учун қони зардоб ютади.
Дарвозага қулоқни солинг ойимлар,
Кириб келса бизни олиб кетади.

Ўзи ўзбек ўзбекларнинг соддаси,
Асли сўрсанг ўзбекларнинг каттаси
Келтирмайин иложини қилинглари,
Тўхтамиш акамни айтиб келинглари.
Бу ишимнинг дарагида бўлинглари!
Юнусжоннинг андан бордир гумони,
Тараддисин дарров қилинг ойимлар.

Булар бу ёқда шуйтиб турсин, ана энди Гулқиз пари
бадангиналари мисли тоғнинг қори, юз мақом юришлар
билан бошини чайқаб, юз турли кулишлар билан қўлини
алиф лом қилиб, лабини тишлаб, мийғида кулиб, белги-
налари толиб, ҳар мақом қангамаларини қилиб, икки дас-
та гулни Юнус парининг олдига мана деб қўйди. Ана энди
Гулқиз Юнус парига қараб бир сўз айтаяпти:

Кетиб қолдим ўзгинамдан ҳар замон,
Сулувларнинг ишқи йигитга ёмон.
Қулоқ солинг хизматкорнинг арзига,
Сўзима қулоқ сонг турган ойимжон!

Хол ярашар сулув қизнинг юзига,
Яхши одамлар ҳасрат қилар изига.
Юнус пошшом айтадиган арзим бор,
Қулоқ солинг Гулқизжоннинг сўзига!

Ойдан сулув, кундан яхши юзим бор,
Саратон юлдуздай икки кўзим бор.
Сўзима қулоқ сонг, тақсир пошшойим,
Айтадиган сизга менинг арзим бор!

Товуслар таралар баланд тоғига,
Қулоқ солинг Гулқизжоннинг гапига.
Арзима қулоқ сонг, тақсир пошшойим,
Бир сайил қилайик Гулшан боғига.

Ҳар турли гул очилибди,
Бинггак чақиб сочилибди,
Юринглар Гулшан боғига,
Шамшод гуллар очилибди,
Юринглар, ойимлар, Гулшан боғига!

Боққа бориб завқи кулиш қиламиз,
Алп толга халинчаклар соламиз,
Болҳовуз бошида, марварид супада,
Сайил қилиб хўп чақ-чақ қип келамиз!
Оқшомиман бугун ўйин қиламиз.

Кир кўйлакни ечиб гулдай яшнаимиз.
Яхши сақич қирсиллатиб чайнаймиз.
Юринг энди болҳовузнинг бошига,
Саҳаргача чақ-чақ қилиб ўйнаимиз!

Юринглар ойимлар Гулшан боғига,
Боққа бориб анор мева отамиз,
Иншоолло муддаога етамиз.
Болҳовузда чўмилишиб, ойимлар,
Баданларни тозалашиб қайтамиз.

Ана Гулқизнинг гапига завқи келиб, Юнус парининг
боғи гапи эсидан чиқиб кетди, бормоққа андак мойил бўл-
ди. Яхши гап яхши, Юнус парининг юрагидан ғубори кў-
тарилиб қолди. Юнус парининг энди канизларга қараб
айтаётган сўзи:

Кўтарилгай юрагимнинг ғубори,
Ҳангамада кетар юракнинг чери,
Кир кўйлакнинг барин ечиб ташланглар,
Айтганима қулоқ солинг сап пари.

Сайил қилиб вақтларинг хушланглар
Бошни чайқаб бармоқларни тишланглар!
Юринг эса баринг Ирам боғига,
Кир кўйлакни тандан ечиб ташланглар!

Айтганимни, «қуллуқ», дейишиб қилингллар,
Нима десам, айтганимда бўлингллар.
Икки кунлик сайил бердим сизларга,
Кийим кийиб ҳамманг бирдай бўлингллар!

Тахассуфга яхши ойнага қарангллар,
Зулфларингни ярашиққа тарангллар!
Юринг энди баринг Гулшан боғига,
Рўмолларни қиёвони ўрангллар!

Қуллуқ, деб кўнгли қайнади жўшди,
Кийими йўқ ҳисобидан адашди.
Кийими кўп сатта сулув жононлар,
Хушвақт бўлиб бари сандиқни очди.
Сайил берди ойимимиз бизга деб,
Ҳангома қип оғзидан дур сочди,
Кийими озларнинг ақли шошди,

Юнус пари барин вақтин хушлади,
Тахассуфга шуйтиб белин ушлади,
Хафа бўлманг менда кийим кўп деди,
Ўртага ой Юнус сарпой ташлади.
Хушвақт бўлиб кийими оз парилар,
Яхши кўрганини шуйтиб ушлади.

Хушвақт бўлиб жами қизлар кулишиб,
Ойимимиз беклик қилди дейишади.
Қора сочин ярашиққа туйдирди,
Гулдор пиёлага майлар қуйдирди.
Юнус пари тошқинлиги кеп кетиб,
Ҳар ранг желак, хила кўйлак кийдирди.

Қулоқ солиб бир-бирининг сўзига,
Шакаман ўқ отар даштнинг ғозига,
Юнус пари беклик қилиб, ёронлар,
Сарпой берди жами турган қизига.

Кўрганларнинг кўкайини қийдирди,
Ярашиққа ҳар ранг сарпой кийдирди.
Томоша айланг каттаконнинг ишига,
Ҳақиқ маржон таҷавверди тўшига.

Яхши рўмол ўрайверди бошига,
Шундайгина ўсма қўйди қошига.
Ярашиққа сурма қўйди кўзига
Томоша айланг ой Юнуснинг юзига.

Энди Юнус пари канизакларга қараб бир сўз айтаяпти

Қулоқ солинглаар сўзима,
Упа суртинглаар юзима,
Гирдим олинг хизматкорлар,
Кийим кийгизинг ўзима!
Бор нарсани йиғдириглаар,
Қўнгилаарни тўлдириглаар,
Келинг бунда вазираарим,
Яхши кийим олиб келиб,
Юнусжонга кийдириглаар!

Зулфимни яхши тараглаар,
Қўнглимни яхши сўраглаар,
Йиғилишинг паризодлар,
Яхши рўмолдан ўраглаар!

Сизга қилган адабимни,
Келиб очай мактабимни.
Жовдиратиб тақиб қўйинг,
Гавҳар-жавҳар, садабимни!

Гартак қовоқни ўйдиртинг
Кўзларга сурма қўйдиртинг,
Яхши, қиммат қўйлақларни,
Оқ баданима кийдиртинг.

Бир қайрила боқиб қўйинг,
Ой Юнусга ёқиб қўйинг,
Қайқайган яхши гажжакни,
Зулфгинама тоқиб қўйинг.

Чақириб кенглаар холаамни,
Ҳам айтиб кенглаар бўлаамни.
Қулоғима тақиб қўйинг,
Жилдираган хўп сиргаамни!
Бурнима тақиб қўйинг,
Гавҳар тошли лотибаамни.

Ўн бешимда равишимни
Яхши қилдим товушимни.
Оёғима кийгизинглаар,
Карра туёқ ковушимни!

Яхши олинглаар бобимни
Келтириб олманг тобимни

Сочимни ювиб тарашиб,
Тақиб қўйинг пўпагимни!

Юринглаар боққа бораайик,
Шамшоди гулни терайик!
Икки кун сайил қип юраайик,
Ундан сўнг қайтиб келайик,

Сўнг билан уйда бўлайик!
Суяб юринглаар канизлар,
Сайли чорвоқ қип келайик!

Қўрганнинг бағри куяди,
Йўлда бўзлаган мояди.
Қўп парилар туриб бари,
Қуллуқ тақсир ойимжон деб,
Қўлтиқларидан суяди.

Сатта пари гулдай яшнаб,
Қўлларни бўйинга ташлаб,
Қаҳ-қаҳ уриб вақтин хушлаб,
Ҳазиллашиб бир-бирига,
Бошни чайқаб, лабни тишлаб,
Ўз вақтини ўзи хушлаб,
Сатта маст қизлар киш-кишлаб.
Ой Юнуснинг қўлидан ушлаб,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Рўмолларни пириллатиб,
Баданларни дириллатиб,
Сатта парилар жўнади,
Йўлларда қангама этиб.
Сўлқиллаб қизлар жўнади,
Таралиб қизлар жўнади
Буралиб қизлар жўнади.

Тиши оппоқ дурдай бўлиб,
Баданлари қордай бўлиб,
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,
Гулдай яшнаб келаетир,
Ҳаммалари бирдай бўлиб.

Қизлар келади арсиллаб,
Оёқлари ерга дурсиллаб,
Оғзида машати сақич,
Хар чайнаганда қирсиллаб,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Чўпон тортган найдай бўлиб,
Қоши, кўзи ёйдай бўлиб,
Кўзи сотган бойдай бўлиб,
Сап маст қизлар ҳазиллашиб,
Минилмаган тойдай бўлиб,
Баданлари қимирлайди,
Мисли семиз қўйдай бўлиб,
Солланиб қизлар жўнади.

Ойим жўнади ой нозик,
Билагида билагузук,
Унг қўлида тўла узук.
Келаётир сатта қизлар,
Қоши қаро, кўзи сузук,
Бир нечалар ўлдим дейди
Бир нечалар худойга ёзиқ.
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Босган йўллари бўп миннатдор,
Восмаган йўллар ўпкадор,
Келаётир сап парилар,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Ойга ўхшайди юзлари,
Ярқиллашиб ик кўзлари,
Шакардан ширин сўзлари,
Кўкракда муштдай безлари,
Келаётир дириллашиб,
Юнуснинг сулув қизлари.

Мисли лаби болдай бўлиб,
Шоир айтган тилдай бўлиб,
Темгил-темгил холдай бўлиб,
Ойимлар боққа жўнади,
Сап қизлар боққа жўнади.

Эримас тоғларнинг қори,
Кетсин юракнинг губори,
Сўлқиллашиб жўнайверди,
Гулшан боққа сатта пари.
Ойдай бўп қизлар жўнади,
Бойдай бўп қизлар жўнади.

Бошин чайқаб, лаб тишлашиб,
Жуда вақтини хушлашиб,
Бари белларин ушлашиб,
Келаётибди терлашиб.
Кўрганларнинг ранги сўлди,
Оғзи анграйиб қолди,
Келаётган париларга
Бурни шанграйиб қолди.
Узоқ экан Гулшан боғи,
Кўрганнинг кўп бўлар доғи,
Саргайиб ойдай сиёғи,
Олис ойимнинг чорбоғи,
Бора-бора чарчаб қолди.

Ана энди Юнус пари қизларга қараб бир сўз айтапти:

Аста юринглар парилар,
Тез юрсам ичим куяди!
Ҳақиғимни ечиб ташланг,
Боғи бўйнимни қияди!
Гулшан боғи олис экан,
Вой қачон боққа етади,
Пўпагимни кўтаринглар,
Шилдираб қаттиқ ботади.
Баданим ҳовлиқиб кетди,
Астароқ юрсанг қайтади?
Тез юрсам ўпкам пишади.
Ғамхона кўнгил жўшади.
Кўйлагимни елпитинглар,
Терлаб кетдим ёпишади.
Аста юринглар дўстларим,
Ҳовлиқиб ўпкам пишади.

Хотин чиқар исмалоққа,
Пўлат добил урар тоққа,
Эҳ воҳ, ўлдик, деб ойнмлар.

Келаётибди чорвоққа,
Оёқ босиб якка-дикка,
Дуд ўрлаб кетди фалакка
Ғала парилар жўнади,
Оёқ босиб якка-якка.
Яхши рўмоллар бошида,
Тишқолиси бор тишида,
Хурдай бўлиб силдирашиб,
Жоду кўзи мўлтирашиб,
Яқинлаб ҳовуз бошига
Қулоқ сонг сўзнинг ростига,
Гўрўғли борган қасдига,
Силдирашиб сап сулувлар,
Чиқди супанинг устига.

Ҳаммалари келиб вақтин хушлади,
Бошни чайқаб, лабларини тишлади.
Сап марварид супага чиқиб оймлар
Қалин кўйлақларни ечиб ташлади.

Ана энди шу парилар вақтини хушлашиб, баданларини ушлашиб, чақчақлашиб, жуда кулишиб, гулга оралаб, тоза гуллардан саралаб, Юнус пошшоси экан, Мисқол канизи экан, бу Ирамнинг боғи экан. Юнуснинг энасини Қария пари дегувчи эди. Отасининг отини Раҳмат пари дегувчи эди. Кўйи Қофнинг подшоси эди. Ана энди булар сайил қилаверсин. Энди гапни Гўрўғлидан эшитмак даркор.

Гўрўғли намозгар бўлган паллада бир панага отини боғлаб, Ғиротга қараб бир сўз айтаяпти:

Сенсан менинг ёмон кунда қанотим,
Хатарли кунларда сенсан қувватим.
Мен кираман бугун Гулшан боғига,
Ҳеч кимга кўринмай тургин Ғиротим.

Эшит жонвор менинг айтган сўзимни,
Сен бўлмасанг ғам сарғайтар юзимни.
Дев битканлар ол ушла деб қолганда,
Қутқарасан дев биткандан ўзимни!

Сен бўлмасанг ўйиб олар кўзимни.
Яёв бўлсам ғам сарғайтар юзимни.

Ажал етиб мендай эганг ўлмасин,
Бир оллойим жўдоликни солмасин.
Пусиниб шу ерда ётгин жонивор,
Келганимни ҳеч бир киши билмасин!
Сени билиб девлар ғавғо қилмасин,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон билмасин!

Тўхтамиш дев ол ушла деб қолмасин,
Келиб туриб бизни банди қилмасин!
Одам кўрсанг пусиниб ёт, жонивор,
Бу гапларни ҳеч бир киши билмасин!

Ажал етса, бу йўлларда ўламан,
Тарафларни майда-майда қиламан.
Мен келганча пусиниб ёт, жонивор,
Бугун Юнусжонни кўриб келаман!

Сен бўлмасанг кучук тортар гўштимни,
Учирар кўллардан турна қушимни.
Ғавғолар Кўйи Қофида бўлса,
Улмай туриб миниб олсам устингга,
Сен ажалдан қутқарарсан бошимни.

Сени боқсам кўклам қишдай тилатиб,
Баданларинг Юнусжонга силатиб,
Сағринга Юнусни солсам жонивор,
Қутқарарсан дев биткани йиғлатиб.

Бугун тунда Кўйи Қофни кезаман,
Биров кўрса оллойима ёзаман.
Улмай кирсам ой Юнуснинг боғига,
Тонг отгунча Кўйи Қофни кезаман.

Менинг ўзим ширин жонни сўтаман,
Хунобани туни билан ютаман,
Кўринмай, пусиниб ётгин жонивор,
Гулшан боққа ўзим кириб кетаман!
Балодан балога бўлдим гирифтор,
Кетар бўлдим Юнуснинг чорвоғига
Жонивор ўзимдан бўлгин бохабар!

Бугун оқшом кўп ғайратлар қиламан,
Нима бўлсам мен шу бугун бўламан.

Ё ўламан, ё Юнусни оламан,
Тонг қоронғуси мен олдинга келаман.
Келиб туриб миниб олиб ўзингни,
Девлар билан ўзим жанжал қиламан,
Мен келгунча эҳтиёт бўл ишингга!

Иссиқлар эритар тоғнинг қорини,
Кимга айтай юракларнинг черини,
Жонивор эҳтиёт бўлгин ишингга,
Олиб келай ой Юнусдай парини!

Ана энди шуйтиб Фирот билан ваъдалашиб, Гўрўглибек намозшом бўлганда аста-аста Юнуснинг чорвоғига қараб жўнайверди. (Гулшан боғнинг) бир дарчаси бор экан, ёпилмай қолган экан. Гўрўглибек аста бориб шу дарчадан ўтиб кетди. Хуфтон бўлганда бир бўлиқ гулга етди. Гулнинг остига бориб пусиниб ётди. Ана энди бу пусиниб ётаверсин, гапни Юнус паридан эшитмак даркор. Юнус парининг айтаётган сўзи:

Хол ярашган темгил-темгил юзларим,
Жовдирайди доим жоду кўзларим.
Юринглар чиқайик кўшк устига,
Қаватимда турган сулув қизларим!

Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,
Мард йигит юради душман қасдига,
Қаватимда турган сатта парилар,
Баринг юргин зумрад кўшк устига.

Тоза гулдан баринг теринг,
Кўшкнинг устига юринг,
Ҳар тарафни пойлаб кўринг,
Тагин-а душман бўлмасин,
Дурбивонлар дурби кўринг!

Юринглар кўшкнинг устига!
Бир бесиёҳ ғайри юртдан келмасин,
Ишнинг ўзи тағи уят бўлмасин!
Ҳаммамиз чиқайлик кўшкнинг бошига,
Томоша қилинг ой Юнуснинг ишига,
Банда кўнар яратганнинг ишига
Еппа юринг Зумрад кўшкнинг бошига!
Бирқиллаб боз тағи бунда келмасин,
Келиб туриб йўқ савдони солмасин!

Тағи ушлаб олиб менинг ўзимни,
Хотиним деб жанжаллашиб қолмасин!

Бир гумоним бор яна шу бўлмасин,
Олис юртдан биров келиб қолмасин,
Ҳар тарафга қараб-қараб қўйинглар,
Маҳкам ушлаб олиб менинг ўзимни,
Бир можаро Гулшан боғда бўлмасин!

Юринглар оймлар кўшк бошига,
Шакардан шириндир менинг сўзларим,
Ирам боққа катта менинг ўзларим
Юринглар борайик кўшк устига!

Энди Юнус пари ҳамма парилар билан Гулқиз доно вазири билан саёҳат қилиб, кўринг кўшкнинг бошига жўнашини:

Юнус жўнади баландга,
Сатта сулув қизлар билан,
Неча муқом сўзлар билан,
Жўнай берди Юнус пари,
Сатта жоду кўзлар билан,
Жўнади кўшкнинг бошига.

Баданлари қордай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,
Жўнади кўшкнинг бошига.

Кетсин юракнинг ғубори,
Тананинг кетди мадори.
Жўнади сатта ҳур пари,
Самандар тоғнинг даштида.
Юнус пари канизакларман,
Чиқди кўшкнинг бошига.

Ана энди кўшкнинг бошига чиқиб ҳамма парилар тери қотиб юзини совитиб, дастурхон ёзиб, турли таомларни дастурхонга ташлаб, вақтини хушлаб, ҳамма мевалардан ейишиб юзларини рўмол билан силашиб, ўн беш кунлик ойдаи бўлиб кетди. Парилар ҳаммаси худди гулга ўхшаб кўнгли хоҳлаган гулдан тераверди. Шуйтиб Гулқиз Гўрўгли пусиниб ётган бутадан «икки гул олайик» деб бориб

бир гулни чирт этиб юлиб олди. Гўрўғли бирдан қўрқиб тура кеп қолди. Гулқиз тура соп қочди. Йиқилиб кўйлаги бошига қараб ошди. Гулқиз жойидан туриб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Кўнгли суйса ёрнинг лаби бол бўлсин,
Кийикнинг юргани Қуло чўл бўлсин,
Нега келиб бунда пусиб ётибсан,
Тентакмисан, нечук жонсан, йўл бўлсин?

Дарёга ғалт урган кема, сол бўлсин,
Қизларнинг таққани мунчоқ, лаъл бўлсин!
Нега буйтиб урсаланиб ётибсан,
Улармон меҳмоним сенга йўл бўлсин?

Мен қарасам, сен бундайин пусасан.
Олмаларни ўзинг йиғиб кетасан.
Мен билувда ёмон савдо этасан.
Бориб айтсам Юнусжондай парига,
Пошшомиз эшитса сўнгман қайтасан?

Оқизмайми кўздан қонли ёшингни?
Қочирмайми ақл билан ҳушингни?
Ой Юнусга бориб айтсам меҳмонжон,
Бул танангдан кесиб олар бошингни.

Юнусжоннинг бежойин кўп зўри бор.
Е билмайман пешонагнинг шўри бор?
Нега қўрқмай келдинг ажалхонага?
Кўчаларда одам сўяр дори бор.

Кўп гап келар пошшойимнинг ўйига,
Ишқибоз бўлдингми пари суювга
Юнус пари билса сени ўлдирар,
Нега келдинг зўр одамнинг жойига?
Жонидан қўрқмаган меҳмон йўл бўлсин?

Мен айтаман асал билан масалди,
Кўп гапириб менинг белларим толди,
Қаллоб меҳмон ростин айтгин йўл бўлсин,
Ойимимиз билса бу гап ўсалди.

Бўйинига ғул соп кўчада жилдирар,
Иш билмассан кўп гапларни билдирар.

Ёмон кепсан зўр одамнинг боғига,
Ойимимиз билса сени ўлдирар.

Гўрўғлибек Гулқизжонга қараб ялиниб-ёлвориб бир сўз айтаяпти:

Қайтайин ўзимдан кетдим ҳар замон,
Қизнинг хили, бўтам, йигитга ёмон
Эсинг бўлса мақтаб боргин Юнусга.
Ёмонлама, мақтаб боргин Гулқизжон.

Қулоқ солгин юрагим губорига,
Қойил бўлдим худойнинг тақдирига,
Эсинг бўлса ёмонлама, чироғим,
Мақтаб боргин ой Юнусдай парига!

Қиз халқининг ўн саккизда камоли,
Лабларида бўлар асалман боли.
Эсинг бўлса ёмонлама Гулқизжон,
Худоё тўкилсин манглайнинг шўри.
Жонимни йўлларга айлайин қурбон,
Юраklarим бўлиб кетган тўла қон.

Ҳазил билма чироққинам сўзимни
Ғам сарғайтган менинг ойдай юзимни.
Мен биламан Юнус катта одамдир,
Эсинг бўлса мақтаб боргин ўзимни.

Бир одам кеп кўп гапларни депти, де,
Ишқ чўлида кўп мубтало бўпти де.
Ёмонлама, мақтаб боргин Юнусга,
Яхши одам Гулшан боққа кепти, де.

Дона-дона хол ярашар юзингга,
Нима десанг ишонаман сўзингга.
Эсинг бўлса кўплаб мақта Гулжонқиз,
Ихтиёр, чироғим, қайтай ўзингга.

Энди Гулқиз Гўрўғлига қараб:— Юнуснинг ихтиёри ўзимда. Менга бир нарса берсанг айтганингни қиламан, қўйингга гулдай яшнатиб соламан,— деди. Ана Гулқиз бирор нарса бер деб Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Ёмон эмас ўзинг билдим тўрасан,
Париларман ўйнаб-кулиб юрасан.
Аввал берарингни кўрсат кўзима

Олиб борсам ой Юнуснинг олдига,
Кўримликка менга нима берасан?

Кўнгилгинам қийнабгина жўшайин
Ақдгинам катта олдида шошайин.
Аввал бирор нарса берсанг ўзима,
Олиб бориб ой Юнусга қўшайин.

Булбул билан давра олмоққа тоғ яхши
Қизлар билан қовушмоққа боғ яхши.
Неча-неча насиянгдан куйганман,
Ҳар на берсанг Гулқизжонга нақд яхши.

Балхи рўмол ой Юнуснинг бошида,
Садаф ҳақиқ жавдирайди тўшида
Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон
Олиб борай Юнусжоннинг қошига.

Бир нарса берсанг хизматлар қиламан,
Хизматин тиндириб сўнгра оламан.
Аввал берарингни кўрсат кўзима
Ухлаган сўнг сени элтиб қўяман.

Гапман бориб кўнглини тўлдирай,
Кечасиман бориб ётиб олдида
Эртан билан олдингизга келтирай,
Аввал берарингни кўрсат кўзима!

Кечасиман алдаб-сулдаб кўндирай,
Кўп одамлар хизмат қилар ўзима.
Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон
Нима десам сен ишонгин сўзима!

Қарамагин қовоғимман кўзима,
Аввал берарингни кўрсат, меҳмонжон,
Билмаганим меҳмон менинг билдиргин,
Хушвақт қилиб мийиғимдан кулдиргин.

Ол кетди десам девлар келмайми,
Келиб туриб сени банди қилмайми,
Войвойлатиб сендай тентак меҳмонни
Гўш(т)ларингни бурда-бурда қилмайми.

Дев битканга хати хабар қилайин
Аломат савдо бошингга солайин.

Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон.
Бир нарса бермасанг шовқин солайин.

Ана энди, Гулқиз Гўрўглини қўрқитиб ивогарлиги ту-
тиб, «бундан бир нарса олганим наф» деяётир. Гўрўглибек
«буни алдамасам ишни бузади» деб Гулқизга қараб бир сўз
айтаяпти:

Нима десанг айтганингни қилайин,
Гул бошимни этагингга солайин.
Шовқин солма ювош бўлгин Гулқизжон,
Нима десанг айтганингни берайин!

Уйлаб турсам мана дунё бепоён,
Тухмат билан мен бебахтни ўлдирма,
Ишинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон!

Бедов минган баланд тоғдан ўтади,
Суянган қул муддаога етади,
Эсинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон
Юнусни оп берсанг ниманг кетади?!

Қойил бўлай сендай қизнинг ишига,
Давлат турмас такаббурнинг бошида
Хизмат қилганингда ниманг кетади,
Ухлаган сўнг олиб боргин бошига?!

Олиб борсанг мен ишимни биламан,
Ой Юнусни (мен) қўйнима соламан.
Олиб боргин Юнусжоннинг олдига,
Дингилласа, шовқин солса майлига!

Гулин териб хотин қилиб оламан,
Юввош қилиб хизматима соламан.
Ўзим сенга яхши нарсдан бериб,
Ўлгунингча катта одам қиламан.

Энди Гулқиз Гўрўглибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Худойнинг ишини энди нетайин?
Гулни олиб ой Юнусга етайин.
Сўзима қулоқ сонг, эса меҳмонжон,
Пошшойимга бориб мақтаб айттайин.

Эса сизга яхши хизмат қиламан,
Ой Юнусни бориб йўлга соламан,
Катта билсанг сен ўзингни, меҳмонжон,
Ҳолингиздан келиб хабар оламан.

Кечкисинга овқат олиб келаман.
Билдирмайин ёта беринг шу ерда!
Бир-икки кун насиҳат қип мен ўзим,
Вақтингизни ўзим кўп хуш қиламан.

Меҳринг уйи икки кўздадир,
Икковингизни бир кун билла қиламан.
Эртан чошга ўн ёғиндан ўтаман,
Бунда қаранг деб имо қип кетаман,
Аста-аста мен амаллаб пошшога
Хафа бўлманг бир кун олиб кетаман.

Юракларга тушган қайғу-войимни
Сабаб билан кеп кўрибсиз жойимни.
Ҳали сўраганим йўқди зотингни.
Оп бераман сизга Юнус ойимни.
Юракдан кетгариб туринг войимни.

Ана энди Гўрўғлибек, бошидан ўтган сири воқеаларни
бир-бир баён қилиб, Гулқизжонга қараб бир сўз айта-
япти:

Насва тортиб бунга келдим бегумон,
Эгнимда силдирар карк тери қалқон!
Уруғимни, авлодимни сўрадинг,
Отимни сўрасанг дер Гўрўғлижон.

Энамнинг отини дейди Ҳилолжон.
Қулоқ солгин Гўрўғлининг тилига
Йигит бўпти раҳм айлагин ҳолига.

Ҳай демадим юраклар тўлди черга,
Қайтай юрдим мана дунё бекларда.
Юнусжонга айтиб боргин қаддингдан,
Аслим сўрасанг катта бўлдим мазорда.

Туркман дейди менинг вилоятимни,
Кимга айтай юрагимда дардимни?
Мен сенга ростини айтсам Гулқизжон.
Эр Хизр Гўрўғли қўйган отимни.

Ҳазил билма айтадиган сўзимни,
Етимликлар сарғайтирган юзимни.
Мен сенга ростини айтсам Гулқизжон
Қирқ чилтонлар катта қилган ўзимни.

Кўплаар куйдим етимликнинг хилидан,
Кўнғирвойман ошиқ ўйнаб кўчада,
Кўп юрдим шаҳри Заргар элида.

Зеҳнингни қўй Гўрўғли тилига,
Саккизимда келдим Туркман элига.
Отам билан, хешим билан танишиб,
Бориб турдим кўр Равшаннинг қўлига,

Ёвмит дейди менинг ота жойимни,
Шу ерда солмагин қайғу-войимни!
Райҳондан урчитдим Ғиркўк тойимни.

Очилган боғлардан гули рунчамни,
Райҳон араб олиб кетди чечамни.
Кўп ваҳм-қайғуни мен ўзим тортдим,
Холжувон деб ўзим хуноба ютдим,
Тойимни қирқ чилтон об қочиб кетди.
Уч йилча қидирдим ернинг юзини,
Афсар тоғда кўрдим отнинг ўзини,
Эр Хизрман ҳазиллашган кунларим.

Қулоқ солгин мендай зўрнинг зорига,
Кириб бордим қирқ чилтонинг горига.
Антаҳур майини менга узатди,
Тила деб ёвтанлар ўзимга айтди.

Куйганимдан гапни гапга уладим,
Ғиркўк отни, Райҳон араб қизини,
Аҳмадбекка берсанг дедим, тиладим,
Зот тиламай от тилаган кунларим.

Эшитгин қаддингдан паризодимни,
Душманлардан олсам дедим лотимни.
Бошдан ўтганини айтсам соп бўлмас.
Эр Хизр эгарлаб берди отимни.

Яхши сарпой қўлга добил тўй, деди.
Эр Хизрга дарров никоҳ қий, деди.

Никоҳ қийиб берди менга ёвтанлар,
Икки қизни силантириб суй, деди.
Ширвон элга Гўрўғлибек бор, деди.

Отимни миндим-да Ширвонга кетдим,
Ширвоннинг элига уч кунда етдим,
Қир ювганда Райҳон араб қизини,
Сўлқиллаган Зайдинжоннинг ўзини,
Билагидан ушлаб отга ўнгариб,
Гулдайин яшнатиб оп қочиб кетдим.

Яхши кўрдим ўзгинангнинг кўзингни,
Шуйтиб ҳамма гапни ўзингга айтдим,
Эсинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон,
Ҳар гап ўйлагин бошдан бўлади.

Кўп айтмадим, айтган сўзим чалади,
Астагина айтсанг Юнус парига,
Ҳеч ким билмас кўп эсли қиз ой Юнус,
Овлақ жойда айтсанг ўзи билади.

Кўп ичида айтсанг жанжал қилади,
Бир хил гапни айтаверсам ўзингга,
Бир оз ироқ, пича уят бўлади,

Кам-кам ишимиз яхши бўлади,
Мақтаган етказар, чаққон ўлдирар,
Кўнглингда нима муддаонг бўлса,
Гўрўғлибек кам-кам тўғри қилади.
Эсинг бўлса мақтайвергин Гулқизжон!

Сенга айтиб қўйдим ҳар на борини,
Сен кўтаргин юракнинг губорини!
Тухмат-шилтоқ қилиб менга Гулқизжон,
Олиб бергин Юнус, Мисқол парини.
Ўзинг кўргин бу ишимнинг корини!

Ана энди Гулқиз кўп хаёллаб кетди. Юнус пари «Гулқиз қаёққа кетди» деб сўратди.

Икки соат Гўрўғли билан гаплашиб қолди. Гулқиз Гўрўғлининг гапини маза қилиб эшитди. Шуйтиб кетолмай қолди. Энди аста-аста Гулқиз туриб кетди. Пари-

лар:— Ҳайла, келаяпти, келаяпти,— деди. Гулқизнинг хаёли бошқача бўлганини билди. Юнус пари, мийиғида кулди. Ана шуйтиб бу боргандан кейин париларнинг ҳаммаси «одамнинг иси келди», дейишиб қолди. Ана энди париларга Гулқиз муттайин бўп қолди. Парилар шивирлашади: «Гулқиз қургурнинг юриши бузилиб келганга ўхшайди, ўзи пичагина ёзилиб қопти, бўйлари ҳам чўзилиб қопти», деб. Кўнгиладан бирдай бўлиб турса одамнинг ҳамма ери бирдай бўлиб турар экан. Кўнгиладан бир ёққа қийшайса гардаккина ериси чўзилиб қолар экан. Ана Юнус пошшо Гулқиз вазирига қараб хитоб қилиб айтаётган сўзи:

Ун саккизда тўлишади қиз халқи,
Одамни қутқармас ажалнинг ўқи.
Нобоп ис келади сенинг ўзингдан,
Е бировга сен тегдингни, киянки?

Икки соат, ё уч соат кетасан,
Овлақ жойда сен мўралаб ётасан,
Е билмайман ўзинг қочиб кетасан,
Киянки, шарманда айтгин, рост гапни!

Юрагингдан кетсин қайғуман ғаминг,
Ростин айт Гулқизжон менга бу гапнинг
Қай ерларда қолди кўрган одаминг?

Нима десам сен ишонгин сўзима,
Ёруғ дунё қора бўлди кўзима,
Елғонни қўй рост гапиргин Гулқизжон,
Кўрган одамингни айтгин ўзима!

Бошинг чайқаб бармоқларинг тишладинг,
Овлақ жойда ўз вақтингни хушладинг,
Елғонни қўй, рост гапиргин Гулқизжон,
Кўрган одамингни қайга ташладинг?

Келар вақтдан сен хаёллаб қолибсан,
Бир балога ўзинг дучор бўлибсан.
Рост гапир сен киянки, шарманда,
Кўрган одамингни қайга қўйибсан?
Рост айт, Гулқизжон, менга кўрганин!

Қочираман эсинг билан хушингни,
Қулатаман сенинг гулдай лошингни.
Бу гапингнинг ростини айтмасанг,
Гулқизжон кесаман тандан бошингни.

Тўғри айтгин энди менга сўзингни,
Мен саргайтаман ойдаи юзингни.
Кўрганингни ростин (агар) айтмасанг,
Дарров ўйиб олай икки кўзингни.

Ўзинг пастда баланд ерни кўзладинг,
Юрак-бағринг ростин айтсам тузладинг,
Тўғри-тўғри айтавергин, Гулқизжон,
Ёлғонни қўй, рост гаплардан сўзлагин!

Давлатим бор, тараф тушмас изима,
Нима десам, сен ишонгин сўзима!
Кўрган одамингни тўғриси айтгин,
Кўрганингни бир-бир айтгин ўзима!

Сен айтмасанг обрўйингни тўкаман,
Мен энама бориб сени чақаман,
Шу гапингнинг тайинини айтмасанг,
Ҳар иш қилиб мен уддангдан чиқаман.

Кўрган одамингни айтгин Гулқизжон,
Сочгинангни тупроқ қилиб келибсан.
Бир нарсани ўйлаб турсам билибсан,
Ёлғонни қўй, рост гапиргин Гулқизжон!
Биров билан қаттиқ ваъда қилибсан.

Кўрганингни бир-бир айтгин, Гулқизжон!
Пошшоларнинг бежойин кўп зўри бор,
Мен билмайман пешонангнинг шўри бор.
Ёлғонни қўй, рост гапиргин, Гулқизжон!
Регистонда Мисқолжоннинг дори бор.

Фалокат босганнинг йўли тўсилар,
Сулувни кўрганнинг кўнгли ўсилар.
Пошшолукка ёлғон айтса ҳар киши,
Иложи йўқ, тандан боши кесилар.
Ёлғонни қўй, рост сўйлагин, Гулқизжон.

Бунда келдинг кўнгиллари келди бузилиб,
Етиб келдинг баданларинг чўзилиб.
Ёлғонни қўй, рост сўйлагин Гулқизжон!

Энди Гулқиз қўрқиб бир сўз айтмоқчи бўлиб ўйлаб,
оёгин ерга тираб, онги эзилиб, Юнусга қараб бир сўз
айтаяпти:

Гулшан боққа ўзим оралаб кетдим,
Бир жойга мен ўзим йўл юриб етдим,
Кўрганимни айтаверсам кўп гап бор,
Ариқнинг бошига бордим-да ётдим.

Юнус шоҳим эшитингиз сўзимди,
Буйтиб юрганимдан ўлим лозимди.
Мен сизга ростини айтсам ойимжон,
Етганимда уйқу опти кўзимди.

Гул бутадан иккита гул олибман,
Олиб туриб оёқ-қўлга солибман.
Ўйлай, ўйлай икки кўзим бўзарар,
Тумшукқинам андайгина қизариб,
Гул бута остида ухлаб қолибман.

Кўрганимни айтаверсам соп бўлмас,
Бори гапни айтаверсам эп бўлмас.
Эсли одамнинг ўзи билар ойимжон,
Айта солсам гапи қурғур хўп бўлмас,

Мен гапирдим, ўзинг билгин пошшойим.
Кулли айиб хизмат қилдим мен сизга,
Нима бўлса кечирарсан гунойим.
Қўлгинанг тиришиб, тагин керишма,
Нобоб бўлса бизи билан суришма,
Кулли айиб хизмат қилдим домуллам
Жанжаллашиб бизинг билан уришма!

Ухлаб гул бутада ўзим туш кўрдим,
Мен тушимда кўплар яхши иш кўрдим.
Кўрганимни айтаверсам ойимжон,
Ухлаб бир одамни мен йўлдош кўрдим.

Тушимда нима деса дейибди,
Айтгангинам ойим ўзингга хўпди,
Кўп одамди ўзи не деса дебди,
Шу тушимдан кўп қўрқаман Юнусжон,
Бир одам одамзод элидан кепти,

Гулқиз санам ҳар ранг гулдан терибди,
Шу одам тушида мени кўрибди,
Мен уйқудан уйғонсам, ойимжон,
Шунинг иси менга туриб қолибди.

Қайтайин ўзимдан кетдим ҳар замон,
Ухлаб ётиб кўрган менинг одамим,
Кўйи Қофда бўлиб юрибди сарсон.
Кўрганимни айтаверсам кўп гап бор.
Сўзимни эшитинг тақсир Юнусжон.

Худонинг ишини энди нетаман,
Сўзима қулоқ сонг тақсир пошшойим,
Кўрган одамдан қўрқиб кетаман.

Мен билмайман, сен йўрагин ойимжон,
Ҳар банда бўлган-да элида омон,
Қишнинг куни тоғни босади туман,
Шу одамнинг ҳисобини сен қилгин,
Кўрган тушни сен йўрагин, Юнусжон!

Холгинамдан сен ўзинг хабар олгин,
Душман бўлса чўх савдоларни солгин,
Шу йигитнинг иложини сен қилгин!

Кўрган тушим сенинг гапинг Юнусжон
Айтган гапим сенинг учун пошшойим.
Ҳар иш бўлса ўзингдан ёзилади,
Куёв келса семиз қиз чўзилади.

Ана энди Юнусжон Гулқизнинг бу гапига ҳайрон қолди. «Нима десам экан, Гулқизнинг бу гапи, дабжил тоброи бўлди, шунга дўқ қилиб бир сўз айтмай», деди.

Гоҳ хаёлинг айниб-айниб кетасан,
Гул бута остида нима деб ётасан?

Кўрганингни айтавергин шарманда,
Митчилатиб неча ёлғон айтасан?

Ёлғон айтиб бунда келдинг бегумон,
Фалак савдо солмагай-да ҳар замон,
Ўзинг эслик қилиб бизни аҳмоқ қип,
Етган одамингни айтгин, Гулқизжон!

Диринг гаплар чиқди сенинг сўзингдан,
Хабарим йўқ сен аҳмоқнинг ўзингдан,
Билиб қўйдим бу гапингнинг мазасин,
Емон тортар ёлғон гапининг жазосин!

Энди билсам бирор нарса олибсан,
Ўйлаб турсам қаттиқ ваъда қилибсан,
Кўрганингни айтавергин ёлғончи,
Бирор ишнинг сен бошида бўлибсан!

Авалло сен бир балони қилибсан.
Ёлғонни қўй, ростин айтгин Гулқизжон!
Мен билувда панди фириб этибсан.
Кўрган одамингиз қандайча одам,
Ажабтовур бўлиб ёлғон айтибсан.

Билиб қўйдим ўзинг билан кўзингни,
Кўп сўрадим, қовоғингман юзингни.
Кўрганингнинг ростин айтсанг Гулқизжон,
Катта одам қилай сенинг ўзингни.

Яхши амал ўзим сенга берайин,
Овлоқ томда бугун оқшом турайин,
Кўрганингнинг ростин айтсанг Гулқизжон,
Ўзим сенга бирор нарса берайин.

Ёлғонни қўй, ростин айтгин Гулқизжон,
Ҳақ ҳурмати тўғри айтгин сўзингни,
Менга қилгин юз карашма, нозингни!
Кўрган одамингни айтсанг чирогим,
Катта одам қилай сенинг ўзингни.

Ана энди Гулқиз бу гапга юмшаб кетди. Бир кулди. Энди Юнус гумон қилди: «Шу гапнинг жони бор». Гулқиз Юнусга қараб кўзини қисди. Ана энди Гулқиз пошшога қараб бир сўз айтгапти:

Темгил-темгил холларинг бор юзингда,
Давлатинг бор ишонаман сўзингга.
Хали-ҳозир уламан ойимжон,
Ярим кеча мен айтаман ўзингга.

Қорнимни тўйдириб ухлаб ётаман,
Холис хизмат ўзингизга ётаман,
Тагин-а бировга айтиб қўймасанг,
Овлақ жойда ўзим сенга айтаман.

Беглар чуяр Ойдин кўлга қушини,
Гулқиз айтар сенга кўрган тушини.
Кўрганимни айтаверай ойимжон,
Томоша қил Гулқизжоннинг ишини!

Кўрган тушим овлақ жойда айтаман,
Ишим зарур дарров туриб кетаман,
Кўрганимни бир-бир айтсам кўп гапдир,
Овлақ жойда дарди ҳолим айтаман.

Бу тушимни айтаверсам пошшойим,
У одамнинг ўзи бежой зўр одам.
Баданингдан мушки заъфарон сасиб,
Сулув қизлар йигит кўкайин кесиб,
Ҳамма ухлаган сўнг айтиб бераман,
Кўрган тушим ўзингизга муносиб.

Яхши одамнинг тилида бўлар боли,
Қиз халқининг йигирмада камоли,
Шу тушимни кўрганимни мен айтсам,
Ўзингиздан зиёдадир жамоли.

Хизмат қилдим отни минмай пиёда,
Бургут деган қуш чарқиллар уёда.
Тушда кўрганимни айтсам ой Юнус,
Сулувлиги сиздан юзлай зиёда.
Гулгинам қолибди ўзим кетаман,
Бир узугим тушиб қопти шу жойда.
Ухлаб қолган жойга ўзим етаман.

Оқшом бўлса овлақ қилиб айтаман,
Жамоатда айтиб бўлмайди тушни,
Илойим ўнгарсин бу қилган ишни,
Ишим зарур, ойим туриб кетаман.

Эшит шойим хизматкоринг додини,
Айтолмайди юракдаги дардини
Тушда кўрганимни айтсам, пошшойим,
Афсар тоғда пирлар қўйган отини.
Хизр бова боққан экан отини,
Белга бўлган эканди пўлотини.

Тушда кўрганимни айтсам мен сизга,
Соқибулбул эгарлаган отини
Тушда кўргангинам ойим шул бўпти,
Юрган жойим Гулшан боғда гул бўпти.
Айтаверсам соп бўлмайди сўзлари,
Тушимда кепти шу одамнинг ўзлари.

Хийла тўн устига кийган эканди,
Пўлат добил чўлда туйган эканди.
Уч йил қидириб кўп меҳнатлар қилиб,
Қирқ чилтон никоҳдин қийган эканди.
Тушимда шу одам бунда келибди,
Мендай чўрингиз ўзи қўрқиб қолибди.

Мисқол санам чорбоғида Юнус пари қирқ пари билан
ўлтирганда Гўрўғли тойини сўраб бориб бу парилар билан
ҳангамалашиб эди. Шунда Юнус билан Мисқол пари Гўр-
ўғлини калака қилиб эди. Гўрўғлибек йиғлаб эди. Уни
Юнус пари билиб эди. Ой Юнуснинг бадани юмшаб кет-
ди. Ана энди Гулқизга қараб ҳар ранг, ҳар ранг сўзлар
айтаяпти:

Усмалар ярашар менинг қошим,
Қойил бўлгин менинг қилган ишим!
Йўллар юриб келдим Қуло дашим
Билар-билмас сандирадинг Гулқизжон,
Келиб тургин менинг чап ёнбошим.

Боққа кирмай олма, анор отмайди,
Суюнмай қул муродига етмайди.
Кўрган тушни ҳар кимсага айтмайди,

Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Илоё дунёси тушсин белоён.
Туш деганни ҳар кимсага айтмайди,
Урнингдан келиб ўтир Гулқизжон.

Гулқиз санам таги кўрқиб кетмагин,
Ҳар кимсага кўрган сирни айтмагин!
Келиб ўтир ёнбошимда Гулқизжон,
Бу гапларни ҳар нокасга айтмагин!
Кўрган тушни сувга бориб айтасан,
Иншоолло муродима етасан,
Сўзима қулоқ сол Гулқиз паризод,
Тун оқдан сўнг кўрганингни айтасан!

Худо қилсин сендай жонга марҳамат,
Очқаб келсанг қилай сенга эиёфат.
Кўрган тушни сен кечаси айтарсан,
Бу дунёда асли ўлма паризод.

Бугун туну боғдан гулни терамиз,
Биалалашиб икковимиз юрамиз,
Овлақ жойда сен айтасан тушингни,
Ухлаган жойга бирга борамиз,
Бориб туриб нўхат ташлаб кўрамиз.
Бул тушингнинг табгирини биламиз.
Айтганингни икковлашиб қиламиз.

Ҳамма қизлар ётаверсин уй-уйда
Бир неча ўйинда, бир неча тўйда.
Бўрилар юради даштдаги қўйда,
Ғам емагин ярим кеча айтасан,
Ундан кейин уйга қараб қайтасан!
Гавҳар мунчоқ жовтиллайди тушингда
Қойил бўлдим Гулқиз сенинг ишингга.
Баракалла, сенинг кўрган тушингга.

Сулув қизлар бошга рўмол ўрасин,
Жонон пари сочин ювиб тарасин!
Қойил бўлдим Гулқиз қилган ишингга,
Бора-бора маза чиқди сўзингдан,
Мен айналай ҳам қомати ўзингдан,
Тушганингни пайғамбарлар йўрасин,
Жонгиниам айналсин айтган сўзингдан.

Емонга гап айтсанг юртга ёяди,
Камбағаллик марднинг кўзин ўяди.
Баракалло, Гулқиз кўрган тушингга,
Тушди айтдинг юрак-бағрим қуяди.

Ана энди шунда ярим кеча бўлди. Гулқизни овлақ қилди.

— Гулқиз ростини айт! Сен ўнгима сўл қип гапирдинг. Мен маъносини билмадим. Жанжал бўй қолами? Ул, сен ўзинг бир эрни топибсан,— деди Юнус. Гулқиз айтди:— Бизларга эр қайси гўрда, эр ҳар кимга тегаверми?— деди. Юнус «уйқум келди» деб кўрпанинг ичига кириб кетди. Гулқиз пойлаб турди. Юнус пари жўрттадан «хўрр, хўрр» айтди. Гулқиз аста бориб кўрпани кўтарди. Юнус яна «хўрр-хўрр» этди. Ана Гулқиз бир сўз айтаяпти:

Худо раҳм айлагай кўзинг ёшига,
Томошалар қилар эдик икковимиз,
Уйқу деган касат ортар кишига.

Билмадим кўнглингдаги ишингни,
Кундан-кунга вақтларингиз хуш энди,
Уйқу деган ҳар вақтга лозимдир,
Уйқудан кўтаргин ойим бошингни.

Мен яхши кўраман бежой ўзингни,
Менга айтгин кўнглингдаги сўзингни!
Бемаҳалда ухлаб қолдинг Юнусжон,
Ойимжон уйқудан очгин кўзингни!

Иш кўп эди ухлаб қолдинг бегумон,
Савдо солар бир фаслда ҳам замон,
Уйқу деган касофатдир кишига,
Уйқудан кўзингни очгин Юнусжон!

Мен қочирдим ақл билан ҳушимни
Учирдим Гулшандан булбул ҳушимни.
Уйқудан кўзингни очгин ой Юнус,
Қилиб бергин кўнглингдаги ишимни!

Гулқиз Юнусни турткилади. Юнус жўрттага хўрр, хўрр этаверди. Гулқиз айтди: «Бўлди, бунинг қирқ кунлик уйқуси тутиб қолди», деди. Буну Юнус эшитди. Аста Гулқиз туриб эшикни очиб кетди. Юнус аста калласини кўтарди. Юнус пари ҳам қорама-қора пойлаб кетаверди. Гулқиз гул бутанинг остига етди. Юнус пари ўзини пана-

га тортди. Ана энди талтайиб Гулқиз «салом алайкум» деб етиб борди. Юнус буни эшитди. Юнус эмаклаб кетиб бораяпти. Гўрўглибек Гулқизжонга қараб, салласини ўраб, Гулқиз турибди оёғини тираб. Юнус пари пойлаб турди. Ана энди тоза гапини эшитадиган ерда бўлди. Энди Гўрўглибек Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Кулон деган сувсиэ чўлда ётами,
Пойлаган мерганлар уни отами?
Қаддингдан кетайин Гулқиз хизматкор
Совчилигинг ростин айтгин, битами?

Айта берсам меҳмон сўзга чеварди,
Иш чиққанда отга солдим эгарди.
Қаддингдан кетайин Гулқиз хизматкор,
Ой Юнусдан менга бергин хабарди!

Мендай полвон бу ерларда ётами?
Кечаси олмадан овқат ётами?
Яхши сўздан, яхши гапдан бер хабар,
Илиқ, юмшоқ гап Юнусжон айтими?

Мен ўқийман алиф билан лом, забар,
Темирчининг қўлида пўлатдан табар,
Яхши сўздан Юнус пари айтдимми?
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар!

Неча одам мунтазирди изима,
Эсон-омон чиқсам қишдан ёзима,
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар,
Илиқ гап айтдимми менинг ўзима?

Нима десам сен ишонгин сўзима,
Давлатимда, ўз элимда, нозима.
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар
Яхши гап айтмайми менинг ўзима?

Ана энди Юнус пари бу гапларни билди. Энди қулоғини солиб турибди. Гулқиз талтайиб, иш битирган киши бўп мардайиб, айтаётган сўзи:

Иигит банда Гулқизжоннинг кўзига
Хол ярашар Гулқизжоннинг юзига,

Билиб келдим кўнглингдаги борини,
Аввал берарингни кўрсат кўзима!

Аввал бергин ростин айтсам ўзима,
Энди билсам ўзбек элга тўрасан,
Улмасанг қизларман даврон сурасан.
Билиб келдим кўнглингдаги борини,
Хизмат ҳаққинама нима берасан?

Ё ўламан, ўзим одам бўламан,
Чин сидқидил хизматингни қиламан,
Аввал бирор нарса бергин ўзима,
Ой Юнусни сизман бирга қиламан!

Қизлар билан томошага боғ яхши,
Олқор билан қувишгани тоғ яхши.
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Нима берсанг Гулқизжонга ног¹ яхши!

Гул бутанинг яхшисини тераман,
Сочгинамни тўқсон тоқиб тураман,
Нима берсанг аввал нақд бер, қаддингдан,
Анданкай Юнусга олиб бораман!

Яхши хизмат ўзим сизга қиламан,
Ҳарна бўлсам сизи билан бўламан.
Бежойин уйқуси қаттиқ Юнуснинг,
Олиб бориб қўйнига соламан.

Эўр бўлмай душманга савдо солмайди,
Офтоб тегмай боғдаги гул сўлмайди.
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Олиб бораёй Юнусжоннинг қўйнига.

Энди Юнус туриб кетди. «Бу менинг қўйнима олиб боради. Бунинг андозасини олдим. Энди бу бечора бирор нарсасини олсин. Мен шу палла билдирсам Гулқиз уялиб қолади. Ҳар гап бўлса бир қадрдон одамим», деди. Бориб кўрпасига кириб ётди. Пар ёстиққа боши чўкиб кетди. Жўрттага пиш-пиш ётди.

¹ Нақд.

Ана энди гапни Гулқиз билан Гўрўғлидан эшитмак даркор. Гўрўғлибек Гулқизжонга қараб бир сўз айтаяпти:

Куйганингдан гапни гапга улагин,
Мард-номардлигимни сўнгман синагин!
Олиб боргин ой Юнуснинг олдига,
Ундан кейин матлабингни тилагин!

Йўл узоқдир, кўздан ёшим тизилар,
Юнус десам юрак-бағрим эзилар.
Юнусжонни кўрмай берсам бир нарса,
Уз элимда айтган қасам бузилар.

Нима десанг қабул қилдим сўзингни,
Кўплар кўрдим жавдираган кўзингни
Олиб борсанг ой Юнуснинг олдига
Катта одам қилай сенинг ўзингни.
Оп боргин-да, муддаонгни тилагин,
Бермасам қарғагин, сўнгман йиғлагин!

— Нима берасан?— деди Гулқиз.

— Нима тиласанг шуни бераман,— деди Гўрўғли. Гулқиз Гўрўғлидан тилхат олди, жуда ваъда қилди. Ана иш ўнгидан келди. Юнус пари тошдай қотиб ухлаб қолди. Гулқиз Гўрўғлини ияртиб олиб кетди. Аста-аста Юнус парининг олдига етди. Гўрўғлибек шундай (қаради): Юнус парининг қош-кўзлари ойдаи, тинжираган юзлари, шакардан ширин сўзлари. Гўрўғли маст бўп қўйнига кириб кетди...

Энди Ширвонда Райҳон подшодан эшитмак даркор. Райҳон подшонинг қизини Гўрўғлибек оп қочиб келган эди. Райҳон подшо арабларни йиғиб, кўп молларни сўйиб, гўштига тўйиб, бир сўз айтаяпти:

Арабларим эшит менинг сўзимни,
Етимак Гўрўғли босган изимни.
Маслаҳат бер подшойингга араблар,
Олиб қочиб кетган Зайдин қизимни!

Куйдириб кетганди кулба хонамни,
Уртаб кетган менинг гулдай танамни.

Арабларим маслаҳат бер ўзима,
Олиб қочиб кетган Зайдин боламни!

Елғиз қизим ранги гулдай сўлганди,
Туркман элда мусофир бўп қолганди.
Қариндошлар менга беринг маслаҳат,
Гўрўғли ўзима жабр қилганди.

Ғиротни ўз отимдан урчитганди,
Худо деган муддаога етганди.

Қариндошлар менга бергин маслаҳат,
Ой Зайдин қизимни олиб кетганди!
Ширвон дейди ўсган вилоятимни
Кимга айтай юрагимда дардимни?
Ғала араб менга бергин маслаҳат,
Зайдиной боламни олиб кетганди!

Чўх савдони ўзим солмасам бўлмас,
Кўп қиргинни бориб қилмасам бўлмас.
Сўзима қулоқ сонг жами араблар,
Ой Зайдинни олиб келмасам бўлмас!

Эшитинглар Райҳон араб сўзини,
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини?
Қаватимда турган жами араблар,
Оп келайин Туркман элнинг қизини.

Элсарида қулатайин лошини,
Ғажирларга торттирайин гўшини.
Маслаҳат бер сатта араб қариндош.
Кесиб келай туркманларнинг бошини!

Бедов минган қамчилардан чотганди,
Хафа одам қони зардоб ютганди.
Сўзима қулоқ сонг турган қариндош,
Ой Зайдиним қони зардоб ютганди!

Гўрўғлибек гулларни терган эмиш,
Одам бўлиб салтанат қилган эмиш,
Аҳмадбекка ой Зайдиндай боламни
Зўрлик қилиб йиғлатиб берган эмиш.

Юринглар араблар Ёвмит борайик,
Ёвмит бориб чўх савдолар қилайик!

Ёлғизгина болам йиғлаб ётгандир,
Бориб фарзандимни олиб келайик!

Ебир-есир қилиб Евмит элини,
Зайдинжондан бориб хабар олайик,
Е ўлайик, Зайдинни оп келайик.
Соғиниб қолгандир ёлғиз фарзандим,
Бориб туриб бирор хабар олайик!

Сўйлади Райҳондай подшонинг тили
Қайтай менга тушган душманнинг хили.
Бундан ортиқ зулм борми, ёронлар,
Сўзима қулоқ сонг Ширвоннинг эли?!

Ана энди Райҳон подшонинг вазирлари Арабистон
шаҳрида йиғилишиб, ҳаммаси биров-бировига қараб, Тў-
ғон араб деган (бирови) Райҳон подшога қараб бир сўз
айтаяпти:

Эшит шоҳим Тўғон араб зорини,
Кўтаринг юракнинг ғуборини!
Маслаҳат ўзингга, Райҳон подшойим,
Йиғиб келсак арабларнинг барини.

Сўндирсак боғидан тоза гулини,
Қора қилсак туркманларнинг ҳолини.
Ихтиёр ўзингга Райҳон подшойим,
Бориб талаб келсак Туркман элини.

Олиб қайтсак қатор-қатор норини,
Нор устига юклаб қайтсак зарини.
Йиғиб келсак арабларнинг барини,
Маслаҳат ўзингга, Райҳон подшойим,

Эшитинг подшойим ўзимдан додни,
Кўп ортмасин сиздай подшо ҳасрати,
Бу иш учун хафа бўлманг подшойим,
Гўрўғлидан олиб келамиз лотни.

Евлаб бориб бузсак кирдикорини,
Айтолмайман юрагим ғуборини.
Чин нияти ғазога деб қичқиртинг,
Талаб қилсак Ўзбекистон борини.

Билмаганин туркманларнинг билдирсак,
Чекиб ханжар қорс бағрин тилдирсак.
Унинг учун хафа бўлманг подшойим,
Туркменистон шаҳарини ўлдирсак.

Гўрўғлибек бир жойга кетган эмиш,
Олма, анжир боғлардан отган эмиш;
Шу вақтларда беэга қоп Туркман эли,
Гўрўғлибек кўп узап кетган эмиш.

Шу палла босамиз бориб изини,
Сарғайтурсак бориб ойдаи юзини,
Ўлжа қип қайтамиз сулув қизини.

Ширин жонни ҳаммамиз сотамиз,
Иншоолло ўчни олиб қайтамиз,
Шу палла борсак Евмит шаҳрига,
Сулув қизин ўлжа қилиб қайтамиз.

Раҳм айламанг тарабларнинг ҳолига
Е ўлинглар, ё олинглар араблар.
Еппа-ёвлик юринг Туркман элига.

Энди юринг Гўрўғлининг қасдига,
Отни чопинг ҳам баланду пастига,
Хабар қилинг бари қишлоқ, шаҳарга,
Еппа юринг Туркман элининг устига.

Йиғлайман одлога ўзим зору зор,
Балога бўлмайин тағи гирифтор.
Еппа-ёвлик юринг Туркман элига
Сўзима қулоқ сонг турган ёронлар,

Ўртаб кетди менга душманнинг хили,
Ўрдакни маст қилар чалқиган кўли.
Еппа-ёвлик юринг улкан араблар,
Юринглар, ёронлар Ширвоннинг эли.

Ҳазил билманг Тўғон араб сўзларини,
Сарғайтиринг душманларнинг юзларини!
Еппа юринг Арабистоннинг шаҳри,
Ўлжа қилиб келинг сулув қизларини!

Ана энди ҳар тарафга хабарни қўйиб, тап соқоли ўсиқ арабларни йиғиб, одам битканни қуртдай қайнатиб, Туркманни талаб келмоққа шартнома қилди. Холжувон Райҳон подшонинг хотини эди, Гўрўғлибекнинг чечаси эди. Райҳон араб Холжувонни оп қочиб зўрлик билан хотин қилиб эди. Холжувон бечора элига (буларнинг) борарини билиб, кўшкдан арабларга қараб, бошмоқлаб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сонглар Холжувоннинг тилига,
Йўл юрарсан Тажан дарё чўлига!
Туркман деган бежойин зўр элатдир,
Борманглар, араблар, Туркман элига!

Йўлиқарсан туркманларнинг қаҳрига
Чидамассан Гўрўғлининг заҳрига!
Мен сенга ростини айтай араблар,
Мени десанг, борма Туркман шахрига!

Билмаганинг туркманларим билдирар,
Найза билан юрак-бағринг тилдирар,
Мени десанг, борма Туркман шахрига,
Битта қолмай ҳаммангизни ўлдирар!

Ғажирга беради борсанг гўштингни,
Элсарида қулатади лошингни.
Борманглар ҳаммангиз Туркман шахрига,
Кесиб ташлар танангиздан бошингни!
Қилиб қўяр туркманларим ишингни,
Синдиради оғиздаги тишингни!

Турна қўнар Сосиқ деган кўлига,
Сен борасан Жангарининг элига,
Мени десанг, борма ҳаргиз Ёвмитга,
Дучор бўларсан одамхўр қўлига!

Туркман элга талтайишиб борасиз,
Бориб туриб Хуросонда ўласиз.
Мени десанг, борма Туркман элига.
Бир балодан қутулолмай қоласиз!

Ғарот қилар келиб Ширвон шахрингни,
Бир борсанг сира очмас баҳрингни.

Мени десанг, борма Туркман элига,
Ўлдиради одамхўрлар барингни!

Уларнинг танида йўқдир уяти,
Ҳаммасининг бежойин кўп ғайрати.
Борсанг ҳаммангни уриб ўлдирар.
Одамхўрдир Туркман элнинг йигити.
Борманглар ҳаргиз Туркман элига,
Раҳм қилмас одамводнинг ҳолига!

Ҳаммаларинг банди қилиб бойлайди!
Ёвлик куни қўрқмагин деб сўйлайди.
Фалокатни қисиб борсанг жуйқонсиз,
Ҳаммангизни каман ташлаб бойлайди.
Одамхўрдир Ёвмит элнинг йигити.

Соқолингни қирқиб арқон қилади,
Қул қилиб ҳаммангни молга солади.
Қул қилиб барингни банди қилади,
Мени десанг, борма Туркман элига!

Раҳми келмас банди қилар ўзингни,
Нима десанг қабул қилмас сўзингни.
Одамхўрдир Ёвмит элнинг йигити,
Туртибгина ўйиб олар кўзингни.
Борманглар, араблар, Ёвмит элига.
Раҳм айланглар фуқаронинг ҳолига!

Холжувон бечора шунча гапларни айтди. «Борманглар» деб, жуда аччиғи кеп кетди. Шунда Райҳон подшо Холжувонга қараб бир сўз айтаяпти:

Эгам раҳм қилгай мендай кишига,
Йиғлаганининг ёқаси хўл ёшига.
Яхши ният — бутун нондир, қаддингдан,
Рад берма талабга кирган кишига!

Холжувон эшит Райҳоннинг тилини,
Ўрдак лойлар чалқиб ётган кўлини,
Рад берма талабга кирган кишига,
Талаб келсак бориб Туркман элини!

Қулоқ солгин сўзининг ёлғон ростига,
Зеҳнингни қўй сўзимнинг пайвастига!

Фарзанднинг ишқи ёмон ўзима,
Ой Зайдиндай қизим тушди эсима.

Эсга тушиб ота деган сўзлари,
Эсима тушипти ойдаё юзлари,
Ёлғиз қизим бежойин кўп соғиндим,
Эсима тушипти ширин сўзлари.

Уруш куни қалқонимни ёпиндим,
Мисли ўтдай менинг ўзим қопиндим,
Рад берма талабга кирган кишига,
Ой Зайдин боламни бежой соғиндим!

Хўрсинибман айтолмайман сўзимни,
Қаратаман ётган жойга кўзимни.
Рад берма талабга кирган кишига,
Мен соғиндим ой Зайдиндай қизимни!

Аҳмадбекнинг калласини олайин!
Билганимдай баччағарни қилайин!
Калласини ўзим ёнбошга бойлаб,
Ой Зайдин қизимни олиб келайин.

Райҳон подшо дейди менинг ўзимни,
Гўрўғли етимақ босган изимни.
Рад берма талабга кирган кишига,
Кўрсам бўлар Зайдинойдай қизимни!

Сарғаяди бунда ойдаё сиёғим,
Фарзанд ширин, уйлибди қовоғим,
Рад бермагин йўлга жирган кишига,
Омин деб дуо қил энди севдигим!

Ана энди теваракдан лашкар келиб, арабларнинг бари
тўп бўлди. Ёвмитни бориб талон-торож қилмоққа қарор-
нома қилиб, ёвгарчилик бўлди.

Энди Райҳон подшонинг халойиққа қараб айтаётган
сўзи:

Кулоқ сонг араблар айтган сазога,
Гўрўғлини ўзим берсам жазога,
От-анжомни ҳамманг мининг, халойиқ
Ёппа-ёвлик юраверинг ғазога!

Эсон-омон бунда қайтиб келгаймиз,
Туркмандан бориб ўчни олгаймиз,
Биттанг қолмай юргин Туркман элига,
Бориб Гўрўғлидан ўчни олгаймиз!
Эсон-омон қайтиб бунда келгаймиз!

Уртади бизларни тарафнинг хили,
Илоё кесилсин душманнинг тили!
Омон бўлинг тағи қайтиб кўргунча
Дуода бўнг жами Ширвоннинг эли!

Йигитни куйдирар сулувнинг ноzi,
Қоши қора Тажан дарё қундузи.
Омон бўлинг яна қайтиб кўргунча,
Омон бўлинг Ширвон элининг қизи!
Омин денглар гала турган азизи.

Юрагимдан кетган ваҳмман чер-а
Қишнинг куни тоғда бўлади қор-а.
Ёвмит элга ғазо қилиб бораман,
Омин денглар гала турган фуқаро!

Обод қилсам Ширвондайин юртимни,
Белга бўғсам яшиндайин пўлотимни,
Омин денглар қизи жувон халойиқ,
Гўрўғли, Туркмандан олсам лотимни!

Энди Холжувон дарров бир одамни юбориб Ёвмитга
қараб чоптирди:

— Бориб хабар бергин! Араблар уруғлашиб, лашкар
тортиб Ёвмитни бориб ғорат қилишга қарор қилди. Тез
фурсатда бориб билдиргин,— деди-да, бир чанаш танга
берди, бир йўрга берди. Элчи йўргани миниб ўн кун от-
нинг жонига, ўзининг жонига жабр қилиб, бир ойлик йўл-
ни ўн кунда олиб Ёвмитда подшоликка келди.

Ана энди Холжувоннинг элчисига қараб Темирхон,
унинг олисдан келганлигини билиб, бир сўз айтапти:

Бир юртга матони юклар қалъачи,
Шамолда силкинар тоғнинг ёғочи,
Ун бешда тобланар қизларнинг сочи.
Рангингдан қон қочиб кепсан олисдан,
Келганинг маънисин айтгин арзачи!

Подшонинг бошида бўлмайди тожи,
Элдан йирилган ҳам хирож, божи,
От жонига, ўз жонингга жабр қип,
Менга айтгин бунда келган арзачи!

Подшонинг олдида борди сатранжи,
Ҳар нарсага етар милтиқнинг кучи,
Билишимча олис юртдан келибсан,
Келганингнинг важин айтгин, арзачи!

Отингнинг жонига жабр қилибсан,
Олис йўлни ўзинг калта қилибсан,
Уткир қамчи от этига чолипсан,
Келганингнинг важин айтгин арзачи!

Устанинг қўлида бўлади табар,
Ишқибоз айтади алифман забар,
Оша юртдан мунда келган арзачи,
Яхшиликми, ёмонликми бер хабар!

Ана энди Арабистондан келган элчи қаддини ростлаб
олиб, бир сўз айтаяпти:

Кўп бўлмасин ҳеч одамнинг гуноҳи,
Подшонинг олдида бордир сипоҳи,
Тақсиржон арзимни баён айлайин,
Сўзима қулоқ сонг, Ёвмит подшоҳи!

Нағалчи олло деб урар табарди,
Отларга солинган сарпой эгарди(р),
Кўрганимни бир-бир айтай подшойим,
Бир аёл ўзимни бунда юборди.

Сўз чиқади йўловчининг тилидан,
Қутулгаймиз ёмонларнинг хилидан,
Кўрганимни айтаверай мен сизга,
Хабарчи бўп келдим Ширвон элидан.

Холжувон ўзимга кўп гаплар айтди,
Элатим деб сизлар учун қон ютди,
Кўрганимни айтаверай мен сизга,
«Тез бор», деб Холжувон мени жўнатди.

Энди бўлди Туркман элига тарафлар,
«Тез боргин», деб Холжувонной юборди,
Ёвмит элга лашкар тортди араблар.

Араб биткан Ширвон элда йиғилди,
Семиз моллар кунда-кунда сўйилди,
Холжувон «боргин», деб мени юборди,
Йиғилишди ҳамма ердан араблар.

Туркман элга савдо соламинг, деди,
Қизларин банди қип келагинг, деди,
Ўз кўзимман кўриб келдим йиғинни,
Туркман элни талаб келагинг, деди.

Қулоқ солинг мендай меҳмон тилига,
Олло раҳм айласин ҳар ким ҳолига,
Кўрганимни айтаверсам, подшойим,
Бектош араб келар Туркман элига.

Сўзлайверсам айтган сўзим эп бўлди,
Ёвгарчилик ўзи катта гап бўлди,
Кўрганимни айтаверай, подшойим,
Тухми араб йиғилишиб тўп бўлди.

Бектош араб қовоқлари уйилиб,
Хитойи косага майлар қуйилиб,
Мен сизга айтайин кўрган сирларни,
Арабистон ёвлаб келар йиғилиб.

Келиб хароб қилар Туркман элини,
Булбул сайр этар богнинг гулини,
Тарадини дарров қилинг, подшойим,
Бектош подшо талар Туркман элини.

Сўйиб ейди ёйилиб юрган молини,
Сўндирарди очилганда гулини,
Қарорнома қилди жами араблар,
Тўс-талқон қилади Туркман элини.

Агар зўрлик қилса келиб араблар,
Ундан кейин ҳолларингиз хароблар,
Тарадини дарров қилинг, подшойим,
Йиғилишди сап соқолли араблар!

Раҳм этмайди хотин-қизнинг ҳолига,
Ҳеч ким тушмас¹ бир нечасин тилига.
Тарадини дарров қилинг, подшойим,
Яқинда кеп қолар Туркман элига!
Қоровул қўйинг Асқар тоғ белига!

Темирхон Гўрўғлининг ноиб иди. Темирхон бир сўз айтаяпти:

Кўзлари шаҳлолар, юзи анварлар,
Кўклам куни томошади ёронлар,
Ширвон эли бежой маслаҳат қипти,
Йиғилишинг Туркман элдан сардорлар.

Юрагимга тушди арабнинг хили,
Сўнани маст қилар Ойдиннинг кўли.
Йигитчи мас(т) қилар Ирамда пари,
Йиғилишинг Туркман элининг сардори.

Эшитинглар жами бийлар сўзимди,
Кўп единглар қулчатоиман тузимди,
Сардорларим, йиғилинглари ҳаммангиз.
Нима гап бекларим энди лозимди?

Ҳар тарафга хати-хабар қилинглари,
Такага, Марига, Эҳсари, Қизил,
Урганчининг элига хабар қилинглари!
Тўним кийиб телпак олган амалдор,
Арабларнинг тараддисин қилинглари!
Ҳаммаларинг иттифоқ бўп олинглари
Ешпа-ёвлик Туркман эли келинглари!
Арабларнинг иложини қилинглари!

Араб келса, талаб кетар сизларни,
Улжа қилиб ҳайдаб сулув қизларни.
Зўрлик қилса ўйиб олар кўзларни:
Раҳм айламас ўлдиради сизларни,
Сардорлар, маслаҳат қандай бўлади?

Жун босган араблар бунда келмасин,
Келиб туриб элни фораг қилмасин,

Илгари тарадди қилинг сардорлар,
Бирдан келиб кўп овора қилмасин!
Қайғу-қуфат фуқарога солмасин,
Тараддини дарров қилмоқ лозимдир,
Тумсқиндан¹ бирдан келиб қолмасин!

Ана энди ой Зайдиннинг ёри Аҳмадбек қутуриб, шердай барқираб, мас(т) туядай гуркираб тасалли бериб бир сўз деяпти:

Емон билан бўлма сирдош,
Қўрқоқ билан бўлгин сен ғаш,
Бир мард билан бўлсанг йўлдош,
Душманингни отади тош,
Ғам ема, асли ғам ема!

Олдим арабнинг қизини,
Сарғайтирайин юзини,
Жун босган араблар келса,
Ўйиб олайин кўзини.
Ғам ема, Темир, ғам ема,

Тушов қилай салласини,
Талаб келай тилласини,
Туяга ортай ғалласини,
Юлиб ташлай калласини.
Ғам ема, беклар, ғам ема!

Агар келса тарабларни,
Бўлган куни харобларни,
Тўс-тўс қилиб ўлдирайин,
Ундан келган арабларни,
Ғам ема, беклар, ғам ема!

Сарғаймаса менинг юзим,
Ҳангамада чиқар сўзим,
Жами араб бунда келса,
Ҳамма арабга ёлғиз ўзим,
Ғам ема, асли ғам ема!

Қоқиб олайин тишини,
Қилай душманингни ишини,

¹ Тушунмас,

¹ Тўсқиндан.

Майли бўлса келаверсин,
Қулатай унинг лошини,
Утларга ёқай гўшини,
Ғам ема, асли ғам ема!

Ана энди ҳуркинчилик бўлиб, ҳамма элдан одам бит-
кан келаверди. Ҳамма кеп жам бўлди. Аҳмадбекни сардо-
ри лашкар қилди. Энди Темирхондан эшитмак даркор:

Ҳеч ким қолмасин дарак беринглаар,
Подшоликда бундан буён туринглаар!
Сўзима қулоқ сонг турган халойиқ,
Душман келса битта кўймай қиринглаар!

Эр ҳўкиздай бўлиб келса суринглаар,
Туркман борсанг отининг ёлин ўринглаар,
Кечаликка тинмайгина юринглаар!
Кундуз бўлса тўп-тўп бўлиб туринглаар!
Жуи босган араблар келса ўт чақар.
Банди қилиб душманларни қиринглаар!

Айтиб туринг келган гапнинг мақолин,
Асли қилманг уруш кунин тақалин,
Оч бўридай бўлиб тинмай уришиб,
Қирқиб олиб арқон қилинги соқолин!

Асқар тоғдан бери қараб ошмасин,
Элсарига битта лашкар тушмасин!
Уламан деб асли қўркманг жамоат.
Асқар тоғнинг тумшугидан ошмасин!
Қўрқоқларнинг асли гапин олманглаар!
Ифвогарнинг айтганини қилманглаар,
Урушдан бўлакни асли демаманглаар!
Иттифоқ битди, жанжалчи йитар,
Ширвон элни қаратмайин қўймаманглаар!

Раҳм айламанг арабларнинг ҳолига,
Ботирлар боради уруш мўлига.
Келгандан кай қон тўкишиб халойиқ,
Еппа-ёвлик юринг Ширвон элига!

Давлатлининг элда кўндир хотири,
Ёвга чопар эр йигитнинг ботири.

Райҳон араб бир кун ёвлаб келганда,
Аттанг ўтар Гўрўглининг қадри!

Минг қўшчига бир бошчидир халойиқ,
Юрт эгаси Гўрўглибек бўлмади.
Ўз кўзиман шу урушни кўрмади,
Сардор бўлиб тўп остида турмади.
Арабларман катта жанжал қилмади.

Ёвда қайнар эр йигитнинг мияси,
Чиқмағай-да ҳеч одамнинг чияси,
Талатўп бўлганда Туркманнинг эли,
Аттанг, бўлмади Туркман эгаси.

Бирор дарак чирогимдан бўлмади,
Хату хабар Гўрўглидан келмади,
Бозорчидан, юрт кезгандан сўранглаар,
Ҳеч бир дарак чирогимдан бўлмади.

Гапни гапга қариндошлар улади,
Қорада кўрсак қорнимиз тўқ дейишиб,
Шукур қилиб ҳарна дамга барча одам,
Гўрўглининг эсонлигин тилади.

Ана энди гапни араблардан эшитмак даркор. Райҳон
пошшонинг айтаётган сўзи:

Қулоқ сол араблар тилига,
Ораламанг боғда гулига,
Карнай тортинг, сурнай тортинг,
Энди юринг Ёвмит элига!

Гоҳи тоққа, гоҳи чўлга,
Ғулғула сонг Ёвмит элга,
Раҳм этманглаар асли ҳолга,
Отни чопинг сувсиз чўлга,
Талаб қилинги Туркман элга!

Мининглаар отнинг устига,
Чўян бош калтак бастига!
Еппа-ёвлик юраверинг,
Энди Туркманнинг қасдига!
Тиши оппоқдай дуриинг!

Қилинг ишнинг табгирини,
Улдириглар сардорини,
Қирингиз туркман барини,
Талаб олинглар зарини!

Етаклаб келинг норини!
Ғорат қилиб бузиб кенглар,
Бориб Евмитнинг шаҳрини!
Банди бўлган кай қул қип сотинг,
Туркман элнинг бекарини!

Ана энди шодиёна уриб отланиб араблар чоқ бўп
келди.

Райҳон подшо билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб мийиғида кулдирди.
Қўлтиғидан суяб сап бой араблар,
Жонивор бедов отига миндирди.
Чўққидай қип оти устига қўндирди.
Раҳм қилмас тухми Туркман ҳолига,
Миниб олди чим тулпорнинг белига.
Қирқ ботмон чўяни қилган бошига,
Шол калтаккинасин берди қўлига.
Соқолини тирқиратиб таради,
Тивит салласини бошга ўради,
Кетар бўлиб энди Евмит шаҳорига,
Теваракка Райҳон подшо қаради.

Ана энди Райҳон подшо дуоғўй мўйсафидларга қараб
бир сўз айтаяпти:

Гўрўғлибек душман менинг ўзима,
Уқлар отсам кўлда сузган ғозима,
Еппа-ёвлик Ширвон элнинг каттаси.
Талаб қилдим ой Зайдиндай қизима.

Омин деб дуо қинг менинг ўзима,
Уларгинам кўринмайди кўзима.
Хафа бўлсам оқ юз тушар тизима,
Халойиқлар дуо қинглар ўзима,

Талаб қилдим ота деган қизима,
Зайдин кетгандан кай ҳолим хароблар.

Талаб қилдим ёдизгина қизима,
Омин деб дуо қинг улкан араблар!

Сарғаймасин ҳеч одамнинг юзлари,
Олисдан кўринар отнинг бўзлари.
Чини билан дуо қилинг ҳақима,
Йиғилшган Ширвон элнинг қиларини!

Ана энди бу Холжувон товусдай таралган, беллар бу
ралган, сочи таралган, кунда тўқсон тусли кийимга ўрал-
ган, асли Аҳмадбекнинг хотини эди. Шуни бир куни Рай-
ҳон опқочиб кетиб эди. Гўрўғли бориб Райҳон арабнинг
қизини опқочиб келиб эди. Холжувон бир сўз айтаяпти:

Чир Туркманим ўйиб олар кўзингни
Туркманларим подшо дейди ўзингни,
Бораринг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Ёвлаб борсанг, ўлдиради ўзингни.

Евмит элни йигитлари бурдайн,
Ҳангамада тиши оппоқ дурдайн,
Ёвлик куни гуркираган шердайн,
Чиллаларда маст бўлган нордайн.

Елкалари тақир бўлган қирдайн,
Туркманнинг йигити бағи эрдайн,
Бораринг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Илоё йиқилиб ўлгин жун соқол!

Отгинангни ҳар тарафга жилгайсан,
Нима десам айтганимдай бўлгайсан,
Илоҳи йиқилиб ўлгур жун босган,
Биттанг қомай боргангинанг ўлгайсан.
Ўйнаб бориб йиғлаб қайтгин, қирилгур!

Очилганда тоза гулинг сўлгайсан,
Ҳали ҳозир тўда-тўда бўлгайсан,
Ҳаммангнинг сафаринг хатарли бўлсин,
Бориб туриб ўмбалоқ бўп ўлгайсан.
Илоё чўпчилаб ўлгин араблар,

Мусофирман кетган кўзимнинг ёши,
Қайтайин бул ишлар худонинг иши,

Ерга тушмас Холжувоннинг қарғиши,
Бораринг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Илоё қон бўлиб ўлгин араблар.

Энди Райҳон араб Холжувонга қараб бир сўз айт-
япти:

Оқарга сув берар ёмғирнинг қоқи¹,
Жонларни қутқармас ажалнинг ўқи.
Бундай десанг сен талабли арабга,
Оғзингга тош билан тупроқ шаллақи!

Кўллагай бандани яратган ҳақи,
Яхши гап қайтайин кўнгилнинг тўқи,
Чакки-чукки сандирайсан бизларга,
Оғзингга тош билан тезак, киянки!

Бу гапингга ҳамма бўлди бир қарол,
Ит қарғиши қайтай бўрига ўтмас,
Ҳар нарса деб сандирайсан мочағар.
Юракни айладинг жўнарда сен қон,
Чакки-чукки сандирайсан бизларга,
Оғзингга тош билан тезак, Холжувон.

Райҳон араб айтди:

— Биз билан тарабнамо. Акаларига ёвлаб бораман
деганга ёмон кўраётир. Туркманлардан кўп қизларни олиб
келиб амалдорларимга бўлиб бериб, буни ҳам кўп қип қў-
яман. Ҳар нима деса деяверсин. Кўнгилларингга оғир ол-
манглар,— деди. Ана энди Ёвмитга ой Зайдиннинг лоти-
ни олмоққа маслаҳат билан арабларнинг жўнашини
кўринг:

Бедовларни диркиллашиб,
Туғ байдоқни сўлқиллатиб,
Карнай-сурнайларни тортиб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Душманга савдо солгани,
Ёвмитни текис қилгани,
Райҳон араб жўнай берди

Ёвмит шаҳрини олгани.
Араблар Ёвмит жўнади.

Калтак бовиң қўлга солиб,
Араб биткан ғайрат қилиб,
Ширвон элдан лашкар олиб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Булбуллар боғнинг гулига,
Душман чидамас хилига,
Гала араб ларсиллашиб,
Бўйинда жун силдирашиб,
Ҳўкиздай бўп буркирашиб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Урдаклар Ойдин кўлида
Олқорлар тоғнинг белида,
Араб биткан қуртдай қайнаб,
Остида отлари ўйнаб,
Жўнади Ёвмит элига.

Мўйсафиди туғ кўтариб,
Мешкопларда сув кўтариб,
Ярим жони қув кўтариб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Туркман элнинг йўлини тўсиб,
Қуртдай қайнаб йўлни босиб,
Шоҳли милтиқлар эғнида,
Пилтаси тўқайдай сасиб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Шамол турса соқоллар ийнидан ўтди.
Мурти тип-тикка бўп кетди,
Чўлларни босиб ҳайбати,
Бўйнида жун силпиллатди,
Ўзбек тушунмас тилига.
Араби тил билан сўйлаб,
Добилни эгарга бойлаб,
Туркманнинг шаҳрини пойлаб,
Гана ерга лашкар тайлаб,
Араблар Ёвмит жўнади.

¹ Қоқ — сув.

Ёвмитни вайрон қилгани,
Ажали етган ўлгани,
Гала араб тўп-тўп бўлиб,
Лашкар чўлда саф-саф бўлиб,
Қўлида калтак чўп бўлиб,
Ғулдирашиб, чулдирашиб,
Араблар Ёвмит жўнади.

Талатўпларни қилгани
Ёвмитни чўлга солгани,
Барқирашиб, гуркирашиб
Араблар Ёвмит жўнади.

Энди булар жўнай берсин, сўзни Ғўрўғлидан эшитмак керак.

Юнус пари қирқ кун ухлайди. Ғўрўғлибек Гулқиздан рози бўп, қирқ кунгача Юнуснинг ёнида бўлди. Юнуснинг қирқ кун уйқуси битди. Ярим кечага борганда ярқ этиб уйқуси очилиб кетди. Шундай қараса, бир қўл бўйнидан, бир қўл қўлтиғидан ўтиб, маҳкам қип қучоқлаб ётибди. Юнус шуйтиб кўзини очиб теваракка қаради: «Бу нима бало? Мен Раҳмат парининг қизи бўлсам, энам Қария пари бўлса, қандай одам экан; бу менинг қўйнимга кириб ётган?»—деди. Юнус пари калласини кўтариб қаради. Терлаб, кўп қаттиқ уялди. Кел-э, шовқин солсам, дев биткан, пари биткан келар. Бу бечора ўлар. Аввал буни уйғотиб бир гапга солиб кўрай. Ҳар гап бўлса, бўпти. Энди, гапидан маза чиқса, ўзидан маза чиқади. Гапи бетартиб бўлса, ундан кейин калласини олай»,—деди. Ғўрўғлини кўкрагидан итариб аста-аста ўзини кетин олди. Ғўрўғли буни билди. Маҳкам қип сиқиб, яна қучоқлаб олди. Энди иш қизиқ бўп қолди, дод деса подшонинг қизи, уялади, дод демайин деса, бу қўлидан қўймай тобора Юнусни маҳкам қилади. Юнус пари дев билан уришганда ҳамшиша ўзи қувиб тобе фуқаро қип келгувчи эди. Юнус пари шу палла «ҳа» деди. Ҳеч кучи етмади. Энди Юнус пари ётган одамга қараб бир сўз айтаяпти:

Фариштасан ўзинг қайдан келибсан,
Уят-андишани киссага солибсан.
Сен қандай одам эдинг беуют
Уйлаб турсам уят ишни қилибсан.

Уй эгасин аввал рози қилмаган,
Бир худонинг бирлигини билмаган,
Қудратига ўви бўйинсунмаган,
Беуют меҳмонжон, айтгин сен кимсан?

Оҳ урганда куйиб кетар гулдай тан,
Кўйи Қофда менинг отим Юнусжон,
Рўбарў маҳкам қип мени беркиттинг.
Иссиғладим қўйиб юбор, меҳмонжон!

Гапиргин, эштай, сенинг сўзингни,
Ушла десам девлар босар изингни.
Сен қандай банд эдинг одамзод?
Кимам бўлсанг маълум қилгин ўзингни!

Авлиё одам бу ерга келади,
Банда келса бу йўлларда ўлади.
Фаришта, малоика бўлса келади,
Фариштами, малоиксан, айт ўзинг?
Уялмаган одам сиз ким бўласиз?

Эшитингиз мендай пошшо сўзини,
Душман босар бедавлатнинг изини.
Рози қилмай сен қучоқлаб ётибсан,
Қария парининг ёлғиз қизини.

Ё, билмайман ажалгинанг етими?
Ажал ҳайдаб, зиён-заҳмат туртими?
Биров сени оп кеп қўйиб кетдими?
Маҳкам қилиб қучоқлагин шунин деб,
Энам, отам рози бўлиб ияртиб,
Бу қўйнимга сени қўйиб кетдими?

Уяти йўқ меҳмон, айтгин ростини,
Бу ерга ажали етган келади,
Ким яхши, ким ёмон худой билади,
Баракалла қойил бўлдим ўзингга,
Уялмаган одам айтгин, сиз кимсиз?

Ана энди Юнусга қараб Ғўрўғлибек бир сўз айтаяпти:

Гап эшитгин бу меҳмоннинг тилидан,
Ошиб келдим Бало тоғнинг белидан,

Мен башарман, сен парисан ой Юнус,
Мени сўрсанг (ўзим) Евмит элидан.

Эшитгин қаддингдан Юнус додимни,
Айтаверай сен қулоқ сол кўзингдан,
Гўрўғли етимақ дейди отимни.

Долвой келса, толпинади қарчигай,
Уруш кунни тортилади нуқра, най.
Момо Ҳаво мени фарзандим деган,
Энамнинг отини дейди Ҳилолои.
Худо ҳайдаб келди бунда Юнусжон.
Отимни азизлар Гўрўғли қўйган,
Бемаза сўзлардан айтма Юнусжон!

Евмит келиб, Евмит элда жой тутдим,
Кўчаларда ўзим олчигиз отдим,
Шу Райҳон отидан Ғирни урчитдим
Холжувонни олиб кетди жун соқол.
Холжувон деб ўзим хуноба ютдим,
Евмит элда байтал боққан етимман.
Ундай дема, сандирама Юнусжон!

Бир кунлари мен тойчамни йўқотдим,
Тойимни ахтариб, Евмитдан чиқиб,
Хитой, Хўтон, Чиңи Мочин қолмади
Афғонистон, ул Ҳиндистон қолмади,
Ўзбекистон, Фарангистон қолмади.
Шоми Шариф, Миср юрти қолмади,
Етим тойдан ҳеч бир дарак бўлмади,
Гўрўғлибек бир от деди қон ютди,
Уч йилда Афсарнинг тоғига етди.

Санам чорбоғида юрган экансан,
Болҳовуз бошида кўп қизлар билан,
Икковгинанг май сузиб, мажлис қилиб,
Болҳовуз бошида турган экансан.

Кўрган тушим яхшиликка йўрадим,
Емон салла мен бошима ўрадим,
Уртада турувдинг битта қиз билан
Унинг ўзи ўзингдан сулув эди.

Етим той деб икковингдан сўрадим.
Икковгинанг бизни тентак билдинглар,
Сенга ўхшаб хўп калака қилдинглар,
Бунда кел деб икковгинанг айттинглар,
Жўранг билан хўп калака тутдинглар.

Олтин пиёлага шарбат қуйдирдинг,
Калака қип сенга биз тегамиз деб,
Гўрўғли етимни ик кун қуйдирдинг,

Уҳ дедим, ўзим аразлаб кетдим,
Афсар тоғнинг ўзим остига етдим,
Ғиротимни топиб мақсадга етдим,
Хизр билан ҳазиллашган кунларим.

Қулоқ солгин Гўрўғлининг зорига,
Савдо соп душманнинг кирдикорига,
Хизр билан сандирашиб мен ўзим,
Бориб қолдим, ёванларнинг ғорига.

Гўрўғлиман гапни гапга уладим,
Пирлар, Гўрўғлибек тила деганда,
Икковингни хотинликка тиладим,
Наъра тортиб қирқ чилтонлар жўшканди
Шу суҳбатда ақларим шошганди,
Ундай дема бир оллога ёқмайсан,
Тақдирингни пирлар менга қўшганди.

Ҳадди борми, одам бунда келмоққа,
Қаландарлар мени олиб келганди,
Сенга айтдим, юракда бор дардимни,
Пирлар берган, ўзинг, паризодимни.

Эр Хизр нағаллар қоқиб оёққа,
Пирлар эгарлаб берган Ғиротимни.
Мен сенга ростини айтай Ой Юнус,
Алҳамдулло олдим сенинг ўзингни,
Олиб кеп бер Мисқол паризодимни
Соқибекни устод қилиб ўзима,
Эгарлаб пирлар миндирди отимни.
Ошиқ бўлсанг ҳазар қилма ўзимдан,
Худо берди қучоқладим белингдан.
Такабурлик қилма ҳаргиз Юнусжон,
Қирқ кун бўлди сўриб ётдим тилингдан!

Ана энди Юнус ўзига ўзи айтди «Тақдирга табгир йўқ. Мени бу олибди. Энди ўйлаб турсам хотин қилибди. Бу ишимиз уят бўлиб қолибди. Чекка тушган чагра эмас. Қўнғиз оппогим дермиш, кипритикон юмшоғим дермиш. Энди у билан илиқ гаплашмоқ даркор»,— деди. Жойидан туриб, кийимларини кийиб, Гўрўғлибекка қараб:

— Энди биз гуноҳ қилсак, сиз адо қилинг. Қиёматлик чўрингман, ўлганча ўйнаб-кулар ёрингман. Худонинг тақдирига тан бердим,— деди.

(Шу чоқ) Гулқиз аста сиғалаб қаради. «Иккови сўзлашаяпти, энди бориб бир сўз айтиб, икковининг уятини тарқатиб келай»,— деди. Гулқиз «ассалому алайкум» деб кириб борди. Юнус уялиб қолди. Гулқизнинг айтаётган сўзи:

Даврон сурдинг Кўйи Қофда бегумон,
Нечовлар ишқингда бўлганди сарсон,
Ё, акангиз, ё тоғангиз келдими.
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, Юнусжон!

Омонатдир бу танда гартак жон,
На жойдан келибди, пошшо меҳмонжон?
Қариндошингиз қидириб келдими?
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, Юнусжон!

Илгаридан мен тарадди қилмабман,
Нима десам айтганимча демабман.
Азиз меҳмон қутлуғ бўлсин, Юнусжон!
Ухлаб қопман, дастурхонлар солмабман,
Азиз меҳмон қутлуғ бўлсин, опагон!

Ё учиб, ё отини елдими,
Жойингизга келиб кўнгли тўлдими?
Оғабаччанг, тоғабаччанг келдими?
Қариндошинг сиздан кўнгли тўлдими?
Қутлуғ бўлсин келган меҳмон, ой Юнус!

Томошага қизлар чиқиб шайлансин,
Оқадиган тиниқ сувлар лойлансин!
Қайдан келди яхши одам бу ерга?
Меҳмонингдан жасадда жон айлансин!

Айрилмасин ҳеч мусулмон имондан,
Қачон чиққан экан манзил макондан?

Бул танам айлансин келган меҳмондан,
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, опагон!

Дона-дона холлар қўйдим юзима,
Қулоқ солинг, Юнус пошшо сўзима!
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, опагон,
Шу меҳмонни айтиб беринг ўзима!

Ана энди Юнус пари билган йўқ экан деб, бир сўз айтаяпти:

Кўйи Қофнинг тоғ тарафи сувсиз даш(т),
Байталиман сенинг ўзинг кўп бебош,
Хизматкор меҳмондан хабар олмайми?
Санам чорбоғидан кепти қариндош.

Уруғдошим мени излаб келипти,
Бир нечалар «ким» деб жанжал қилипти,
Яхши зиёфатлар, тўнлар лозимди,
Сен эсликсан, билиб қўйгин сўзимди,
Яхши зиёфатлар дарров лозимди.

Эшитгин Гулқиз ўзимдан додни,
Бул меҳмоннинг билдинг ҳасрати ортди.
Меҳмонжонга тез қилгин зиёфатни,
Олиб келгин асал билан шарбатни.

Яхши гапдан қариндошга сўйлагин,
Сен ёмон гапирма ортин ўйлагин!
Тақсиржон деб иззат қилиб меҳмонни,
Бежойин кўп шу меҳмонни сийлагин!
Терлик таом дарров тайёр айлагин,
Одам бўлмасин ҳар ёқда бўйлагин.

Гулқиз санам энди вақтин хушлади.
Бошин чайқаб, лабларини тишлади.
Дастурхонлар ёзиб, кўнгли тўқ бўлиб,
Меҳмоннинг Гулқизжон вақтин хушлади..

Ана энди Гўрўғлини панага солиб, Гулқиз хизматни қилди. Энди Гулқизнинг ишини қаранг:

— Билдим, билдим. Икковингиз бирор нарса берасизми, бермайсизми,— деди. Ой Юнусга қараб:—Юрининг бошқа бўп қопти,— деб бир сўз айтаяпти:

Нималар сарғайтти ойдаи юзингни?
Билиб қўйдим Юнус пари ўзингни,
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Билиб қўйдим икки қаллоб ўзингни.

Ким оп кеп кўрсатди сенинг ерингни?
Биров оп қўйибди юзда нурунгни.
Аввал берарингни кўрсат, Юнусжон,
Сен қариндош дейсан теккан эрингни!

Бир нарса бермасанг шовқин соламан,
Ҳар савдони икковингга соламан.
Эрга текканга ўшадинг ўзгинанг,
Бориб мен энангни айтиб келаман.

Юрагингдан кетқарибсан гинангни,
Уртабсан, шарманда, гулдаи танангни
Сенинг ўзинг бир балони қилибсан,
Ияртиб келайин бориб энангни.

Май шарбатин сенинг ўзинг қўйибсан,
Энди билсам шул меҳнатни суйибсан.
Қариндош деб ёлгон айтдинг, ой Юнус,
Шунинг билан биллалашиб ётибсан.

Қариндош бўлгани жонни сотами?
Боққа кирган олма, анжир отами?
Аввал берарингни кўрсат, ой Юнус,
Қариндош қиз билан бирга ётами?

«Ол кетди» деб Гулқиз чўртта бақирди,
Юнус пари «бунда кел», деб чақирди,
Гўрўғлибек имо қилди Гулқизга.
Юнус пари энди жонини сотди.
Гавҳар тошли битта яхши узукни
«Ма, бошингни есин, ҳеч кимга айтма»,
Деб шундай Гулқизга Ой Юнус отди.

Ана энди Гулқиз:
— Тортиб оп қўйсанг узукни олмайман,— деб Юнус-
дан пора олиб, «эринг қутлуғ бўлсин» дея бир сўз айта-
япти:

Тўқилмагай кўздан қонли ёшингиз,
От чопса чангийди сувсиз дашингиз.
Бирор нарса олмоқ эди бу кўнглим,
Қутлуғ бўлсин, меҳмон — булбул қушингиз!

Юракдан кетипти бу губорингиз,
Сарф айласанг давлатингга борингиз,
Икковгинанг қўша қари дунёда,
Қутлуғ бўлсин назарқарда эрингиз,
Яхши бўлсин Юнус тушган ерингиз!

Баданингда мушки заъфарон сасиб,
Нечовларни ўзинг кўкайин кесиб,
Теккан эринг қутлуғ бўлсин, ой Юнус,
Худо қўшса ўзингизга муносиб!

Энди Юнус пари Гулқизга қараб:
— Ҳеч ким билган йўқми?— деб сўради. Гулқиз
айтди:
— Худодан ўзга киши билган йўқ,— деди. Ана энди
Юнус пари Гулқиз билан Гўрўғлибекка қараб бир сўз ай-
таяпти:

Девлар кўрса қилар бизларди сангсор,
Ётиб туринг Гулшан боғда панада!
Гулқизжон бўлади сиздан бохабар.

Бемаза гап ҳеч чиқмасин тилингдан!
Мени деб келибсан Туркман элингдан,
Бориб ётинг Гулшан боғнинг ичида,
Гулқиз пари хабар олар ҳолингдан!

Сиздай одам бунда келиб ўлмасин,
Қариндошга қайғу тушиб қолмасин!
Гулқиз билан боринг боғнинг ичига.
Ҳеч бир киши, ҳатто жондор билмасин!
Девлар билиб катта гавғо қилмасин.
Раҳмат пари лашкар тортиб келмасин,
Гирқирашиб яна сизни емасин,
Ҳеч бир одам сири ҳолинг билмасин!
Кимни дўстим десанг, душманинг шудир!

Бу сирлар ҳеч кимга ошқор бўлмасин!
Гулқизжон бу ишга бўлгин эҳтиёт
Сендан бошқа ҳеч бир киши билмасин!

Астагина мен энамга айтайин,
Меҳмон учун хунобалар ютайин,
Отали ўғил, хўжали қиз Гулқизжон,
Не яхши гап бўлса аста айтайин.

Мен энамни айтибгина келайин,
Кечасиман хўб маслаҳат қилайин
Нима бўлса меҳмон билан бўлайин.

Гулқиз тур деб қош ўйнатди,
Эсонлик ғаниматди(р),
Гулқиз пари Гўрўғлини,
Юринг деб ияртиб кетди.

Гулқиз Гўрўғли қошида,
Гоҳ олдига, ён бошига,
Аста-аста бир-бир босиб,
Борди ҳовузнинг бошига.

Чўкка кетмон олиб келди,
Ерни қазиб ертўла қилди.
Мен оқшом хабар олай деб,
Гўрўғлини шунга солди,
Ишни эҳтиёт қилди.
Аттанг-а, қамовда қолди.
Ҳийла билан иш битади,
Гулқиз ишни фириб қилди.

Етган пари, Ҳасан Кўлбар,
Ҳасан Чопсон, Якдастаси,
Юнусжоннинг қоровули,
Бу ерга одам кепти деб,
Пари, девлар, бари билди.

Топинг одамни дейишиб,
Ҳасан Кўлбар шовқин солди.
Одамнинг исини олди.
Кўйи Қофнинг дала, даши,
Симобдай тебраниб қолди.

Ҳасан Чопсон жонни сотди,
Тўхтамиш девга кетди,
— Одам кепти, юринг,— деб,

Девнинг подшосига айтди.
Тўхтамиш девни ияртди.
Юнусжоннинг кеп олдига,
Бу одамзоднинг исми,
Юнусжоннинг ётган жойи,
Чўртта бинкиб, сасиб кетди,
Раҳмат пари талатўпда,
Бул ҳам лашкар тортиб етди.
Юнусга тушган ғам бўлди.
Юнусжоннинг энаси,
Париларни ияртириб,
Келди Юнуснинг қошига.

Раҳмат пари, Қария пари, Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Як-
даста, Ҳасан Чопсон ҳаммаси етди. Тўхтамишнинг боласи
Қора девга ҳам хабар кетди. Қария пари шундай қараса,
Юнуснинг бети одам муччилагандай бўлиб, андак хирала-
шиб кетди. Қария пари биларди ўзи. Ҳар замонда,
«Гўрўғли болам келар, Юнусни олар»,— деб, баъзи ер-
лардан хабар олиб юрарди. Шундай полминак кўрди.
Ана энди Гулқизга қараб бир сўз айтмоқчи бўлди. Шу
палла Гўрўғлининг оти гулдираб кишнаб юборди. «Ана бу
ёқда экан, одам»,— деб, Тўхтамиш дев бирдан туриб кет-
ди. Парилар чапак чалар экан, «бу ерда бир мажлис бўл-
димид» деб Қария пари ҳам чапак урди. Тўхтамиш дев-
дан бўлак лашкарнинг бари тўхтаб тўйбоп бўлдик деб ўти-
риб қолди.

Талатўп бўп Кўйи Қофнинг дашида.
Тўхтамиш дев ғайрат қилиб шовқин соп,
Бориб қолди Ғиркўк отнинг қошига.

Душман босар бедолатнинг изини,
Кийикдайин ўйнаб жонвор Ғиркўк от,
Шапалохлаб икки оёқман уриб,
Кўр қип қўйди Тўхтамишнинг қўзини.

Ғулдиратди Тўхтамишнинг ўзини,
Сад офарин Гўрўғлининг Ғирига,
Сарғайтирди Тўхтамишнинг юзини,
Майиб қилиб қўйди чўртта ўзини.

Гўрўғлининг тарафи кеп устига,
Одам қурбон мард йигитнинг бастига.

Қора дев кеп қолди бунинг устига.
Жонивор Ғир ўйнаб вақтин хушлади,
Отам деб Қора дев кўзин ёшлади.
Оқордайин ўйнаб жонвор Ғиркўк от,
Қора девнинг қулоғидан тишлади,
Туғиман тўбасига муштлади,
Добилни уради ботирлар тоққа,
Гўрўғли борувди Туркмандан якка,
Дуд ўрнади, шовқин солиб фалакка.
Гўрўғли ётибди бул Гулшан боғда,
Ёндошмайди Қора Девга ҳеч бир дев,

Девлар кўпди, Гўрўғли ўзи якка.
Томоша айланг назарқарда Ғиркўкка,
Улдик дейишиб девлар лабин тишлади.
Юнус билан Гулқиз вақтин хушлади.

Олти оёқли бало кепти бунда деб,
Дев битқанлар энди қоча бошлади,
Юриб келган Гўрўғлибек даладан,
Ғиркўк отнинг товушини эшитиб,
Гўрўғли хуш бўлиб чиқди тўпадан.

Пусининг деб Гулқиз кўплар сўйлади,
Ишни ёмон қилдинг деди ўйлади.
Жондан кечиб товуш қилиб Гўрўғли,
Ўткир ханжар бул белига бойлади.

Олло раҳм айласин банда ҳолига,
Ўзи полвон эди Туркман элида,
Ғайратига чидай олмай Гўрўғли,
Олмос найзасини олди қўлига.

Тўхтамишнинг, аттанг, чироғи ўчди,
Чопиб бориб Қора девнинг олдига,
Қора девни тахти бўйиндан санчди.
Ўлдим деб Қора дев тупроқни қучди.

Найза қиличини қўлига олиб,
Оёғини узаңгига тиради.
От устида Гўрўғлибек шердай бўп,
Кўзи ўйнаб ҳар тарафга қаради.

Гўрўғлибек Ғиротни миниб аждаҳордай ишқариб
Самандар девнинг жунидан тутатди. Жунининг иси бурни-
га бориб Самандар, биз худога даркор бўлибмиз деб кун-
жутни синжит дегунча Бало тоғдан етиб келди. Энди
Гўрўғлибек, Самандар девни орқа қилиб жуда кучли бўл-
ди. Самандар дев қаттиқ товуш билан бир сўз айтаяпти:

Юрган ерим Бало тоғнинг даласи,
Тўкилган кўзимнинг қонли даласи,
Хайр қилинг камбағалга, очларга,
Манов ўзи бир худонинг балоси.

Бало тоғда юракларим майирган,
Ена ердан оёғимни тойирган
Бунинг ўзи уч оғайни сўрасанг,
Олти оёқли қошидаги худойи,
Девни ўлдиргин деб сенга буюрган.

Эшитувдим авлоқ жойда сўзини,
Ўлдирмапти Тўхтамишнинг ўзини.
Раҳми келиб тирик юрсин депти-да,
Уйиб опти бунинг икки кўзини.

Кўтариб келганман шунинг ўзини,
Ўлдинглар, қилинглар жоннинг ҳийласин!
Бало кеп кўрипти кирдикорингни
Чолдевор қип Кўйи Қоф шаҳарингни.

Жонингнинг ҳийласин қилгин дев, пари!
Ҳали замон ўлдирди барингни,
Бунинг ўзи худойдан келган бало,
Кўйи Қофни қип кетади дабдала.

Аччиғланмай ўлтирибди иккови,
Бургасиман бити бир катта бало.
Кичкина деманглар, қаранглар кўзни,
Билинглар ўлдириб кетади сизни!

Маза чиқди Самандарнинг сўзидан,
Қўрқиб кетди Гўрўғлининг кўзидан.
Самандардан бу гапларни эшитиб,
Дев, парилар кетиб қолди ўзидан.

Гўрўғлининг тевараги лашкарга тўлиб кетди.¹ Ана энди Юнус ҳам қўрқиб қолди. Емон зўр одам экан деди. Гулқизга қараб, «меҳмоннинг иложини қилгин!» деб бир сўз айтаяпти:

Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Ғазабланса тутар Кўйи Қофни қон,
Нечовни айлади йўлларда сарсон,
Насиҳат қил меҳмонингга сен бориб,
Меҳмоннинг иложин қилгин, Гулқизжон!

Бузиб кетар дев, парининг ерини,
Очиб кетар ой Юнуснинг сирини.
Бу меҳмонинг бало экан, чирогим,
Гулқиз қилгин меҳмонингнинг корини!
Девлар кўрди отни, одам зўрини,
Қабул қилдир Юнусжондай парини,
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон?

Кўрқиб кетдим боролмайман қошига,
Қон тўлмасин Кўйи Қофнинг дашига,
Юрагим ёрилди асли бормайман,
Бориб келгин Гўрўғлининг қошига!

Яхши сўзлар билан олдига боргин,
Бориб туриб меҳмон олдида тургин!
Нима деса сен бўйинингни ҳам қилиб,
Аччигин тарқатиб сен мени кўргин!
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон!

Янги кўрдик одамзоднинг зўрини,
Томоша айла олдидаги парини.
Ўлдирмасин дев, парининг барини!
Нима деса айтганини қилайик,
Қилиб келгин меҳмонингнинг корини!
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон!

Урганишиб қолган, Гулқиз Гўрўғлининг чоғини олган,
Гўрўғлига ўзи яхши хизмат қилган. Гўрўғли ҳам Гулқизнинг яхшилигини билган. Ана энди Гулқиз Гўрўғлининг олдида бориб бир сўз айтаяпти:

¹ Бу лашкар ғойибдан келиб, Гўрўғлини қўлловчи лашкар эди.
(Ред.)

Омонат ўйласам тандаги жоним,
Бизлар гуноҳ қилсак энди кечиринг,
Аччигингиз тилаб келдим меҳмоним.

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Марду номардлигингизни синайман.
Мендай хизматкоринг тушди ўртага,
Фуқаронинг тинчлигини тилайман.

Эшитингиз мендай жоннинг оҳини,
Йиғайин элатнинг бари бойини.
Бизлар хато қилсак, сиз адо қилинг,
Тилаб келдим элатнинг гуноҳини!

Қабул қилинг Юнусойдай парини,
Бориб қилай ойимимнинг тўйини.
Бориб туриб дўнган ўчоқ ўйдирай,
Яхши сарпой хизматкорга кийдирай,
Гўшт-паловга элнинг қорнин тўйдирай,
Юнусойнинг никоҳини қийдирай.
Аччигингиз тилаб келдик меҳмонжон.

Яхши хизмат ўзим сизга қилайин,
Ўлгунча сизиман бирга бўлайин.
Аччигингиз тилаб келдик меҳмонжон.
Салтанат қип чимилдиққа солайин,
Шу мавридга аччигингни тилайин.

Кетқаринг юракдан қайгуман ўйни,
Бизларам кўрайик Ёвмитдай жойни.
Аччигингни шу сафар ўт меҳмонжон,
Ўйнаб-кулиб қилай мен катта тўйни.
Аччигингиз тилаб келдим, меҳмонжон!

Энди гапни Гўрўғлидан эшитмак даркор. Гўрўғли Гулқизга қараб:

— Ишни бопладингми? — деб сўради. Гулқиз:

— Алҳамдулилло боладим, — деди. Гўрўғли Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Кулоқ сол Гулқизжон айтган сўзима
Тўхтамиш дев душман бўлди изима.

Қария париман қилгин маслаҳат,
Нима деса айтгин келиб ўзима.

Ҳар бобдан Гулқизжон кўнглимни тўлдир.
Кетар чоғим бежойин узун йўлдир,
Раҳмат пари билан қилгин маслаҳат,
Нима деса келиб ўзима билдир!

Кўнгли берма мана дунё бепоён
Подшоликнинг амрин қилгин Гулқизжон!
Раҳмат пари билан қилгин маслаҳат,
Нима деса ўзима айтиб келгин!

Қон қилмагин ўзинг Кўйи Қоф дағини,
Қочирмагин ўзинг ақлман хушни!
Бориб туриб қилгин ўзинг маслаҳат,
Емонлик қилмагин битиргин ишни!

Яхши ерда ёмон савдо бўлмасин,
Неча одам кун кўрмайин ўлмасин!
Бориб париларман қилгин маслаҳат,
Катта жанжал Кўйи Қофда бўлмасин!

Нима деса билдириб тур ўзима,
Нима десам сен ишонгин сўзима,
Юнусжоннинг кўнгли тўлган ўзимдан,
То ўлгунча жонгилмайин сўзимдан.

Гулқизга Гўрўгли кўп гапни айтди,
Қуллуқ, деб Гулқизжон туриб жойидан,
Қария парининг олдига кетди.

Раҳмат пари, Қария пари неча парилар билан ўтирган-
да Гулқиз жўрттага хафа бўлиб етди.

Қария пари Гўрўглини яхши кўрувчи эди. Шунда
Гулқизга қараб Қария пари бир сўз айтаяпти:

Худой деган муродига етами?
Бир нечалар олма, анжир отами?
Гулқиз, бўлдинг Гўрўглининг вазири,
Илик, юмшоқ яхши гапдан айтдимми?

Оқизмасин ёш-қарининг ёшини,
Қулатмасин Кўйи Қофга лошини!

Айтганини менга айтгин Гулқизжон,
То кесмасин одам битган бошини!

Яхши хизмат одамларга қилдингми?
Гўрўглини бориб алдаб келдингми?
Аччиғланса ҳеч нарсадан қайтмайди,
Халойиқ гуносин тилаб олдингми?
Қўшинингни тўхтатгин деб келдингми?

Аччиғланса Гўрўглибек ўр одам,
Урушли кун ўзи бежой зўр одам.
Ўзбек халқи меҳри юмшоқ бўлади,
Сиз биласиз деса ўзи ийиниб,
Хайр деб талтайиб келиб қолади.

Ана энди Раҳмат парига қараб Қария пари бир сўз ай-
таяпти:

Раҳмат пари дейди сенинг ўзингни,
Гўрўглибек сарғайтади юзингни.
Қинғирамай қилгин Юнус тўйини,
Илгаридан олиб қўйган қизингни!

Тойни қараб Гўрўглибек борганди,
Юнус қизинг Гўрўглини кўрганди.
Ёшлигида икковлари топишиб,
Бир-биридан кўнгли тўлиб қолганди.

Мен сенга ростини айтай улағай,
Гўрўглибек Юнусингни олганди.
Билмайин юрибсан ўзинг беҳабар,
Ой Юнусинг чўртта кўнгли тўлганди.

Кўп йил бўлди биллалашиб қолганди,
Уришайин десам элдан уялдим;
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Ой Юнусинг хизматкор бўп қолганди.

Гўрўглибек Туркман элдан келипти,
Гулшан боғда Юнус меҳмон қилипти.
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Гулқиз янга бўп қаллиққа солипти.
Ваъдалашиб, кўнгли бериб иккови,
Бир-бирига яхши хизмат қилипти.

Ростин айтсам олма, амор отипти,
Қанотлаи қуш баламд тоғдан ўтипти.
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Гўрўғлини олиб келиб Туркмандан,
Қирқ кеча қирқ кундуз билла ётипти.

Шунча гапнинг барин Гулқиз қилипти.
Етаклаб кеп қўйнига ҳам солипти.
Еш демагил Юнусжонни подшойим,
Энди йиққин Кўйи Қофнинг бегини
Сенга айтди мендай пари ўйини,
Мен сенга ростини айтсам, подшойим,
Жанжал қилмай қила қолгин тўйини.

Худой ўртамагай гартак жонини,
Мен сенга ростини айтсам, подшойим,
Юнусжонинг бағишлаган танини.
Сен кўнмасанг ўзи ваъда айтади,
Ошиқ бўлган қону зардоб ютади.
Икки кўнгил бирдай бўлса ҳеч гап йўқ,
Бари бир Юнусинг қочиб кетади.

Давлатинг бор ҳеч ким тушмас изингга
Энгашсанг оқ юзинг тушар тизингга,
Шунча гаплар айтдим, сенга подшойим,
Қайтайин иктиёр энди ўзингда.

Ана энди тўй жабдуғини тузаб, Раҳмат пари халойиқ-
га қараб бир сўз айтаяпти:

Эшитинглар Раҳмат пари ўйини,
Яхши кўрган бўлса қадди бўйини,
Йиғилишинг оломонлар, аскарлар,
Қизиқ қинглар қўзичоғим тўйини.

Боғлардан теринглар олма, норимни,
Кимга айтай юракдаги черимни?
Йиғилишинг сатта пари, кайвони,
Тўй қилиб талатинг, ҳарна боримни!

Мен ўқийин алиф билан забарди,
Ёмон гапга кўнгилгинам қабарди.
Бойбиччамиз кўнган бўлса, парилар,
Тўйга деб ҳар ёққа қўйинг хабарди!

Бир нечанинг ақлларин шоширинг,
Душманларни оша юртга оширинг!
Уйнаб-кулиб ой Юнусдай қизимни,
Ёсон-омон қайин юртга топширинг!

Одамларнинг кўнглини жўш қилинг,
Душман бўлса кўп қаттиқ уруш қилинг!
Тўй қилиб барини йиғиб халойиқ,
Чўричоғим ёмон вақтин хуш қилинг!

Тилла жомларга майлардан қуйинг,
Кир кийимни ташлаб, янгидан кийинг!
Бежой қизитинглар қизим тўйини
Уйнаб келиб никоҳини қийинглар!

Кўрганларнинг кўнгли ўтдай туташа(р),
Сулувларнинг зулфи бетга яраша(р),
Париларни хабар қилиб йиғинглар,
Кўрган одам маст бўп қилсин томоша!

Гармсел эритар тоғнинг қорини,
Беглар қўлга салади шунқорини.
Юнусжонни уялтирмай халойиқ,
Уйин қилиб йиғинг сатта парини!

Раҳм айланглар Юнусжоннинг ҳолига,
Булбуллар маст бўлар боғнинг гулига,
Ҳеч кўнглини қолдирмай Юнусжоннинг,
Оп бориб қўйинглар Туркман элига!

Рози бўлдим оллонинг қудратига,
Ким чидайди фарзанднинг ҳасратига?
Ҳеч хафа қилманг, Юнусжонимни,
Оп бориб қўйинглар қайин юртига!

Раҳмат пари дейди менинг ўзимни,
Фуқарога қилай неча нозимни.
Қирқ кеча, қирқ кундуз тўйларин қилиб,
Узатиб оп боринг ёлғиз қизимни!

Ана энди неча мақом ўйинларини қилиб, кеча-кундуз
бирдай бўлиб, шавқ-завқи билан тоғнинг отганини, кун-
нинг богганини билмай, қила берди тўйни.

Энди гапни Гулқиздан эшитмак керак. Ана хуфтондан ўтганда эринчакнинг кўзи уйқуга кетганда, Гулқиз париларга қараб, неча мақомларни қилиб, «андаккина гап бор» деб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сонглар, айтган сўзлар,
Хол ярашган ойдай юзлар,
Юринглар катта хизматга,
Дарров юринг сулув қизлар!

Кўндик худойнинг ишига,
Усмаларни қўйинг қошга,
Гўрўғлини олиб келсак,
Юнус пошшонинг қошига!

Бўлган гапларни айтмайик,
Ширин жонларни сотайик,
Жезнамизни олиб келиб,
Ой Юнусни кўрсатайик.

Юринглар қизлар тезроқ,
Қочмангизлар кенглар берроқ,
Шабкўринг йиқилиб қолма,
Катта йўлга ёқинг чироқ.

Айтманглар ҳеч кимга дарак,
Юнусга Гўрўғли керак!
Улмасликдан борми дарак,
Гўрўғлига Юнус керак.

Ғамхона кўнгил жўшайик,
Поёндозларни тўшайик,
Жезна деб олдиға бориб,
Салтанатман олиб келиб,
Юнус пошшони қўшайик!
Палов кулчатоё ошайик,
Пар кўрпалардан тўшайик,
Бўйинга қўлни солайик,
Олиб келиб жезнамизни,
Чимилдиққа солайик.
Ўзбек элнинг подшосини,
Бориб томоша қилайик!

Иккови мақсадга етсин,
Олма, анор, анжир отсин!
Чимилдиққа оп Борайик,
Беш кун дунё ўтар кетар,
Чимилдиқда тор таллашиб,
Юнус билан билла ётсин!

Иккови қангама этсин,
Гана кундуз ҳам кечаси,
Булбул сайрагандай бўлиб,
Оқ юзидан ҳамиша суйиб,
Бир-бирин меҳрига тўйиб,
Ҳар тарафга сирни ёйиб,
Лой ерларда туя тойиб,
Сувларни ичиб олинглар,
Чопганингда ичинг қуйиб,
Гўрўғлини оп келинглар,
Юнусжонни ётсин суйиб!

Кўп парини қимиллатди,
Ориқларин дингиллатди,
Семизини пишиллатди,
Сирғасини ярқиллатди.

Бир хили чанқовсиз чертди,
Очилган гулдай яшнашиб,
Бўйинга қўлни ташлашиб,
У ер-бу ерин ушлашиб,
Хафалик йўқди у ерда,
Доим вақтини хушлашиб,
Оёғини онда-сонда,
Бирдай қип кериб ташлашиб,
Бораётир сулув қизлар,
Мақомман лабин тишлашиб,
Силдираб қизлар жўнади,
Жилдираб қизлар жўнади
Милдираб қизлар жўнади.

Бошин чайқаб, лабин тишлаб,
Оёқ босиб белин ушлаб,
Пўпакни елкага ташлаб,
Ҳурдай бўп қизлар жўнади.

Дурдай бўп қизлар жўнади,
Ялтиллаб қизлар жўнади,
Милдиллаб қизлар жўнади.

Пўпагини силдиратиб,
Барини гулдай яшнатиб,
Бирдай бўп қизлар жўнади,
Ноз билан қизлар жўнади.

Сатта аҳли фаҳмлар,
Баданлари мулойимлар.
Айни ўн бешдадир ёши,
Бежойям яхши довиши,
Кўрганнинг зиёд койиши,
Гўрўғлибек қулоқ солди,
Чиқди қизларнинг товуши.
Солланиб қизлар жўнади,
Гулдай бўп қизлар жўнади.
Балхи рўмоллар бошида,
Борди Гўрўғли қошига.

Ана энди Гулқизжон салом-алик қилиб, мийиғида кулиб, жилваларни қилиб Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтапти:

Худоё кетгай юракдан черингиз,
Хўп айрилди пешонадан шўрингиз,
Ассалом алайкум ўзбек подшоси
Қутлуғ бўлсин ой Юнусдай ёрингиз!

Соғ-саломат энди кетинг бегумон,
Бизлар билан бўп қолдингиз қариндош,
Юнус ойим қутлуқ бўлсин, жезнажон!

Уят бордир қарамангиз кўзларга,
Оқшом бўлса ҳангамада сўзларга,
Ассалом алайкум ўзбек подшоси
Суюнчини энди беринг бизларга!

Рўй-рост қип Юнусман давронни суринг,
Боққа кириб олма, анорни теринг!
Оп борамиз Юнус пари олдиға,
Кўнглимиз тўлғудай бир нарса беринг!

Мен бўлмасам ғовға бўлар ҳар замон,
Қабул қилди Раҳмат пари шул замон.
Дуруст кийим инъом-аҳсонлар қилинг,
Яхши нарса бизга беринг жезнажон!

Гўрўғлибек айтди: «Балли Гулқиз, кўнглим тўлди, сендан; хизматингни тўхматга қайтарма. Энди билдим, бошла Юнуснинг олдиға»,— деди. Ана энди Гўрўғлибекни салтанат билан олиб жўнайверди. Пўлат дарвозадан киргизиб марварид супага етди. Тиллақори гомга Гўрўғлини киргизиб дастурхон ёйиб, ҳар ранг хўракдан қўйди. Кечқурун бўлди. Мулла никоҳни қийди. Тўйни бошлаб, кайф-сафо-ю, ҳангомалар билан қирқ кун ўтди. Раҳмат пари билан Қария парини куёв кўрди қилди. Ҳамма тўйда чарчаб қолди. Қирқ уч кун ўтганда Қария пари билан Раҳмат парига қараб Гўрўғлибек бир сўз айтапти:

Салом алайкум Кўйи Қоф подшоси,
Жавоб беринг мен элима кетаман,
Кўплар едим ошингизман, тузингни.
Ота дедим то ўлгунча ўзингни.

Кетаман мен ўзим Туркман элима,
Йўл юраман занглаб ётган чўлима,
Яхши анжом олмос бўғдим белима,
Отажон кетаман Туркман элима.

Йўлиқмайин бир тарафнинг қаҳрига,
Тўти, булбул сайрар гулнинг баҳрига,
Эсон-омон, соғ-саломат кетайин,
Отажон, кетаман Туркман шаҳрига!

Ўзимда ҳам қариндошлар бор эди,
Неча одам олдимда хизматкор эди.
Жавоб беринг, мен элима кетаман,
Менда ҳам Туркмандай шаҳар бор эди.
Гўрўғли ҳам Туркманга тождор эди.

Раҳмат пари хизматкорларига қараб бир сўз айтапти:

Гўрўғлини Туркман элга жўнатиб,
Ҳар жойда димоғини чоғ этинг!
Йиғилишинг дев, парилар хизматкор,
Гўрўғлини Туркман элга жўнатиб!

Нима деса қулоқ сонглаар тилига,
Ҳамиша дуо қип туринг ҳолига!
Хуши хушвақт қилиб ёлғиз боламни,
Олиб бориб қўйинг Туркман элига!

Обод қинглаар Кўйи Қофдай элимни,
Сизларга сўйлатай қизил тилимни!
Тақсир деб жойингдан туриб ҳаммангиз
Евмит элга оп боринглаар улимни!

Гўрўғлибек қари эмас, ёш улди(р),
Ўзи икки ўзбекларга бош улди!
Баракалла бунинг мартабасига,
Ҳаммангизман ўзи қариндош бўлди.
Олиб боринг буни Туркман элига!

Гўрўғлибек ҳам бир сўз айтапти:

Худойнинг ишини энди нетаман,
Ҳақ хоҳласа муродима етаман.
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг ўзима,
Қанот бойлаб ўзим учиб кетаман!

Антоҳур майндан пича ичаман,
Уруш куни қора қонлар кечаман.
Жавоб беринг ўзгинама, отажон,
Туйғун қушдай илдам учиб кетаман!

Ҳамиша дуо қинг ота, ҳолима,
Қарчиғайни чуйсам Болли кўлима,
Бир соатга қолмай Евмит етаман,
Яшиндан ҳам илдам учиб кетаман.
Омин деб дуо қинг, менга отажон,
Евмит элга бир фаслда етаман!

Шунда Раҳмат пари Гўрўғлига қараб айтди:

— Бориб, Гўрўғли фарзандим, ҳовли-повлиларингни
супуртиб «меҳмон келади» деб чоғланиб ўтир. Ўзим Юнус-
ни етказаман орқангдан. Эшитаман, ўзбекларнинг лойдан,
ғиштдан, ҳар жойга бир болор қўйган, устига янтоқ босган
лэчиқ уйи бўлар эмиш. Тагин бирдан сен билан юрсам.

¹ Евмит ва Туркман халқлари назарда тутиляпти.

Юнусжон бу уйингга кирмай, «мен сенинг билан умр ўт-
каргунча, ўлганим яхши» деб кўнгил қоралаб, ғурбат пай-
до қилиб ўтирса, ҳеч иш чиқмас. Бир ҳасрат ортгандан
кейин бу ишни жойига келишлиги мушкул бўлади. Юнус
кўп бир таваҳати яхши қиз. Тагин жанжал қилиб ўтирса,
иш ўхшамас. Ўзингга яраша анжом-асбоб қилиб, уни ўзим
бир кун элингга оп бориб қўяман. Хайр бўлмаса,— деди.
Гўрўғлибек ваъдалашиб, хўп омонлашиб, Кўйи Қофнинг
даш(т)ига чиқиб, Самандар девнинг жунидан тутатди. Са-
мандар дев жуннинг исини олиб, жони чиқиб бечора ҳаш-
паш дегунча, Гўрўғлининг олдига келди.

Ана энди Райҳон подшодан эшитмак дарқор, Евмитга
араблар жўнаб келаяпти.

Араб биткан жонни сотди,
Илдам Райҳон араб оти,
Қуртдай қайнаб араб биткан,
Евмит элига йўл тортди.

Шамол турса жунини қимиллатти,
Соқоли ёнбошқа ўтди,
Барқирашиб, гуркирашиб,
Гана ерда тирқирашиб,
Тилига ўзбек тушмайди
Евмит шаҳрига йўл тортди.
Ғулдирашиб, чулдирашиб,
Узун соқол силдирашиб,
Мисли ўтдайин туташиб,
Чигирткадай қимирлашиб,
Қошин жуни кўзга тушиб,
Шод калтагини олишиб,
Боғин билакка солишиб,
Буркираб араб жўнади,
Гуркираб араб жўнади,

Тарафга савдо солгани,
Евмит шаҳрини олгани,
Зер билан забар қилгани,
От қўйиб араб жўнади.

Тибити салла бошида,
Юра-юра Райҳон подшо,
Келди Тажаннинг бошига.

Ҳамма ерни тўзон тутди,
Чўпонларнинг подачиси,
Евмит элга ёв келди деб,
Темирхонман Аҳмадхонни,
Тезда хабардор этди.
Туркман элга, ҳар уруққа
Беками кўст хабар кетди.

Чалқиди Ойдиннинг кўли,
Тушмасин ўлимнинг хили,
Ғулғула тушди шаҳарга,
Талатўп Туркманнинг эли.

От топган юган топмас,
Юган топган, от топмас,
Хотин-халажлар қўрқишиб,
Маҳкам бўлиб бирикшиб,
Ботирнинг юраги шошиб:
Кўрқоқлари «ўлдинг» дейишиб,
Калтақларини тўлағишиб,

Олисда қолган одамга,
Кўлларини булғашиб,
«Ёвнинг ичида қолдик», дейди,
«Ажал етмай ўлдик», дейди,
«Бир балога қолдик», дейди.
«Ҳар иш бўлса бўлдик», дейди.

Араб биткан ғайрат этди.
Сол бойлаб Тажан дарёдан
Ғайрат қилиб бари ўтди,
Хохолашиб чақчақлашиб,
Туркман элни кўзга илмай,
Ўзи билганидан қолмай,
Насиҳатни асли олмай,
Жўнади араб Евмитга.

Райҳон араб лашкар тортиб
Келди Асқарнинг тоғига.
Шол-калтақларин ушлади,
Араблар вақтин хушлади,
Райҳон подшо келиб тоғда,
«Дам олинглар бугун!»— деди.

Семиз молик қувиб келиб,
Ўлжани мўл қип ташлади.

Мол биткани тинмай сўйиб,
Араб биткан гўштга тўйиб,
Туркманни ҳам шуйтиб сўй деб,
Араб вақтни хушлаб олди.
Бошмалдоғин тишлаб олди.
Элсарида қоровулни,
Райҳон подшо йигитлари,
Кўриб қолиб ушлаб олди.

Қамчилаб бошига чолиб,
Яёв от олдига солиб,
Кўрмаган кунни кўрсатиб,
Райҳон подшонинг олдига,
Банди қилиб олиб келди.

Энди гапни евмитликдан эшитмак керак. (Райҳон араб)
Темирхоннинг қоровулидан йигирма йигитни банди қилди.
Иш ёмонга айланди. Ҳамма қочиб, тоққа чиқиб кетди.
Ана энди Темирхон, Такабеги Замон одамларни йигиб,
ҳар кўзи чироқдай ёниб, бир сўз айтаяпти:

Бизларни ўртади арабнинг хяли,
Бемаҳал сўлмагай боғларнинг гули.
Ҳамманг бирдай бунча жондан қўрқасан,
Сўзима қулоқ сонг Туркманнинг эли!

Ўзингга аёнди(р) қайтайин ҳолим,
Жун босган арабдан бунча қўрқасан,
Эр кишига икки номус бир ўлим?!

Ебир-есир қилинг Ширвон элини,
Бўлиб онглар билқиллаган молини.
Уламан деб асло қўрқманг ёронлар,
Қора қинглар арабларнинг ҳолини

Ғажирларга тортиринглар гўшини,
Майдонда кўр Така Замон ишини,
Ханжаримни сертаб урушга кириб,
Сапчадайин кесиб ташлай бошини.
Асло қўрқманглар арабдан!

Лашкар йигинг ҳар тарафдан!
Оч бўридай кир майдонга,
Асло қўрқманглар арабдан!

Маза чиқар айтган сўздан,
Омон ўтинг қиши ёздан,
Ханжарни олсам қўлима,
Калласини сапчадай қип
Уруш куни кесмак биздан.

Сомондай қилинг юзини,
Йилтиратинглар кўзини,
Бўри эчки қувгандайин,
Қувиб кетинг арабларнинг барини!
Ғорат қилиб келинг Ширвон шаҳрини!

Эр йигитлар айтган сўздан тоями?
Душман десам юрак-бағрим куями?
Қариндошлар асло қўрқманг арабдан,
Қўлингдан келганин қилгил, аяма!

Арабларнинг йўлини тўсинг,
Ханжарни белларга осинг!
Банди қилиб арабларни,
Қулоқ-бурунларин кесинг!

Одам шуйтиб бино бўлган
Ажал етган ҳар кун ўлган.
Қўрқсанглар баринг арабдан,
Туркман бўлганлигинг ёлғон.

Ўзбек қўрқоқ деб эшитган,
Ёвмитни оламиз дейишган,
Сирингизани билган араб,
Ё ўлинг, ё ўлсин тараф.

Шу гап билан ҳамма йиғилган қора кўзлар, юрагини босиб олди. Ҳар қайсиси бу гап билан қувват пайдо қилди; «Ҳай, асли бир куни бўлмоқ, бир куни ўлмоқ. Кучи бор хотинларни ҳам оп чиқамиз урушга. Рост гап, айтган гапи»,— деди. Ҳаммаси чоғланиб якдил бўлди. Гала хотинлар панжарадан қараб, Темирхоннинг маслаҳатига қулоқ солиб ўтирибдилар. Шунда Темирхоннинг хотини турган эркакларга қараб бир сўз айтаяпти:

Азроил чанг урар тандаги жонга,
Аёлнинг кийимин кийинг ҳаммангиз,
Эркак бўлиб салла ўраб юргунча,
Бўлмаса бизлар борайик майдонга.

Эркак бўлмай хотин бўлсанг бўлмасми,
Душман устингизга ёвлаб келгунча?
Мард кишига икки номус бир ўлим,
Бу кунингдан баринг ўлсанг бўлмасми?
Эркак бўлмай хотин бўлсанг бўлмасми?

Қулоқ солинг жами беқлар сўзима,
Ҳаммангизга энди ўлим лозим-а,
Аёл кийимини кийинг ҳаммангиз.
Подшолик жиғасин санчинг бошим.
Анжом-асбобларни беринг ўзима!

Эркак кўринмай кетинглар кўзима!
Устингизга душман ёвлаб келгунча,
Тириклайин гўрга кирсак бўлмасми?
Ҳаммангизга ёппа ўлим лозим-а.

Олло деган муродига етади,
Тўрғай чулдираб, тонг сарғайиб отади,
Бул қўрғонга баринг қочиб киргунча,
Урушда чопилиб ўлсанг қайтади?

Хотинларнинг гапи бежойин ўтди,
Ёмон гапни шоҳнинг хотини айтди.
Зардаси бор сап йигитлар ғайрат қип,
Жавобга қарамай минди отига.
Хом деб қарамайин отнинг бетига,
Қулочлаб қамчи уриб отнинг этига,
Ғулғулалар солиб Туркман юртига,
Шердай бўлди Туркман элининг ботири,
Темирхоннинг белбоғида шотири.
Бу аёлнинг гапи ўтди бежойин,
Ёппа кетди Туркман элининг ботири.

Карнай-сурнай бежой қаттиқ тортилди,
Ҳар тарафдан жазоиллар отилди,
Тоғ тоғнинг устига чиққан одамлар
«Ол ёв келди» деб тўп-тўп бўлди.

Каллидан, Маридан, Қизилдан, Урганчдан, Элсари-
дан — ҳар тарафдан Туркман келиб тўп бўлди. Ана энди
можаролар, гулгула фалакка ўрнаб, бояги хотиннинг гапи
ёмон ўтган экан, Аҳмад сардор Айлоқ тепага чиқиб бир
сўз айтаяпти:

Қилич серманг, қон тўкилсин,
Асқар тоғининг остига!
Уламан деб асло қўрқманг,
Югур душманнинг устига!

Тўкилсин душманнинг ёши,
Қузғунларга емтик бўлиб,
Ейилсин арабнинг гўши,
Бўлсин Рустамнинг саваши!

Кесилсин арабнинг боши,
Кетсин бошдан ақл-ҳуши,
Чиқмасин ҳеч бир товуши,

Парвоз қилсин қўлнинг қуши!
Бел бойлаган эрдай бўлиб,
Карвон тортган нордай бўлиб,
Арқираган шердай бўлиб,
Асли қўрқмай бирдай бўлиб,
От қўй арабнинг устига!

Ажал шарбатин ичиринг,
Кафан тўнини бичиринг,
Уриб бошин учиринг,
Етган жойидан кўчиринг,
От қўй арабнинг устига!
Қилич солинг, қон тўкилсин,
Асқар тоғнинг пастига!

От қўйинг ҳар ён, ҳар ёндан,
Минг бир ёндан, минг бир ёндан,
От қўй душманнинг қасдига!
Қилич солинг қон тўкилсин,
Асқар тоғнинг пастига!

Ана энди Темирхон ўпкаси тўлиб, ранги гулдай сўлиб
бир сўз айтаяпти:

Сув тубинда дейди одам обини,
Урушга минманглар ёмон ёбини
Отингдан айланай парвардигорим,
Ўзинг ушла қилгичининг сопини!

Ким минса шу билар отнинг тобини,
Сайис билар яхши отнинг бобини,
Отингдан айланай Ҳазрати Одам,
Отам, ушланг ханжаримнинг сопини.

Минганман мен ўзим чин яхши отни,
Райҳон келиб Туркман эли чувлатти,
Отам деб ёд ётдим қазрати Довуд,
Пирлар ушла ханжаримнинг сопини.

Талатўн бўп қолди Туркманнинг эли,
Ҳеч кимга тушмасин ўлимнинг хили,
Ораласам шу майдоннинг ичига,
Менинг қўлим эмас, пирларнинг қўли.

Томоша айланг ўзбек бегин ишини,
Улганларни ғажиб тортар гўшини,
Омин деб фотиҳа тортиб Темирхон,
Майдонга қаратди отнинг бошини.

Райҳон подшо ҳам арабларига қараб, бир сўз айта-
япти:

Эшитинглар Райҳон араб тилини,
Сўлдириглар очилганда гулини
Қаддингдан кетайин ботир араблар,
Ебир-есир қинглар Туркман элини!

Не кунларни Аҳмадбекка солинглар,
Ой Зайдинни бориб олиб келинглар!
Хотин-қизин ўлжа қилиб Туркманнинг,
Ширвон бориб хотинсизга бўлинглар.
Ўл-ўлгунча бир ёдгор гап бўлсин!
Ёмон гаплар Аҳмадбекка солинглар,
Ҳарна борин ўлжа қилиб олиглар!
Одамларин ўлдириглар ҳаммасин,
Бежой қиринг туркманларнинг ҳаммасин.

Муллаларда савод бўлса хат қолсин,
Диловордан то ўлгунча дод қолсин!
Емон савдо солинг Евмит шаҳрига
Ул-ўлгунча араблардан от қолсин!

Ҳайдаб кетинг ёйилиб юрган молини,
Емон қилинг Евмит элининг ҳолини,
Ё ўлинглар, ё олинглар Евмитни,
Теп-текис қилинглар Евмит элини!

Ҳеч қайтмасдан Евмит шаҳрига етинг,
Қўрғонини бориб туриб қулатинг!
Ораланглар бориб шаҳар ичига,
Ой Зайдинни эсон-омон оп қайтинг!

Зўр-зўрига қўяберинг ўзимни!
Соғинганда ғам сарғайтди юзимни,
Емон кўринганин уриб ўлдиринг,
Эсон-омон олиб қайтинг қизимни!
Ё ўлинглар, ё олинглар Туркманни!

Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,
Ўзим келдим Туркманларнинг қасдига.
Еппа от қўйинг Евмит элининг устига!

Томоша айланг арабларнинг ишини,
Кўрқоқлар қочирди ақл-ҳушини
Араб биткан чувиллашиб ҳаммаси,
Евмитга қаратди отнинг бошини.

Осмонни тўзон тутди,
Ерлар тебраниб кетди,
Одамнинг шовқинига,
Қулоқлар чиппа битди.
Туркман араб лашкари
Бир-бирини танимай,
Чўртта оралаб кетди.

Ханжарини сермашди,
Ботирлар қайнаб тошди.
Қўрғоннинг ақли шошди.
Осмондан ажал тушди,

Калла дўлдайин учди.
Уликлар дингиллашди,
Оёқ ерни тепишди,
Чин ботирлар отларни,
Ҳар тарафга чопишди.

Ажалли ўққа учди,
Марги буврон ёпишди,
Тупроққа қон тармашди,
Оралаб от қўяди,
Соқоллар диркирашди.

Қизиб кетди одамлар,
Энди кел-ҳа дейишди.
Елкалари қизарди,
Ажал тўнин кийишди.

Отни илдам жил-ҳа, деб
Кўтар ханжар сол-ҳа, деб,
Майлинг бўлса кел-ҳа, деб,
Ажал етган ўл-ҳа, деб.
Лашкар босди даста-даста,
Уруш бўлди чапараста.

Ҳар сурилиб қувишади,
Гоҳи дўнгда, гоҳи пастда,
Уруш кўрмаган ўзбеклар,
Бўп қолди урушга уста.

Душман, душманга боқилди,
Ерларга қонлар тўкилди,
Мисли қиёматдай бўлди.
Осмонларни тўзон олди,
Гоҳ арабдан, гоҳ туркмандан,
Уликлар чалкашиб қолди.

Шохли милтиқ алаб-ялаб,
Ботир кўнгил истар талаб,
Олтин коса ажал шароб,
Ичилди майдон ичинда.
Ажалнинг қафан тўнлари,
Бичилди майдон ичинда.

Чўлда битган қилёқ ўтлар?
Ўзи ёниб, ўзи чухлар,
Захча кўзли доа бедовлар,
Чопилди майдон ичинда.

Оқ қорабош туғ сўлқиллаб,
Тикилди майдон ичинда,
Ажаллиси дўстуман бўп,
Йиқилди майдон ичинда.
Найза тегиб кировкалар,
Сўкилди майдон ичинда.

Бедов отлар оғзин очиб,
Қўлтиғидан парқин сочиб,
Ажаллиси ўққа учиб,
Думалаб майдон ичинда.

Кўрганларнинг ақли шошди,
Улик ўликка чалкашди.
Райҳон араб ҳам зўр экан,
Бир кеча кундуз урушди.
Кун ёйилар вақтида
Райҳон арабнинг қўшини,
Туғини ётқириб қўйиб,
Ярим тош кетинга қочди.
Чоғин олиб бир-бирининг
Ундан кейин айрилишди.

Айрилиб чанглари, қонларни сувга ювишию, ана
энди ўликларни кўмиб қўйди. Гоҳ ярим тош Райҳон араб
қувлади. Гоҳ куни Темирхон билан Аҳмадбек қувлади.
Энди булар кунда уришаверсин, гапни ой Юнус билан
Гўрўғлидан эшитмак даркор.

Кўйи Қофдан Гўрўғлибекни Самандар дев кўтариб
осмони фалакни давра олиб учди. Ҳар тоғларни устидан
учиб ўтиб тикка келиб Бало тоғининг устига ўзини ташла-
ди. Гўрўғли Бало тоғининг устига чиқиб, Евмитга қараса,
қизил, ола, яшил туман кўринди. Элда бир аломат пайдо
бўлгани билиниб, Самандар девга қараб бир сўз айтаяпти:

Билдим бир шаҳардан душман келипти,
Евмит элга кун қиёмат бўлапти.
Емон савдо, тарафлар кеп солапти.
Самандар дев менга бергин маслаҳат!

Ўйлаб турсам ишлар ёмон бўлипти.
Гўрўғлибек Юнусжонга кетипти,
Емон савдо — тараф келиб етипти.
Самандар дев менга бергин маслаҳат!
Элсарининг чўли чангиб ётипти.

Тўзони осмонга ўрлаб кетипти,
Душманнинг ким эканин билмадим,
Хай аттанг-а, бирор хабар олмадим.
Элсарининг чўли чангиб ётибди,
Дўстми, душманми қайтай билмадим.
Уруш куни ўққа учиб ўлмадим.

Урушга минганим чин бедов отим,
Худоё кетгай-да юракдан дардим.
Самандар дев менга бергин маслаҳат,
Қолмади танамда тоби тоқатим!

Самандар қулоқ сол сўзнинг ростига
Ботир йитит хашар бўғар дастига.
Тўзонни кўрдим-да кетди тоқатим,
Дарров юргин шу тўзоннинг устига!

Душман бўлса чўх савдолар солайик,
Ажал етса ўққа учиб ўлайик.
Дарров юргин шу тўзоннинг устига,
Нима бўлса, бориб туриб кўрайик,
Дўстми — душманлигин бориб билайик,
Дарров кўтар отим билан ўзимни,
Нима бўлса чорасини кўрайик!

Қулоқ солгин қайнигинам сўзима,
Душман тушган ўхшар менинг изима!
Душман бўлса бориб ҳимоят бергин
Бўлишгин жон қайним менинг ўзима!

Қулоқ солинг сўзнинг ёлғон-ростига,
Томоша айланг бу сўзнинг пайвастига!
Гўрўғлиман Ғиркўк отни кўтариб,
Тикка юрди шу тўзоннинг устига.

Самандар дев бечора жонни сотди,
Чўлларни босипти унинг ҳайъати.

Хар хез қиайиб югурганда бечора,
Шу тўзонга қараб қинтийиб кетди.

Ким яхши, ким ёмон худо билади,
Юғрукка тумор, менманга балоди.
Шундайин қараса жами араблар,
Узун нарса бесўнақай келади.

Қўйнидан чиқариб бир тошни отди,
Енғоқдай думалаб олисга кетди.
Райҳон қўшинининг устидан етти,
Кўп қўшинни майда қип эзиб ўтди.

Икки қўшиннинг ақлини шоширди,
Гўрўғлининг юраклари жўш урди,
Бекоранги ўдиб кетди кўп қўшин,
Гўрўғлини энди отдан туширди.

Куйсин ўлим ким чидайди хилига,
Қорабош ўрдаклар тиниқ қўлида.
Яшайин мардона деди Гўрўғли,
Миниб олди Ғирқўк отнинг белига.

Ханжарни Гўрўғли олди қўлига,
Яқинлашиб қолди Туркман элига.

Самандар дев бир сўз айтаяпти Гўрўғлибекка:

Бошима тушипти дарёйи уммон,
Қаҳрлансам қилай барини вайрон,
Арзима қулоқ сонг тақсир жезнажон,
Қараб турсам бунинг бари мусулмон,

Сен билмадинг қайнигинанг тош отдим,
Кўп одамни тошим ўлдириб кетди.
Уруш, қандай одамлигин билмадим,
Бекоранги кўп одам ўлиб кетди.

Қараб турсам бари ўзи мусулмон,
Буни кўриб менинг ҳисобим йитди,
Ихтиёр ўзингда энди жезнажон.
Эшит дейман Самандарнинг зорини,

Кўриб келдим Бало тоғнинг ўрни.
Агар менга жавоб берсанг жезнажон,
Улдирайин шу қўшиннинг барини.

Билмаганин билдир десанг билдирай,
Яна бориб кўп девларни келтирай.
Ихтиёр ўзингда энди қариндош,
Хар иш қилиб мен кўнглингни тўлдирай.

Улдир десанг ўлдирайин барини,
Ихтиёр ўзингда энди қариндош.
Бир нечасин ўйиб ташлай кўзини,
Ҳазил билма Самандарнинг сўзини,
Ихтиёр ўзингда Гўрўғли шоҳим,

Гўрўғлибек Самандар девга қараб бир сўз айтаяпти

Худонинг ишини энди қайтайин,
Уликларин бов биғдайдай чотайин,
Мен сенга айтаман энди нухасин,
Бўйни жуналисини узиб ўлдиргин!

Хар тарафга ўзгинангни жилдиргин,
Гўрўғлининг кўнглин энди тўлдиргин,
Соқоли ўсигин, сатта жуналисин,
Калтак билан ўзинг уриб ўлдиргин!

Ширвон элдан Райҳон подшо келипти,
Ёмон савдо энди билсам солипти.
Энди билдим сап жун босган араблар,
Ширвоннинг элидан тараф келипти.
Булбул учар тоза боғнинг гулидан,
Билиб қўйдим тарафимни Самандар,
Араб ёвлаб кепти Ширвон элидан.

Йўқлигимни Райҳон подшо билипти,
Лашкар тортиб Ёвмит элга келипти.
Уйласам ўзима қасд бўлипти,
Ҳай аттанг, кўп одамлар ўлипти.

Соқоллари ўсик жунали араблар,
Элатимни тошдай қамаб олипти.
Ҳой аттанг, кўп одамлар ўлипти.

Чидаб бўлмас душмангарлик хилига,
Хар ким куйнади ўсган элига,
Упкалари тўлиб энди Гўрўгли,
Миниб олди Гиркўк отнинг белига.
Яланғочлаб қилич олиб қўлига.

Ана энди Гўрўглибек отнинг белига миниб, таваккал-
ни тўла син деб, (Самандарга қараб) бир сўз айтаяпти:

Боғ оралаб гулдан тергин,
Не иш бўлса баҳам кўргин,
Ноҳақдан ўлмасин ҳеч ким,
Ўзим билан билла юргин!
Доим қаватимда тургин!
Ўлдир деганимни ўлдир,
Кўп ўлдирмай банди қилгин!

Гўрўглибек жон сотди,
Отига қамчи тортди, 8кр
Самандарман иккови,
Банги баҳайбат тортиб,
Булут чўккандай бўлиб,
Кўп қўшиннинг ичига,
Чопиб оралаб кетди.

Бу қўшиннинг тўзони,
Осмонга чиқиб кетди,
Одамларнинг шовқини,
Худди симобдай қилиб,
Тоғи даштни тебратти.

Дўст-душманлик билинмай,
Гўрўглиман Самандар,
Маст бўлиб, гуркираб,
Хар тарафга илдам от,
Қочаверди тирқираб.
Гоҳ сарийё отиб,
Каманни яхши тортиб,
Жазоил шоҳли миатиқ,
Пилтасини тутатиб,
Ўқларни зингиллатиб,

Гоҳо тошларни отиб,
Нари-бери сурилади.
Еппа-ёвлик от қўйиб,
Одам бежой қирилади.

Чўл тарафи ўр экан,
Баланд-баланд қир экан,
Райҳон араб баччағар,
Ўзи жуда зўр экан.

Ўлик чалкашиб қолди.
Ажали етган ўлди.
Самандарман шул Райҳон,
Иккови дуч кеп қолди.

Иккови калтаклашди.
Нари-бери суришди,
Кўрганнинг ҳуши қочди,
Райҳон отидан тушиб
Панжама-панжа бўлиб,
Хирпиллашиб олишди.
Тинмай уч соат урушди.
Бирдан Ёвмит одами,
Гўрўгли кепти дейишди.

Кийимлар чанг бўп кетди,
Тупроқларга қон қотди,
Шердай бўп Ёвмит шаҳри,
Еппа оралаб кетди.
Самандарнинг олдига,
Гўрўгли қистаб етди.

Райҳон араб мўралаб,
Битга тошни саралаб,
Самандар оёғига,
Зарб билан ёмон отди,
Самандарнинг тўпиғи
Аттанг-а тойиб кетди.

Ажал етмаса шундай.
Самандарнинг қўлидан,
Райҳон қутулиб кетди.
Бедовлар оғзин очди,
Илдами қушдай учди.

Жон деганинг ширинди,
Райхон подшо отланиб,
Араб биткан тиш-тишдан
Ширвонга қараб қочди.

Темирхоннинг одами,
Арабларнинг ортидан,
Телпақлари қирдай бўп,
Бариси қувиб тушди.

Соқоллари киндикка тушиб,
Шамолда елкадан ошиб,
Араб биткан «ўлдинг» дейишиб,
Аттанг-а, Гўрўғлибек,
Самандарга айланиб,
Олдидан кетмай қолди,
Самандар майиб бўлди.

Улдирарди арабларнинг барини.
Ўлжа қилиб олди ҳарна борини.
Самандар дев майиб бўлмагандайди,
Пати қиб келайди Ширвон элини.

Самандар дев қиларди кўп ишни.
Райхон подшо арабларман ўлдинг деб,
Жони ширин Ширвон элига қочди.

Туркман эли сардорлари йиғилиб,
Гўрўғлиман саломлашиб кўришди.
Араб биткан жунгинаси ялпираб,
Тажан дарёсига бари етишди.

Араблар шикаст топиб, ортиб келган анжом-асбоблари қолди Гўрўғлибек билан ҳаммаси кўришиб-сўрашиб ҳалиги молларни бир жойга тўдалади. Ана ўликларни кўмиб туя, қўй, ҳўкиз сўйиб ош берди. Араблар қочиб, Ширвонга кетди. Гўрўғлибек Темирхоннинг тахтига миниб, ўлжа молларни уруғ-уруққа деб бўлиб берди. Ана энди кўнгли дилжам бўлиб, Ёвмит элига Гўрўғлибек уч кун тўй-томоша бериб, ўз ишида бўлди.

Самандар девнинг оёғини табибга қаратди, бир кунда тузалди, ўлмади. Гўрўғлининг хос хизматкори Самандар

дев бўлди. Райхон араб билан тарафлиги қаттиқ бўлиб қолди. Булар бу ерда тураверсин, энди гапни Кўйи Қофдан — ой Юнусдан эшитмак даркор.

Ана энди Раҳмат пари, Қария парига қараб бир сўз айтаяпти:

Қизим кетса сарғаяди сиёғим
Соғинганда уйилади қовоғим.
Юнусжонни қайин юртга топширсак,
Маслаҳат бер энди менга қаллиғим!

Боргандан қай уйи ёмон бўлмасин,
Юнусжоним ҳай аттанг деб қолмасин.
Аввал бу гапларни маслаҳат қилсак,
Арав уриб, кўнгилисиз бўп қолмасин!

Узатиб борган сўнг яхши тўй қилсак,
Узатмайин маслаҳатман ўй қилсак,
Юнусжон борган сўнг жанжал қилмасин,
Яхши ҳовли, яхшигина жой қилсак.

Неча тоғдан ой Юнусни оширсак,
Тарафларнинг ақлларин шоширсак,
Аввал маслаҳатни бергин бойвучча,
Ой Юнусни қайин юртга топширсак!

Катта дарё тўлиб-тошиб турсин,
Юнус қизим тейганиман қарисин,
Яхши ҳовли, яхши ватанлар қилсак,
Вой аттанг-а, кўнгилисизлик қурисин!

Гулшан боғдан терсак тоза лоламини,
Ҳақ ўртамагай-да гулдай танамни,
Бойвучча ўзима бергин маслаҳат,
Узатайик энди ёлғиз боламини!

Худо қилсин ой Юнусга марҳамат,
Қилгайсиз ҳамиша фарзандга шафқат,
Юнусжонни юборайлик Ёвмитга,
Қаддингдан сен бергин менга маслаҳат!

Қария пари қуллуқ деб жойидан туриб, қизликдаги қилиқларини танадан тебратиб олиб, Раҳмат парига қараб бир сўз айтаяпти:

Давлатлисан, ишонаман сўзингга,
Кучинг кўпдир, ҳеч ким тушмас изингга.
Хушвақт қип чақиргин Юнус жонимни,
Не қилсанг ҳам ихтиёр, майлинг ўзингга!

Нима бўлса озроқ қилманг, мўл қилинг,
Юнусжоннинг ётар ерин гул қилинг.
Хушвақт қип чиқаргин буни уйимдан
Ой Юнуснинг вақтларин хуш қилинг!

Яхши ҳовли, яхши уйларни солинг,
Давлатлисиз ҳар қанча бўлса қилинг!
Кўрган одам яна кулиб кетмасян,
Эл томоша қиладиган иш қилинг!
Юнусжоннинг тоза вақтин хуш қилинг!

Ёлғиз қизнинг раҳм айлангиз ҳолига,
Қора бош ўрдаклар Ойдин кўлида.
Томоша қилгудай иморат қилинг,
Олиб бориб қўйсак Ёвмит элига.

Йўлиқмасин ҳеч бир одам қаҳрига!
Подшо чидамайди душман захрига.
Сепу сириқ кўрпа-тўшак мўл қилиб,
Юборайик энди Ёвмит шаҳрига.

Яхши уста ҳар тарафдан келтиринг.
Анжом-асбобини қўлга олдириг!
Гулдан томни Юнусжонга қилдириг,
Қиз ҳам бўлса ота-энага қувватди (р),
Узингиздан чўртта кўнглин тўлдириг!

Кўнгилдан зиёда ишлар қилдириг!
Яхши иморатлар, ҳовли қилдириг!
Тупроққа ағнаган чанг бўлиб турар,
Давлатлига нима деган гап турар?
Ҳовли-жойдан чўртта кўнглин тўлдириг!

Ана энди Раҳмат парига бу гап хуш келиб, ҳар ранг
усталарни йиғдириб, ҳовли, иморат, гул томларни қилдириб,
Юнуснинг кўнглини тўлдириб, ҳар иморатлар қилди, ус-
тунлари пўлатдан, вассалари зумраддан, машғаллари ёқут-
дан, нақшлари марвариддан, қирқ эшикли маслаҳатхона
том қилди. Қирқ қатор ҳужра қилди. Иморат ҳеч ақлга

тўғри келмайдиган бежой яхши бўлди. Беш юз жевахона
қилди. Уч юз тўпхона қилди. Икки юз саксон ошхона қил-
ди. Тўқсонта мол сиғадиган қўшхона қилди. Икки юз ўттиз
битта мирзалар битадиган ишхона қилди. Яна қизлар ўқий-
диган бир мактабхона солди. Энди қайси бировин айттайлик,
подшоликда даркор нарсанинг бари бўлди. Энди Юнус-
жонни узатмоқ керак. Карнай-сурнай тортиб, тўй қилди.
Ана шуйтиб Ирамнинг боғидан, Кўйи Қофдан одам биткан,
пари биткан йиғилиб жуда катта тўй бўлди. Бир тилла
тахт ой Юнусга қилиб, ана энди Қария пари бир сўз ай-
тапти:

Дев, парилар йиғилишиб келинглаар,
Юнусжоннинг айтганини қилинглаар!
Нима деса хизматида бўлинглаар!
Йиғилишиб, тақсирлашиб ҳаммангиз,
Ёвмитнинг элига олиб боринглаар!

Агар Юнусжоннинг кўнгли тўламаса,
Тагин-а бу ерга олиб келинглаар!
Эшитинглаар дев, парилар сўзимни,
Сизларга қиламан неча нозимни.
Хуши хушвақт қилиб Гўрўғлибекка,
Узатиб боринглаар ёлғиз қизимни!

Кетқаринглаар Юнусжоннинг ўйини!
Ёвмит бориб, катта қинглаар тўйини!

Ҳар қайсингиз даркорликни кўтаринг,
Неча тоғдан ихлос уриб ўтқаринг,
Ёвмит элга пошшоларинг етқаринг!
Қизиқ қилиб Юнусжоннинг тўйини,
Беш-олти кун юриб тўйин ўтқаринг!

Бедовга ярашган тилла тўқаси,
Ёмғирман кўкарар даштнинг гиёси,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Юнус кетса мен бўларман беқарор,
Узинг бўлгин Юнусжоннинг акаси!

Ҳар замонда оп келинг Ёвмит элидан,
Ёмон гап чиқмасин тағи тилидан!
Учқовинг бўл ой Юнуснинг акаси,
Хабардор бўнгиз Юнусжоннинг ҳолидан!

Кунда-кунда ҳолий сўраб туринглар,
Юнусжоннинг хизматида юринглар!
Евмит бориб, яхши хизматлар қилиб,
То ўлгунча биргалашиб туринглар!
Ҳар қайсингиз кўтаринг, ҳар нарчасин,
Яхши хизмат, яхши шафқат қилинглари!

Душманларнинг ақллари шоширинг,
Кўрганларнинг юрагини тоширинг!
Ҳасан Чопсон сен ўзинг бўлгин маҳрам,
Ой Юнусни қайин юртга туширинг!

Билмаганин ой Юнуснинг билдирди,
Хушвақт қилиб мийрига кулдирди.
Кетар бўлди Юнус Евмит юртига,
Тилла тахтга ой Юнусни миндирди.

Балхи рўмол пириллайди бошида,
Ўсма қошда, тишқолиси тишида.
Баракалла Гулқизжонга ёронлар,
Турипти Юнуснинг ўнг ёнбошида.
Неча пари Юнусжоннинг қошида.

Ҳаммалари лабларини тишлашиб,
Бўйинларига қўлларини ташлашиб,
Ҳазиллашиб, баданидан ушлашиб,
Евмит элга борамиз деб Гулқизжон,
Чўртта ҳаммалари вақтин хушлашиб.

Езнинг кунни эрир тоғларнинг қори,
Хув деса кетади юракнинг чери.
Қизгалдоқдай яшнаб Кўйи Қофдан,
Лола гулдай бўлиб киришинг пари.

Айта берсам адо бўлмайди сўзлар,
Йигилишиб ҳурдайин бўта кўзлар.
Узатамиз Юнусжонни дейишиб
Йигилипти ўрта қўлдайин қизлар.

Саратон юлдуздай икки кўзлари,
Одамни ўртайди айтса сўзлари,
Ойга ўхшайди тинжираган юзлари,
Йигилишиб келди Кўйи Қофдан,
Хурга ўхшаган Кўйи Қофнинг қизлари,

Кўрганларда сира бўлмас ваҳмлар,
Кимнинг эси бўлса гапни фаҳмлар.
Ой Юнусни узатамиз дейишиб,
Йигилишиб кепти сатта ойимлар.

Худо раҳм айласин ҳамма қулига,
Булбуллар маст бўлар шамшод гулига
Сўналар маст бўлар Ойдин кўлига.
Еп-ёруғ бўп гулдай яшнап парилар,
Борамиз дейишиб Евмит элига.

Раҳмат пари бир сўз айтаяпти девларга қараб:

Ҳасан Кўлбар карашмам бор, нозим бор,
Елгизгина ой Юнусдай қизим бор.
Дуо қилай олиб боринг Евмитга,
Ҳасан Чопсон айтадиган арзим бор.

Бормикан дунёда бир бағри бутун?
Ҳам улимдир, ҳам қизимдир фарзандим,
Хабардор бўл, яхши гапдан еткаринг,
Юнусжонни ҳаммангизга топширдим!
Кетар бўлди ой Юнусдай фарзандим.

Соғинганда хилинг ўзима ёмон,
Қайтайин дунёси тушсин бепоён.
Қиз деганинг бир одамнинг йўлдоши,
Болали-чақали бўлгин, Юнусжон!

Очилар боғларда гулиман гунча,
Юракларда ғам кўп, дард билан анча,
Худо фарзанд кўп берсин, Юнусжон,
Евмит элга бориб бўлгин бойвучча!

Ҳар замонда келиб кетгин уйима,
Шерик бўлгин кўнглимдаги ўйима!
Ҳар жойда эсон юрсанг бўлади,
Худойим солмасин сенга ваҳима!
Манглайингни худо очсин фарзандим.

Соқолини Раҳмат подшо силайди,
Узатар бўп ой Юнусни Евмитга,
Фарзанд деган қандай ширин дунёда
Юнуснинг отаси бўзлаб йиғлайди.

Узатар бўп ой Юнусдай қизини,
Хўрсинипти, айтолмайди сўзини,
Ой Юнуста қараб ўқиб йиғлайди,
Вой болам, деб тўхтатомай ўзини.

Қайгу-вахм кетиб Юнус ўйидан,
Давлатли одам сира қайтмас раъйдан.
Энаси шўр, вой болам, деб ўксиниб,
Хўрсиниб, қизим деб, турди жойидан.

Ҳеч банданинг куймагай-да кулбаси,
Синт билан сипариш қилган сийнаси.
Елғизгина ой Юнус деб йиғлайди,
Ҳижрондан бетоқат бўлиб энаси.

Қоши қора — дарёларнинг қундузи,
Кўзлари сурмали, осмон юлдузи,
Упкасини босолмайин бўзлайди,
Ҳай аттанг, деб ой Юнуснинг канизи.

Юнус пари отасига, энасига қараб, бир сўз айтаяпти:

Ҳеч фарзандинг йўқди эна ортимда,
Шерик бўлдим қартайганда дардингга.
Кетар бўлдим Ёвмит элга мен ўзим,
Рози бўл энажон берган сутингга!

Олисдан кўрнар бедовнинг бўзи,
Қошим қора — дарёларнинг қундузи,
Кетар бўлдим оша юртга отажон,
Отажон, тузингизга бўлинг рози!

Тагин-а бўлмай сизлардан бегона,
Тақдиргинам менинг олисга тортди,
Омин денглар бирга юрган дугонам!

Баланд тоғда юрган доим пастларим,
Кўнглимда бўлаганди ҳавасларим.
То кўргунча дуода бўйи ҳаммангиз,
Орқамиздан бориб кенглар дўстларим!

Бўларман йўлларда мен ўзим пойиқ
Дарёларда сузар сол бинаш қайиқ.
Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча,
Омон бўнглар гала турган халойиқ!

Йиғлай-йиғлай ёш ёғилди юзима,
Ёруғ дунё булдирайди кўзимга,
Омин деб дуо қинг ёпта жамоат
Чини билая дуо қинглар ўзима!

Худо қилсин ҳар бандага марҳамат,
Қариганда бергай аркони давлат,
Худо берсин кишига қобил фарзанд,
Энди кетар бўлдим Ёвмит элига.
Омин деб дуо қинг турган жамоат!

Қулоқ сөнг, жамоат менинг додима,
Отам подшо экам мамлакатима,
Омин денглар сарвинозлар, дўстларим,
Омин деб дуо қинг менинг ҳаққима!

Ота-энам ўлмай юрсин ҳар жойда,
Тирик бўлса кўнгилгинам, туғим-а,
Йиғилишиб турган жами қора кўз,
Омин деб дуо қинглар ҳаққима!

Ҳаммалари туриб қўлини тутди,
Эсонлик ҳар бандага ғаниматди,
Парилар чувуллашиб туриб жойидан,
Юнусжонга ҳолис саяюлар айтди.

Энасининг сочи белига тушди,
Қора зулфлар ойдаи бетига чирмашди.
Энди кетарини билиб энаси,
Юнусжонга айланай деб тармашди.

Узатар бўп Юнусжондай қизини
Садақа деб тўхтатомай ўзини,
Искалаб, юзига қўйиб юзини,
Тўхтатолмас, айланай, деб ўзини.

Кетар бўлди Юнус Ёвмит элига,
Дод дейди париларнинг товуши.
Юнусжоннинг сочларини силайди,
Чечан одам гапни гапга улайди.
Юнусжонман билла юрган парилар,
Ҳай аттанг, ҳай аттанг, дейди, йиғлайди.

Қиёматча мард йигитнинг савашы,
От чопса шақирлар тоғларнинг тоши.
Юнусжонман қучоқлашиб кўришиб,
Тақдиргинанг олисга тортди дейишиб,
Омин дейди париларнинг товуши.

Кўрганларнинг суяклары шовшади,
Аттанг, ғамхона кўнгил жўшади,
Омин дейишиб лаъл мунчоқли парилар
Омон бўлгин Юнусжоним дейишади.

Ғангқиллаб учади кўлнинг ғозлари,
Одамни ўртайди айтса сўзлари,
Ҳар гапни билади, қайтай ўзлари,
Омин дейишиб дуо қилиб гирдида,
Омин дейди сатта сулув қизлари.

Отаси, онаси омин дейишиб,
Шул дамда фотиҳа тортди бетига.
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Беш юз пари билан бирга увалиб,
Жўнайверди Така Ёвмит юртига.

Кулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига
Ҳовли иморатларини ёронлар,
Кўйиб олди Ҳасан Кўлбар устига.

Чин сулувлар йигитларни бўзлатди,
Кўзлари юлдуздай қайнаб ярқиллаб,
Ҳасан Чопсон ой Юнуснинг посбони,
Ёвмит элга Юнусжонни узатди.

Ота-онаси йиғлаб қолди хўрсиниб,
Юнусжонни тилла тахтга миндириб,
Давра олиб парилар фалакка учди.
Ошиқ куяр маъшугининг хилига,
Гўрўғлибек париларнинг тилида,
Ҳасан Чопсон, Ҳасан Кўлбар якка бўп,
Юнусни узатди Ёвмит элига.

Бир нечанинг ақлини шоширди,
Кўрганларнинг кўнгиллари жўш урди,
Неча тоғдан, неча катта денгиздан,

Шони шавкат, неча иззатлар билан,
Уйин, чақчақ қилиб тоғдан оширди.

Кийиклар юради сувсиз чўлида,
Ой Юнусни Ёвмит элга узатиб,
Яқинлашди энди Ёвмит элига.
Йигит куяр дилбарининг хилига,
Биров тушмас бир одамнинг тилига.
Ой Юнуснинг бу ҳайбат-ҳашаматига,
Туман тушиб қолди Ёвмит элига.
Аста-аста бу фалакдан эндириди,
Пастга қараб Ҳасан Кўлбар кўндирди.
Тушлик ёқдан Юнусжоннинг ҳовлисин,
Ҳасан Чопсон хатларини ўқиди,
Хатин ўқиб ёзгандай қип кўндирди.

Йиғмоқчи бўп ҳар шаҳарнинг бегини
Кимга айтар юракларнинг ўйини.
Ҳасан Чопсон уста экан баччағар,
Яхши қилди ҳовлисимаан жойини.

Яхши бўпти деди вақтин хушлади,
Бошқа ботган ҳе жигини билдирмай,
Ҳасан Чопсон хўп ўхшатиб нақшлади.
Туркман эли у нима гап дейишди.
Ҳаммалари дод дейишиб бўзлашди,
Ёв келди деб бежойин кўп кўрқишди.

Кўрқоқлари торс тура соп қочди.
Одам битканнинг ҳуши бошидан учди.

Ана энди Юнус ҳайбат-ҳашам билан, дағдага билан
келди. Ҳамма ерни туман энлизила босиб қолди. Ҳасан
Чопсон ўзи шўхгина эди. Беш юз парига, Ҳасан Якдаста-
га қараб, ҳар мақом ўйинни қилиб бир маст қилди. Ҳам-
масининг кула-кула ичаги қотиб қолди. Юнус парининг
маст бўп, завқи келганини билиб, Ҳасан Чопсон бир от
бўп кишнади; Ёвмитнинг эли симобдай тебраниб қолди.
Шундай қараса туман кетди. Бир работ қалъа пайдо бўп-
ти. Ҳар тарафида тешик-тешик баланд иморатлар бор.
Энди Гўрўғлибекка хабар етди. Гўрўғлибек уйқудан тур-
ди. Дониёр деган бир чўпон Гўрўғлибекнинг олдига келиб
салом-алик қилиб, бир сўз айтаяпти:

Подшонинг олдида борди сипоҳи,
Тавба қилса ўтилади гуноҳи.
Тақсирим, арзимни айтай мен сизга.
Сўзима қулоқ сонг Ёвмит подшоҳи.

Узун-узун одам пайдо бўлипти.
Зилзилани шу одамлар қилипти:
Яхши работ, яхши анжомлар билан.
Тартибли бўп элимизга келипти.

Ё бахтми, бадбахтми ўзим билмадим,
Деворларин бежойин ўхшатипти.
Узун одам кечда қолиб ётипти,
Пойлаб кўрдим баланд тоғнинг устида,
Ҳангама қил, ўйин қилиб ётипти.

Давлатми, кулфатми ўзим билмадим,
Одамга ўхшайди билдим ўзлари,
Ун беш кунлик ойга ўхшар юзлари,
Учта узун одами бор олдида,
Ҳангамада вағирлашар сўзлари.
Дўстми, душманми ўзим билмадим.
Иморатин баланд ёғи ўр экан
Бежойин кўп сулув қизлар ичида,
Шу учови писиниб кўрдим зўр экан,
Дўстми, душманми ўзим билмадим.

Қараб турдим ўзим, гулларнинг нақши,
Ҳангамада сўз айтар шоир, бахши.
Кўриб туриб пок ўзим ўлай дедим,
Тилла тахт устида иккитаси бор,
Тақсир кўрдим бежойин ўзи яхши.

Тақсир-а, минволинг отнинг белига,
От-анжомни шайлаб олиб подшойим,
Туғишгандай кириб боринг ҳовлига!
Бежой қизиқ ҳангамаси, чақ-чағи.
Ундан кейин ўлдирса ҳам майлига,
Яхши одам кепти Туркман элига.

Кўрганимни айтдим сизга ҳаммасин,
Емон бўлса бериб келинг таммасин,
Яхши бўлса айтиб келинг ҳаммасин,
Яхши меҳмон кепти Туркман элига!

Бечора Дониёр кўрганини айтди. Кўрқинчли бўлиб
элга аросатлар тушиб кетди. Ана энди Гўрўғлибек Ёвмит-
нинг тахтига чиқиб жами мақомчиларни йиғиб, дастурхон-
ни ёйиб, ҳар турли овқатни уйиб, бир шодиёна қилинлар,
деди. Бир карнай-сурнай тортиб палапон, ногора уриб, Гўр-
ўғли ҳайбат-ҳашам қилди. Ёвмит эли симобдай ларзага
келди. Ҳасан Чопсон чопиб-чопқиллаб бориб Юнуснинг
олдида писиниб турди. Писиниб турганининг важи бор.
Париларда бундай бўлмас экан. Ҳасан Чопсон кўрқиб
қолди. Худди асов отга ўхшаб ҳуркиб қолди. Юнус қаҳ-
қаҳ уриб кулди. Париларда чапак чалув бор экан. Бари
чапак уриб, ҳангамани авжигга келтирди. Ҳасан Кўлбар,
Ҳасан Чопсон тариғиб қолди. Эсли қиз Юнус буни билди.
Ана энди ой Юнус Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Кўйи Қофда қолди боғ билан бўстон,
Уч ой ёз бўлар, уч ой зимистон,
Аввал қилдинг бу ишларни сен ўзинг,
Бу гапнинг ҳисобин қилгин, Гулқизжон!

Бу Ҳасан оғамиз билдим ном олди,
Инграниб ичлари ғамларга гўлди.
Бу ишнинг ҳисобин қилгин, Гулқизжон.
Ҳамма одам кўрқиб тебраниб қолди!

Ҳар тарафга Чопсонни елдиргин,
Ўрталикда душман бўлса ўлдиргин!
Ёвмит эли кўрқиб, ҳуркиб қолгандир,
Бориб туриб жезнангга билдиргин!

Отасидан шундай кўнгли тўлди, де,
Қария париман бир Раҳмат пари,
Елғиз қиз деб ҳовли, анжом-асбобни,
Кўйи Қофдан яхши қилиб келди, де!

Гўрўғлига бориб энди билдиргин,
Худо қўшган қаллиққинанг келди, де!
Елғиз қиз деб бежойин кўп сийлади,
Ҳовли, анжом-асбобларни қилди, де!
Рози бўлдим отам билан энамдан,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Улганинча бориб хизмат қил, деди.

Бориб билдир Гўрўглибек подшога,
Юнус пари дагдагаман келди, де,
Одам биткан у нима деб ҳуркмасин,
Шу анжомлар сизники деб билдиргин,
Душман деб тагин-а биздан қўрқмасин!

Бу ишнинг чорасин кўргин Гулқизжон,
Ҳамма одам сизга тобе бўлди, де!
Шу анжомни сизга атаб қилди, де!
Малол келмаса, Гўрўглибек келсин,
Тилла тахтли гулдай уйни солди, де!

Иморатлар бежой кўпди ҳовлида,
Шуйтибгина анжом-асбобни тахлаб,
Юнус пари Кўйи Қофдан келди, де!

Зумрад добил кўлга борсанг туйгин-чи,
Яхши кўйлақ, яхши мурсак кийгувчи!
Яхши гап доимо кўкай ўстирар,
Юнус ёринг келди деб подшойингга,
Бориб олгин Гўрўглидан суюнчи!

Усма қўйиб турай ўзим қошима,
Ҳамма қойил бўлсин қилган ишима.
Бориб билдир Гўрўглибек подшога,
Боргин, келсин Гўрўглибек қошима!

Билмаганин бориб билдир билмаса,
Очиқ кунда тоғни туман чолмаса,
Гўрўглибек келсин менинг олдима,
Тагина кўнглига малол келмаса!

Қулоқ солсин нима десам сўзима,
Банда бўлсин менинг ойдаи юзума!
Айтиб келгин Гўрўглини Гулқизжон.
Подшо бўлсин келиб менинг ўзума!

Ҳар ким ўз жони-чун қилар хайрни,
Отга берар арпа билан ийирни.
Гулқизжонни Юнус пари ёронлар,
Гўрўглига оп келгин, деб буюрди.

Томоша айланг Гулқизжоннинг ишига,
Сўзчи одам мирзасининг қошида

Яхшилиқ кун сира кирмас тушига,
Барақалла, Гулқиз пари, ёронлар
Қуллуқ деб кетди Гўрўгли қошига.

Гўрўглибек ўзи Кўйи Қофда ваъдалашиб кетиб эди.
Бу гапларнинг ҳаммасини билиб эди. Ана Гўрўглининг
энди хаёлига тушди. Шундай қараса Гулқизжон билан
Ҳасан Чопсон келаяпти. Гўрўглининг вақти хуш бўлиб,
қавми қариндошларига гапларни маълум қилиб, вазири
Темирхонга, Аҳмадбек тоғасига, ой Зайдин чечасига қа-
раб бир сўз айтаяпти:

Худонинг ишини энди нетайин,
Доим душманларман саваш этайин
Сўзима қулоқ сонг Темирхон вазир,
Бўлган гапни ҳаммангизга айтайин!

Йўқ бўлиб Кўйининг Қофига кетдим,
Самандарни миниб тоғлардан ўтдим,
Бирнасада Кўйи Қофга етдим.

Шамшод гул остида писиниб ётдим.
Гулқиз келиб қолди менинг устима.
Гулқизжонга ўзим сўзларни айтдим,

Келаётган ҳайла Гулқиз санамдир,
Биз билан Гулқиз ваъдалар этди,
Юнуснинг олдига ияртиб етди.

Кўнгилгинам қайнаб-қайнаб жўшганди,
Ақларим мусофир бўп шошганди.
Мен розиман, Гулқизжондан, қариндош,
Олиб бориб ой Юнусга қўшганди.
Қирқ кеча, қирқ кундуз қўйнида ётдим,
Кўйи Қофда ўзим хўп ишрат ётдим.
Мен сенга ростини айтсам қариндош,
Рози бўлдим Гулқизжондан мен ўзим,

Гулқизжонман ўзим ваъдалар ётдим.
Боғ оралаб гулни тераман, дедим,
Улмасам Евмитга бораман, дедим.
Ой Юнусни ўзинг узатиб борсанг,
Кўп нарсалар сенга бераман, дедим.

Айтган соат меъёр вақти бўлибди,
Буни кўриб рангим гулдай сўлибди.
Бунга монанд менда нарса бўлмаса,
Юнусни узатиб Гулқиз келибди.

Ажал етиб мендай одам ўлмаса,
Сап гардонкаш полвон қуллуқ деб турмаса,
Гулқиз санам суюнчи деб келганда,
Шунга берар менда нарса бўлмаса.

Шуни кўриб менинг рангим сўлади,
Сири ҳолим яратганим билади.
Ҳасан Чопсон, ўзи хоса маҳрамим,
Гулқиз ойим «суюнчи» деб келади.

Шунга монанд менда нарса бўлмаса,
Болам дерга энажоним бўлмаса,
Отажоним хушвақт бўлиб турмаса,
Гулқиз санам суюнчи деб келганда,
Шунга берар яхши нарсам бўлмаса...

Елғизлик қайтайин кўкайим кесди.
Қаллиққинам Кўйи Қофдан келибди,
Гулқизжонни кўриб кўп ваҳм босди.
Елғизлик қурсин кўкайим кесди.

Маслаҳат ёронлар, қандай бўлади?
Гулқиз санам суюнчи деб келади.

Яхшининг гапи яхши, ёмоннинг гапи ҳам ёмон. Ой
Зайдин — Райҳон подшонинг қизи Гўрўғлибекка қараб
бир сўз айтапти:

Ботир уруш куни қалқон ёпинар,
Баччажоним ваҳм тортманг,
Нима десанг Зайдинжондан топилар.

Ушбу дамни баччажоним, дам деманг,
Моли дунё Аҳмадбекда фаровон.
Юнусжондан Гулқиз келса Ёвмитга,
Унинг учун қайинжоним ғам еманг.

Меҳмон деган кириб келса эшикдан,
Ризқи аввал кириб келар тешикдан.

Гулқизжонга ҳар нарсалар берайин,
Кўнглини тўлдирай ўзим ҳар бобдан.

Гулқиз келса Бало тоғнинг дашидан,
Мен қўрқаман оллоиймнинг ишидан,
Гулқизжонинг келса менинг ўрдама,
Танга тилла гавҳар сочай бошидан.

Тилла пиёлага майлар қуйдирай,
Яхши мурсак, яхши желак кийдирай.
Хизматкорга сулув қиздан елдирай,
Ҳар нарсага кўкайингни чўкирма!
Қават-қават кўйлак, желак кийдирай.

Турган кўллар турна билан розники,
Кўрпа-тўшак ўн беш яшар қизники.
Дунёликдан ваҳм еманг баччажон,
Шу анжом-асбоблар бари сизники.

Уқиди ой Зайдин имло забарди,
Эсли одам ҳар бир ишга чеварди.
Гўрўғлининг хафа бўлганин билиб
Сулув қизу ҳар бир келинчақларга,
Дарров келсин, деди хабар юборди.

Ҳар тарафдан қиз келинчақ йиғдирди,
Косаларга асал, шарбат қуйдирди,
Йиғиб олиб сулув қиз, келинчақни,
Яхши кўйлак, яхши желак рўмолдан,
Шиғирлатиб ҳаммасига кийдирди.

Ой Зайдиннинг кўнгиллари жўшади.
Дарвозадан то уйига келгунча,
Кўчаларга поёндозлар ташлади.
Муллавачча ўқир алиф, забарни,
Яхши отга солар сирпой эгарни.
Баракалла араб қизи, ой Зайдин,
Шу меҳмонни бориб олиб кенглар деб,
Сулув қизни, сатта келинчақларни,
Боринглар деб пешвоз қилиб юборди.

Ҳар махлуқнинг сирин ўзи билади,
Иғвогарлар элга ғорат солади.

Шундайин Гулқизжон тиклаб қараса,
Беш юзча қиз шундай қилиб келади.

Мерганлар ўқ отар кўлнинг қушига
Қойил бўлди Ёвмит элнинг ишига.
Салом бериб меҳмоним деб сулувлар,
Етиб борди Гулқизжоннинг қошига.

Гулқиз пари ҳисобидан адашди,
Ҳасан Чопсон Гулқизжонга етишди.
Адаб билан, баракалла, ҳамма қиз,
Саломлашиб Гулқизжонман кўришди.

Ҳай балли, ой Зайдиннинг ишига,
Танга-тилла Гулқиз бошидан сочди.
Ёвмит келиб кўрди қиздан муллани,
Ҳасан Чопсон олаверди тиллани.

Қурбон бўлсин сулув қизнинг бўйига,
Кўп гап келар кўрганларнинг ўйига,
Қўлтиғидан суяб Гулқиз парини
Олиб келди Аҳмадбекнинг ўйига.

Ана энди ой Зайдин гала қиз-хотинларни йиғиб Гулқиз парига бор синсилани кўрсатди. Ҳасан Чопсонга уч юз қора товоқ кулчатой билан паловни тортди. Келганини Ҳасан Чопсон товоқ билан оғзига қоқиб ташлаб ютаверди. Бир шоир бор эди, ана буниинг шаънига қараб бир байт айтди:

Уруш куни кепти меҳмоннинг қаҳри,
Қишнинг куни кетмас тоғларнинг қори,
Тўқсон ботмон нон бўлмайди наҳори,
Шундай чимхўр меҳмон келди Ёвмитга.

Обод қилди келиб Ёвмит шаҳрини,
Сира айтмас кўнгилдаги борини
Уч кун турса ўзи Ёвмит шаҳрида,
Еб қўяди одамларнинг барини.
Бир озода меҳмон кепти Ёвмитга,

Еб қўяди қатордаги норларни,
Олиб келиб беринг жами кўрларни.

Еб қўяди, энди ҳарна борларни,
Бир озода меҳмон кепти Ёвмитга.

Меҳмоннинг йўқ экан шарм, уяти,
Кўрганларнинг йўқдир тоби тоқати.
Беш юз ботмон ун бўлмаса овқати,
Шундай бадгир меҳмон келди Ёвмитга.

Олиб келиб олдига уй торингни!¹
Уйдан олиб келавергин борингни!
Шундайгина меҳмон экан кўп яхши,
Тўймай қолса еб қўяди барингни!
Шундай яхши меҳмон келди Ёвмитга.

Одамларни энди пастга туширинг,
Баччаларни ҳангамадан қочиринг!
Олиб кенглар туя билан ҳўкизини,
Қозонни ос, осон, дарров, пиширинг!
Тўймайдиган меҳмон келди Ёвмитга.

Ҳасан Чопсон энди буни билди. Ҳангамада, юрт йиғилган жойда, бир маҳрам бесоқол баччанинги қўлидан маҳкам ушлаб олдига судраб тортиб олди. «Энди еб қўймай қайтади», деб одам биткан қочаверди. Бу талатўп Гулқизга етди. Кўз кўргунча оғиз сўзлайди, ана Гулқизга бориб биров бир сўз айтаяпти:

Меҳмонингиз билганидан қолмади,
Одамларнинг насиҳатин олмади.
Еб қўйди подшоликда ошларни,
Ҳеч бир нарса шу меҳмондан қолмади.

Эшитинг Гулқизжон бизлардан додни,
Бир баччани ейман деб чирқиратди,
Подшоликда пишганига тўймади
Еб қўйди ҳарна бори овқатни.

Талатўплар бўлди ўтирган жойи,
Ҳамма одам ўлдим деб қочиб кетди.
Ёмонласам сиёга малол келами,
Талатўп бўп қолди Туркманнинг юрти.

¹ Тори — тариг.

Гулқизжон, билди-да турасоб кетди,
Гулқизнинг қолмади тоби тоқати,
Бул Ҳасан Чопсоннинг олдига етди,
Шундайин қараса Гулқиз паризод,
Талатўп бўлипти Ёвмитнинг юрти.

Гулқиз Ҳасан Чопсонга қараб бир сўз айтаяпти:

Меҳмон деган удирайиб турмайми?
Берганига қаноат қил юрмайми?
Бу ишингиз уят бўшти, акажон,
Омин қилиб меҳмон тўрда турмайми?

Эшитинг акажон, ўзимдан тилни,
Қушвозлар маст қил сайратар булбулни.
Бу ишингиз, ака, уят бўлибди,
Талатўп қилибсиз Ёвмитдай элни.

Бу гапингни Юнусойим эшитса,
Маърака-мажлисда бир куп гап бўлса,
Юнусжон катта това бўлибди.

Мен бир Гулқизжонман ёзиқли банда,
Қилибсиз бизларни бунда дармонда,
Аканг сенинг мечкай экан демайми?
Халойиққа бизни қилдинг шарманда.

Хизмат қилдик бизлар сизга бегумон,
Ҳаммамиз бўлибмиз Ёвмитга меҳмон.
Юнусжонга ҳеч бир киши айтмасин,
Ўзим билан билла юринг, акажон!

Ана энди Гулқиз уялиб Ҳасан Чопсонни ияртиб аста кетди. Аҳмадбекнинг ватанига етди, Ҳасан Чопсон қиз билан сулув келинчакларни кўриб авжи келиб маст бўлиб кетди. «Бу ўзбекларнинг сулувлари кўп бўлар экан», — деб ҳамма нарса эсидан чиқиб, бизанглиги тутиб, бу қизлар шаънига қараб, шавқ-завққа келиб, ашулавозлиги тутиб, қутуриб бир сўз айтаяпти:

Тоғлардан дўланиб ўтдик,
Дарёлардан кечиб кетдик,
Шукур қилай худойима,
Қизларнинг мўлига етдик.

Юнусман Ёвмитга келдик,
Одамзодга меҳмон бўлдик.
Овқатига тўймай қолдик,
Жон тарала, вой тарала,
Ҳай, ҳай ялласи.

Қулоқ солсинлар сўзларга,
Кўлдаги учган розларга,
Меҳмон бўлдим кўп қизларга,
Саломат чиқсам ёзларга.
Жон тарала, ҳей тарала,
Киштал, киштал ялласи.

Боғларда очилар бодом
Сулув бўлса менга ҳамдам,
Қўрқманг қизлар мен ҳам одам,
Еб қўяр деб еманглар ғам.

Соқолларин силдиратиб,
Баданларин қимирлатиб,
Бул Чопсон ашула айтиб,
Ҳамма қизларни балқитиб,
Кийикдай сакраб ўйнайди,
Гоҳ энкайиб, гоҳ чўнқайиб,
Ҳар ашулалар айтади.

Қиз биткан, келинчак, кампир,
Кулишиб ичаги қотди.
Қиялқ қилиб ҳаммасини
Ошно-билиш қил ташлади.
Ковушларда пошна бўлди,
Оқшомликка рўшно бўлди,

Хотин биткан, келинчаклар,
Ҳасан Чопсон қилиғига,
Ёмон бўлса гўрга дейишиб,
Ҳангамаси яхши дейишиб,
Чин кўнгилиман ошно бўлди.

Энди ҳамма хушвақт бўлди. Ҳасан Чопсондан дилжам бўлди. Гулқиз ой Зайдинга айтди:

— Қайнингизни айтиб кенг,— деди. Ой Зайдин бориб Гўрўғлини айтиб келди. Гулқиз Гўрўғлибекка қараб неча хиллик билан дасти алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, мийиғида кулиб бир сўз айтаяпти:

Эшитинг Гўрўгли ўзимдан додти,
Раҳмат пари, Қария пари энангиз,
Юнусжонга ҳовли-анжомлар қилиб,
Тартиб билан Кўйи Қофдан узатди.

Шунча бўлар Гулқизжоннинг хизмати
Подшойим ўзима беринг суюнчи!
Хабар олинг ой Юнуснинг ўзидан,
Ҳар ким жонғилмасин айтган сўзидан,

Мард йигит душманни отар кўзидан,
Ҳар ким топилмаса айтган сўзидан.
Тўққиз ошно қилган хотини яхшиди,
Подшойим ўзима бергин суюнчи!

Юнусни узатиб Ёвмитга келдим,
Гул бутада сизиман ваъда қилдим,
Айтган гаплар эсингизда бормикан,
Саатанатман Юнусни олиб келдим,
Ўзима, тақсиржон, беринг суюнчи!

Сиз кетказинг юракларнинг черини,
Ҳақ аритсин пешонанинг шўрини,
Тақсир-а, ўзима беринг суюнчи,
Олиб келдим ой Юнусдай парини!

Бориб бўлинг Юнус паридан қурбон,
Уйлаб турсам мана дунё бепоён.
Айтган одам олти соатлик меҳмон,
Олиб келдим ой Юнусдай парини.
Айтган ваъдаларни беринг жезнажон!

Кўрсатайин Юнусжоннинг бўйини,
Кўрганларнинг кеткаради ўйини,
Айтган ваъда, неча сўзлар қаникай?
Тарадди қинг Юнусжоннинг тўйини.
Жезнажон ўзима беринг суюнчи!

Юнус пари келсин, деди,
Бўйнима қўл солсин, деди.
Кеп эгалик қилсин, деди.
Ватанида, ҳовлисида,
Бизман бирга бўлсин, деди.

Биздан кўнгли тўлсин, деди.
Тилла тахтга келиб миниб,
Яхши подшо бўлсин, деди.
Суюнчи беринг жезнажон!

Ана энди Гўрўглибек:

— Баракалла Гулқизжон, олло рози бўлсин сендан! —
деди. Гўрўглининг тошқинлиги келиб Ҳасан Чопсонга ҳам
дарров бир тўн тикинлар, — деди. Хазиналар очилиб,
пуллар сочилиб, қучоқ-қучоқ матони олиб келиб ташлай-
верди. Уч юз тўп мато опкелди. Хотинлар тикаверди. Ана
энди Гўрўглибек ой Зайдин чечасига қараб бир сўз айтаёт-
ти:

Хизмат қилди бежой яхши Гулқизжон,
Хизмат қилинг хўп ўхшатиб бегумон,
Нима деса айтганини қилинглар,
Яхши хизмат қилаверинг чечажон!
Гулқизжонга қатор-қатор нор беринг,
Нор устига кўтармоққа зар беринг!
Ичмакликка мажлисларда бол беринг,
Шоирлардан ҳангамада тил беринг!

Бежойин кўп Гулқизжонга пул беринг,
Пул берсангиз Гулқизжонга мўл беринг!
Жуда яхши кўнглини тўлдиринг,
Одамларга яхши хизмат қилдиринг!

Тилла пиёлага мойлар қуйдиринг,
Хизматкорга сулув қизни йиғдиринг!
Яхши хизмат, кўп иззат қинг Гулқизни,
Яхши желак, яхши кўйлак кийдиринг!

Яхши мурсак, яхши желак ёпинглар,
Ой Гулқизнинг кўнглини топинглар!
Хизматида кеча-кундуз чопинглар!

Тонг отган сўнг чироқларни ўчириг,
Тун оққан сўнг карвонларни кўчириг!
Бошларидан танга, тилла сочириг!
Тоza мато олиб келиб бозордан,
Бош-бошига кийим қилиб бичириг!

Маълум бўлсин Гулқиз ўзингдан қурбон
Душманни қиларман ер билан яксон.
Аркон давлат Гулқиз ойим сеники,
Давлатим сендан айлансин, Гулқизжон!

Худоё саргайтмагай-да бу юзим,
Отадан, энадан мен ёлғиз ўзим.
Рози бўлдим Гулқиз сенинг ўзингдан.
То ўлгунча ўзинг бўлгин канизим!

Сен кетказгин юрагимдан черимни,
Сарф айласам номус билан ғримни.
То ўлгунча сени канизим дедим,
Тортинмай олавер ҳарна боримни!
Аркон давлат бор топганим сеники,
Не қилсанг ихтиёр, майлинг ўзингда,
Нима десанг ишонаман сўзингга.

Душманга ажал шаробин ичирди,
Бахмал парча париларга бичирди.
Олиб келиб қалқон-қалқон тиллани,
Гулқизжоннинг тепасидан сочирди.

Нима бўлса ой Гулқизни бўлдириди,
Ҳар ойнасдан кўнглини тўлдирди.
Рози бўлди Гўрўғлидан Гулқизжон,
Яхши хизмат сулувларга қилдириди.

Йигитни ўртайди қизларнинг нози,
Қоши қора, кўзи осмон юлдузи,
Гўрўғлининг қилган хизматларидан,
Гулқизжон бежоям бўп кетди рози.

Ана энди ой Зайдин Гулқизжоннинг қошида. Ой Зайдин қандай қиз, ярим белдан пасти уч ботмон, ярим белдан баланди икки ботмон, таровига тушган беш ботмон. Ана ой Зайдин одамларга қараб бир сўз айтаяпти:

Кайвонилар бери-бери келинлар,
Ҳаммаларинг яхши хизмат қилинлар!

Кўйи Қофдан Юнус келиб қолибди,
Тез-тезгина маслаҳатни қилинлар,
Гулқизжонни жўнатайлик вақтла,

Эслиларинг лозимлигин кўринлар!
Маслаҳат, ёронлар, қандай бўлади?
Бу ишларнинг чорасини кўринлар!

Очилар боғларда гули гунчалар,
Юракларда ҳеч гами йўқ анчалар.
Юнусжоннинг ҳисобини қилинлар,
Йигилишинг сап эсли бойвуччалар!

Болдан ҳам шириндир гапирсак сўзлар,
Юлдуздай ярқираб турганди кўзлар.
Юнусжоннинг чорасида бўлинлар,
Кўйи Қофдан Юнус келипти қизлар!

Очилганда боғнинг гулин терамиз,
Ёвмит элда ўйнаб-кулиб юрамиз,
Юнус келиб қопти Кўйи Қофидан,
Ой Юнусни қайтиб¹ бориб кўрамиз?

Отаси, энаси ҳовли солипти,
Салтанатман узатишиб келипти,
Бизлар билмай қопмиз шунча гапларни,
Ой Юнусни қайинимиз олипти.
Бу ишнинг иложин қинлар сап қизлар,
Кўйи Қофдан яхши келин келипти!
Биз билмабмиз шунча ўтган гапларни,
Шу ишимиз биздан уят бўлипти.
Тортиқ билан, неча иззат-ҳурматман.
Юнус пари Кўйи Қофдан келипти,
Гулқиз пари суюнчи деб турипти.

Билдинларми Гулқизжоннинг сўзини
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини!
Баракалла отасиман энаси,
Салтанатман яхши ҳовлилар қилиб
Шуйтиб узатипти Юнус қизини,
Ойимлар маслаҳат қандай бўлади?

Йигилишиб Гулқиз билан борайик,
Нима бўлсак хизматини қилайик,
Юринлар, ойимлар, энди ҳаммангиз,
Ой Юнусман саломлашиб келайик!

¹ Қандай этиб.

Ой Юнуснинг тагин кўнгли қолмасин,
Нима деса айтганини демасин!
Юринглар борайик Юнус олдига,
Ҳаммамиздан катта ўпка қилмасин!

Ана энди ой Зайдин маслаҳат қидиб, ҳар қанча нар-
сани Гулқиздан айлантириб, бўйи барабар танга-тилла
тўкиб ташлади. Гулқизнинг чўртта кўнгли тўлди. Нима
бўлса, Гулқиз бўлди. Уч юз тўп нарсадан тўн қилиб Ҳасан
Чопсоннинг эғнига солди. Шу ҳам тиззасидан келди. Ҳа-
сан Чопсон теварагига қараниб, соқолини тараниб, «Евмит-
нинг одами, хотинлари бойвачча бўлар экан», деб маст
бўлиб, ҳар қутуриб келиб, мақомлар қип ўйнайверди. Қиз-
келиндякларнинг кула-кула чўртта ичаги қотди. «Бизлар
Юнусга бораётганда, бобомиз устига миниб борамиз», де-
йишди. Ҳасан Чопсон «қуллуқ», деди. Ҳасан Чопсон кўн-
гида, «буларни орқамга соламан, Санам чорвоққа кета-
ман, бориб сулувини хотин қиламан, ёмонини ейман»
деди. Беш юзча қиз устига миниб олди. Қўли билан им-
лаб, озор топтирмай, кўринг энди Ҳасан Чопсоннинг
теварагини айланиб, қиз-келиндяклар Юнуснинг олдига
жўнашини.

Шоир айтган яхши сўзлар,
Мард йигит душманни излар,
Ҳасан Чопсон туя бўлиб,
Гоҳ дингилаб бия бўлиб,
Жўнайверди сулув қизлар.
Дириллаб қизлар жўнади.
Ҳиринглаб қизлар жўнади.

Чопишиб, ўпкаси пишиб,
Кўрганларнинг ақли шошиб,
Ҳамма одам йиғилишиб,
Бул Чопсонни ўртага олиб,
Қиз-келиндяклар кулишиб,
Келаётир вағирлашиб,
Сўқиллаб қизлар жўнади,
Билқиллаб қизлар жўнади,
Таралиб қизлар жўнади,
Буралиб қизлар жўнади.
Элга бир гап бўлди, деди,

Тоза гуллар сўлди, деди,
Юнусжонга чопиб бориб,
Евмит элдан қиз-келиндяк,
Гулдай яшнаб келди, деди.
Ҳасан Чопсон маймун бўлиб,
Томошалар берди, деди.
Одамзоддан қиз, келинчак,
Кўрмакликка келди, деди.

Ана булар бораверсин, энди Юнусжондан эшитмак
керак гапни. Юнусжон канизларга қараб бир сўз айта-
япти:

Қора зулфни гарданларга толдирманг,
Яхшингизга асли хизмат қилдирманг!
Келаётир қайин юртдан меҳмонлар,
Сирингизни ҳеч кимсага билдирманг!

Салом бериб бежой вақтин хушланглар,
Бошни чайқаб, бармоқларни тишланглар,
Яхши либос, тўшаклардан ташланглар,
Хизмат қилиб жуда вақтин хушланглар!

Салом бериб қаддингизни букинглар,
Келганларга ҳаво қилманг, ёқинглар!
Ҳеч кимсанинг дили озор емасин,
Ҳамманг бирдай бўп олдига чиқинглар!
Салом бериб қўлтигидан суянглар,
Жилва қилиб бежойин кўп сийланглар!
Турли таомларни тайёр айланглар!
Бежой яхши зиёфатлар қилинглар,
Опажон, деб хизматида бўлинглар!

Димоғини бежой хушлаб чоғ қилинг,
Анжом-асбоб меҳмонларга тахт қилинг!
Яхши мажлис қилинг бугун кечаси,
Олтин коса гулгуи шароб чоқ қилинг!
Алвон-алвон неча гапдан сўйланглар,
Бемазани овлоқ уйга бойланглар!

Боринглар, чиқинглар, меҳмон олдига,
Рози бўлсин менинг қилган ишима!
Гўрўглибек оқшом келар қошима,

Ҳамманг опагон деб хизмат қилинглар,
Қойил бўлиб кетсин қилган ишима!

Еманглар парилар асли ҳеч гамди,
Яхши одамга эсли одам ҳамдамди.
Опагон деб пешвоз чиқинг олдиға,
Минг сизи биздан яхши жиғи биз.
Ҳар турли овқатни тайёр айлангла!

Уқиди Юнусжон ломман забарди,
Париларни пешвоз қилиб юборди.
Томоша айланг ой Юнуснинг ишиға,
Гулгун рўмола пирилайди бошиға,
Ҳасан Чопсон қизлар билан завқ қилиб,
Юнусжоннинг сатта паризодлари,
Ассалом алайкум келган меҳмон деб,
Гулдай бўп чиқди Зайдиннинг қошиға.

Лабин тишлаб нимкала соз кулишди,
Кўрган одамларнинг ақли шошди.
Юлдуз кўзли сатта сулув жононалар,
Бир-бириман шуйтибгина кўришди.

Пўпақлар силдираб белидан ошди,
Учлари сўлқиллаб товонга тушди.
Томоша айланг бесиёқнинг ишини,
Беш юз қизни шундай хушвақтчиликда,
Ҳасан Чопсон олиб Кўйи Қоф қочди.

Емоннинг бир қилири ортиқ. Емон ёмонлигини қайтиб билдиради. Ҳамма одамнинг димоғи куйиб кетди. Гулқиз қаттиқ уялиб, бориб Юнусга бир сўз айтаверди. Гулқизнинг айтаётган сўзи:

Опаё, эшитинг ўзимдан сўзни,
Сарғайтириб кетди ойдаини юзни,
Илоё ерларга кирсин шу Чопсон,
Олиб қочиб кетди беш юзта қизни,
Уялтириб кетди бежойим бизни.

Хушвақтчилик ёмон бўлди бегумон,
Ким бўлади энди йўлларда сарсон?
Олиб кетди неча одамнинг қизни,
Илоё яшшамай ўлсин, шу Чопсон!

Қошни кериб қовоқларни уйдирди,
Гўрўғлибек бизга кийим кийдирди.
Беш юз қизни олиб кетди акангиз,
Яшшамагур мени бежой куйдирди.

Ажал етиб мендай санам ўлмаса,
Унга етар ҳеч бир киши бўлмаса
Ер ютгурнинг иши кўп уят бўлди,
Ахтаргани жой, ватани бўлмаса...

Ҳар банда олган қиз билан қарисин,
Гармселда тоғнинг қори эрисин!
Ҳей бу ишлар ёмон бўлди ой Юнус,
Дод-фарёд, Ҳасан Чопсон қурисин!

Бу гапларга кўнгил биткан қабарди.
Эшитинг опагон ўзимдан зорни,
Ҳасан Кўлбар акасини ой Юнус,
Тез боргин деб орқасидан юборди.

Ҳар ким дўсти учун қилар хизматни,
Элнинг димоғини куйдириб кетди.
Дод-фарёд, деб Ҳасан Чопсон дастидан,
Ҳасан Кўлбар хез қип ортидан кетди.
Ҳасан Кўлбар Бао тоғнинг остида,
Хез қилиб Чопсонга қистаб етди
Етиб бирдан ёқасидан ушлади.
Аччиғланиб тубасига мушглади.
Қўлтиқлаб қизларни кўтариб олиб,
Бул Ҳасан Чопсонни банди қилиб,
Ҳасан Кўлбар ҳаммасини оп кайтди.
Рози бўлди энди Ҳасан Кўлбардан,
Яхши бўлди акасининг хизмати.
Ёвмит элнинг вақти хуш бўлиб кетди.
Ҳеч нимани кўрмагандай бўлишиб,
Йиғлаб қолиб ёди ҳамма одамлар,
Бошқатдан хушвақт бўлди кулишиб.

Қайтайин дунёси тушсин бепоён,
Омонатдир бу танада гартак жон
Салом бериб ой Зайдиннинг олдиға,
Ниқоб ташлаб юзларига паризод,
Кулиб чиқди ой Зайдиннинг қошиға.

Емонга гап айтманг элга ёяди,
Ер лой бўлса юрган туя тояди.
Гулқиз билан Юнус пари, ёронлар,
Ой Зайдиннинг қўлтигидан суяди.

Неча қизлар қойил бўлиб Юнусга,
Баракалла Юнусжонга дейишиб,
Ой Зайдин рози бўлди Юнусдан,
Келаётир қизлар хушвақт бўлишиб,

Нечовларга яхши гулдан тергизди,
Қора сочни тўқсонга қип ўргизди,
Тиллакорли гул нақшланган уйига,
Ой Зайдинни, неча сулув қизларни,
Тилла томга Юнус пари киргизди.

Келин кўрсатар қиз Юнус парини,
Беш юз пари салтанатман тургизди.
Кўрган одам бўлди келиндан хурсанд,
Ой Зайдин бежойин бўлипти шодмон.
Баракалла париларнинг аҳлига,
Уч мартаба таъзим қилди Юнусжон.

Жон айлансин париларнинг сўзидан,
Маст айлансин жавдираган кўзидан.
Умригинанг узоқ бўлсин келин деб,
Ой Зайдин ниқобини олди юзидан. |
Ой Зайдиннинг гулдайин ранги сўлди,
Чиройи четилиб, қадди букилди.
Юнусжоннинг юзин кўриб ой Зайдин,
Беҳуш бўлиб бирдан ерга йиқилди.

Юнус билди унинг беҳуш бўлганин,
Дарровгина қўлтигидан суяди.
Умригинанг узоқ бўлсин Юнус деб,
Чини билан ой Зайдин дуо қилди.

Ана энди ҳамма эл келиб (қирқта ҳужра солувди),
қизлар, хотинлар, бари жой бўлди. Гулқизжон извати билан барча келган хотинларга, ой Зайдинга қутлуқ бўлсин қилди. Келган хотинларнинг кўнгли тўлди. Ҳасан Чопсонни ой Юнус сарпўшлаб, бойлаб, авахтага солди. Ой Юнус отасининг подшолигини кўриб юрган, ўзбекнинг хотинла-

ри, қиз-келинчаклар, Юнуснинг бу ҳайбат-ҳашамини, шони шавкатини кўриб, қўрқиб қолди:

— Бо худо урди. Акасини шундай қилиб қамаб қўйди,— деди. Ой Зайдин айтди:

— Бетартиб кулманглар! Беадаб далага ҳам чиқманглар! Бу Юнуснинг сиёғи ёмон кўринади. Тагин битта-яримтангни қамаб қўймасин! Иш уят бўлмасин! Эҳтиёт бўп ўтиринглар,— деди. Ана энди келган хотинлар, маст бўлиб, Юнуснинг олдидан кетгиси келмай қолди. Эри, болачақаси асдан чиқиб кетди. Ана энди Гулқиз Юнусни далага олиб чиқиб маслаҳат қилди:

— Ҳеч буларнинг кетгиси келмай қолди. Энди гап қандай бўлди?— деди. Юнус айтди:

— Буларнинг бола-чақасини олиб келтиришлик даркор. Энди бориб ёппа-ёвлик айтиб келавер!— деди. Ой Зайдин ҳам ўзи подшонинг қизи эди. Илми сипойгарчиликни билар эди. Энди ой Зайдин билди, Евмитга давлат келди. Ой Зайдин каниз Чиннихонга айтди:

— Замон энди бошқа замон бўлди. Бориб хўп тайинлаб айтинг, юртга эга келди,— деди. Юнус билан Гулқиз ҳам маслаҳат қилди. Гулқиз билан Чиннихон иккови кетди. Бориб Гўрўғлибекка, Темирхонга, Аҳмадбекка қараб Гулқиз бир сўз айтаяпти:

Ассалом алайкум турган улуғлар,
Яхши одамда бўлар яхши қилиқлар.
Ҳаммангизни Юнус пари чақирди,
Ёппа-ёвлик юраверинг одамлар!

Насиб тортиб кўрдим Евмит шаҳрингни,
Гўрўғлибек келтирмагин қаҳрингни.
Битта қолмай барингизни чақирди,
Мен меҳмон қилгани келдим барингни!

Ота боласи учун қилар хайрди,
Бойлар қўяр байталига ийирди.
Ассалом алайкум турган подшолар,
Юнус пари ҳаммангизни буюрди!

Букун кетсин юракларимнинг гами,
Шукур қилинг бу ишлар ҳақ фармони.
Юнус пари меҳмонликка чақирди.
Ёппа юринг Евмит элнинг одами!

Иншоолло ўйнанглар, даврон суриглар,
Кўклам бўлса ёвгошин гул теринглар!
Юнус пари зиёфатга чақирди,
Еппа-ёвлик битта қолмай юринглар!

Обод қилдик келиб Евмит шахрини,
Юнус сарф айлайди ҳарна борини,
Гўрўғли жезнажон, қулоқ сонг сўзга,
Ияртиринг одамингиз барини!

Қайнанангиз Кўйи Қофда боғ қилган,
Куёвгинам, ара сўрасин болам, деб,
Раҳмат пари сизга тилла тахт қилган,
Жезнажон, ияртиб юринг барини!

Баланд тоғда кўзим тушди лайлига,
Езнинг куни деҳқон чиқар чайлага,
Бизлар билан бирга юринг, жезнажон,
Юнусжон чақирди ёппа ҳовлига!

Кўкрагида паризоднинг ўйи бор,
Бу бегларга милдираган чойи бор.
Тўйдирарга бежойин кўп мойи бор
Биз билан бирга юринг, жезнажон,
Ҳамма одамни қўндирмоққа жойи бор!

Меҳнат қилган муродига етади.
Қаноти бор неча тоғдан ўтади.
Еппа ияртинг булкиллаган одамни!
Юнусжоннинг солиб қелган уйига,
Миллион, миллион — қўри одам кетади.

Еппа-ёвлик баринг юринг қариндош!
Бизлар бўлдик одамзод билан сирдош.
Емон кўрган одамман одам гаш.
Ҳар ким ўз тенги билан бўлган-да йўлдош.

Қайнанангиз одамгарчилик қилганди,
Кўйи Қофдан усталарни йиғдириб,
Обжўшдан иморат қилган қўйдириб.
Бизлар билан юринг энди жезнажон,
Ҳаммангизни Юнус меҳмон қилганди!

Шундай деб Гулқиз ўртага кириб таъзим қилиб турди.
Ана Чиннихон ичкари ўрдага кириб, сап сардорларнинг
одамшавандаларини Гулқиздан яшириб, Аҳмадбекнинг
уйига чақириб келиб бир сўз айтаяпти:

Юнуснинг қилиғи пишган нонча бор,
Кўрганганимни айтай сизга жамоат,
Ой Юнуснинг дағдағаси анча бор.
Икки одам ҳовлисида турипти,
Зўрлик билан дағдағаси анча бор.

Ойга ўхшайди Юнусжоннинг,
Юзи билан рўйлари,
Ичида йўқ қайғу билан ўйлари,
Кўрган хотин бари маст бўлиб қолди,
Жаннатга ўхшайди қилган уйлари.
Марварид якка михлар ҳовли ичида,
Бежой яхши Юнусжоннинг жойлари,
Дағдағаси, салтанати анча бор.
Кўрса отлиқ тушар оддан пиёда,
Улмасин худоё ёлғон дунёда!
Ҳовли-анжомларин кўрдим халойиқ,
Шиддати ҳам ватанидан зиёда.
Бундай ҳовли асли йўқдир дунёда,
Шони шавкат иззатлари анча бор.

Баланд-баланд тоғда бўлган ҳомади
Утирган уйидан боллар томади.
Салтанатин кўриб юрагим учди,
Акасини бойлаб қўйиб қамади.
Ой Юнуснинг пошшолиғи анча бор;
Ҳовли, анжом, иморати бежой зўр.

Ана энди Гўрўғлибек Чиннихонга, катта-кичикка қараб
бир сўз айтаяпти:

Аканг фақир Кўйи Қофга борганди,
Тўхтамишнинг кўзини кўр қилганди.
Самандар дев биз билан дўст бўлганди.
Йиғилишиб дев, парилар ҳаммаси,
Бизлар билан катта жанжал қилганди.
Гулқиз келиб оқсоқол бўп сўлиқиб,
Зўрлигимман Юнус бунда келганди.

Хотиннинг қўлидан нима иш келар,
Асли қўрқмангиз дўқнинг бари ёлғонди!
Гўрўғли душманнинг қонин тўкарди,
Ҳар уруғдан мен оларман навкарди,
Чинни гапинг юракни чўкарди.
Хотин халқин ҳашама нима бўлар?
Қўрқманглар, ёронлар, бу гап ёлғонди!
Юнусжоннинг ўзи эрка қиз турур,
Жўрттага ҳайбат-ҳашам қилганди.
Қўрқмагин Чиннихон бу гап ёлғонди!

Семиз молни ўлжа қилиб сўярман,
Қай ерда душманнинг кўзин ўярман,
Элчи хатни ҳар тарафга ёярман.
Ҳар уруғдан назаркарда йигитни,
Сарпайдан, одан кўнглин тўлдириб,
Тарафларга йўқ савдолар солдириб,
Ҳар уруғдан аскар-навкар оларман.
Ғам еманглар одам бўлиб қоларман!
Қўрқманглар, ёронлар бу иш бекорди!

Узим бориб қучоғима оларман,
Чиннихон, қўрқма хизматкор қиларман!
Ғам еманглар мен ҳам одам бўларман!

Қўрқманглар, бу ишлар бари фарибди,
Бойвучча қиз ўзи мастлик қилганди,
Салтанатман Кўйи Қофдан келганди,
Сизни ўзбек билиб ҳийла қилганди.
Асли қўрқмангиз бу гап биткан ёлғонди!
Ҳар тарафдан одам қўлмамай йиғдирай,
Карнай-сурнай шодиёна қўйдирай.
Ҳар уруққа сири ҳолим ёярман,
Пулат добил қўлга чиқиб туярман.
Мусулмон биткандан одам йиғарман;
Яхши сарпой, яхши либос қиярман.
Ой Юнусни олдима олиб суярман,
Тарафларнинг кўкайини қиярман,
Қўрқманглар Юнуснинг' иши ҳийлади!

Гўрўғлибек ҳар тарафга қаради,
Гулқизжондан бир хил гапни сўради,

Яхши тўнни кийиб, яхши салла ўради.
Салтанатда ойналарга қаратди.

Кўзлари қуралай, този ойнавори,
Чақиртириб келди мўйсафид пирни.
Ногора, сурнайлар тортиб Гўрўғли,
Евмит влда йиғди гала сардорни.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига,
Сулув қизлар ўсма қўяр қошига,
Салтанатман неча шони-шавкатман,
Евмит, Така-Туркманни йиғиб Гўрўғли,
Жўнайверди ой Юнуснинг қошига.

Мўр-малахдай одам тўлиб даштларда,
Кетаверди Юнус пари қошига.
Ошиғи мубтало бўлган кўзига,
Ойга ўхшаб Юнусжоннинг юзига.

Уйқусида қирқ кун қучоқлаб эди.
Гўрўғлибек зор бўп бирор сўзига.

Ёмонларнинг кўнгиллари қабарди.
Яхши отга солар сарпой ёгарди.
Гўрўғлининг келаётганин билиб,
Баракалла ой Юнуснинг ишига,
Кўринг, беш юз қиз қошига чиқарди.

Ёмонга сир айтманг юртга ёяди,
Эр йигит душманнинг кўзин ўяди,
Салом бериб, беш юз пари келинчак,
Неча мақомларман бориб олдига,
Гўрўғлининг қўлтигидан суяди.

Гўрўғлининг кўп эканди хотири,
Евга от қўяр йигитларнинг ботири.
Баракалла Гулқизжонга, ёронлар,
Гулқиз бўлди Гўрўғлининг шотири.

Жонвор Ғиркўк вақтларин хушлайди,
Ҳар бир ўйнаб сўлқиларин тишлайди,
Навбат, навбат қизлар бўлиб шотири,
Гана, гана! жонивор Ғиркўк кишайди.

¹ Гана, гана — гоҳи.

Ҳамма одамнинг ақллари шоширди,
Дарвозадан олиб кириб Гулқизжон,
Неча шону шавкат, иззатлар билан
Гўрўғлини Ғиркўк отдан туширди.

Рози бўлди ой Гулқизнинг ишига,
Неча танга-тилла сочди бошидан.
Олиб борди Юнусжоннинг қошига,
Гинани кўтарди энди ўйидан.
Қурбон бўлди ой Юнуснинг бўйидан,
Салом бериб қўллари қовуштириб,
Юнус пари сакраб турди жойидан.
Юнус пари бармоқларин тишлади,
Гулқиз пари вақтларин хушлади.
Гўрўғлини тўрга ўтказмай туриб,
Қимматбаҳо кўрпалардан ташлади.
Естиқ қўйиб ёнбошига Гулқизжон,
Гўрўғлининг вақтин жуда хушлади.

Юнус пари добилларни урғизди,
Ҳасан Кўлбар, Якдастани турғизди,
Қирқ эшикли аризахона томга,
Гулқиз пари шунча келган одамнинг,
Ҳаммасини кеткизмайин кирғизди.
Оп келгани неча хум, хум май бўлди,
Шунча одам битта қолмай жой бўлди.
Дастурхонлар ёзиб таомлар қўйиб,
Ичганлари миқдираган чой бўлди.

Кўнгил қайнаб бошқаватдан хуш бўлди.
Ҳамма одамнинг бежой вақти хуш бўлди.
Баракалла ой Юнус тартибига,
Товоқ-товоқ палов тўлган чош бўлди.

Ана энди бу жойлар, бу ҳовлилар ҳеч одамнинг ақлига
тўғри келмади; ҳамма одам лол бўлди. Ҳаммаси қирқ
эшикли маслаҳатхона томга кириб том ярим бўлмай қолди.
Ҳамма одам тушда кўргандай. Аҳмад сардор Ёвмит эл-
нинг номи туркман амалдорларини йиғиб, дўнган ўчоқни
ўйиб, семиз молларни сўйиб отасига ош берди. Ешлар кет-
ди. Қариялар, ақли тўлган одамлар қолди. Ана кун оқшом
бўлди. Аҳмад сардор халойиққа қараб бир сўз айтаяпти:

Қишнинг куни тоғни туман чолади,
Сири ҳолим яратганим билади.

Катта-кичик бунда келган қариндош,
Маслаҳат бер, энди қандай бўлади?

Ҳангамада яхши-ёмон бўп сирдош,
Биров-бирова билан бўладикан ғаш.
Ой Юнус келипти Кўйи Қофидан,
Маслаҳат бер бунда келган қариндош!

Мажлисда сўйлаган қизил тилимдир,
Очилганда боғда тоза гулимдир.
Қариндош маслаҳат қандай бўлади?
Ҳам жияним, Гўрўғлибек улимдир.

Ғам сарғайтган гоҳиларда юзимди,
Кетган ёққа тўрт қиламан кўзимди.
Катта-кичик бунда турган халойиқ,
Бир озроқ тўю томоша лозимди(р).

Кенгашли тўй тарқамайди дунёда,
Оғасини оға билган йигитнинг,
Умри узоқ бўлар мана дунёда,
Катталардан дуо олган йигитнинг.

Оғайин, маслаҳат қандай бўлади?
Эшитинглар ўзимдан айтган дотни,
Елғизликдан қайтай қисматлар қатти(қ).
Бир озроқ тўй элимизга лозимди(р),
Қариндошлар, беринглар маслаҳатни!
Холжувон кетганда бўлдим беқарор,
Тўй деганинг хизмат билан битади,
Маслаҳат бер, Аҳмадбекка, ёронлар.

Темирхон ҳар тарафга қараб бир сўз айтаяпти:

Така-Ёвмит дейди ўсган еримни,
Ҳар кимсага мен айтмайман сиримни.
Бунда келган ҳар уруғдан одамлар,
Тўй қилиб талатинг ҳарна боримни!

Қариндошлар айтдим ўзим ўйимни,
Ҳаққа шукур пари кўрди жойимни.
Йиғилишган ўзбек элнинг одами,
Олиб келиб сўйинг семиз қўйимни!

Қарчиғай оп лойланг Боли кўлимни,
Ҳеч кимга солмасин олло ўлимни.
Йиғилишган Туркман элнинг одами,
Сўяверинг оп кеп семиз молимни!

Обод қилинг энди Ёвмит юртимни,
Сизга айтдим юрагимда дардимни.
Хизматкорлар йиғилишиб оп келинг,
Сарф айладим мен ўзим давлатимни!

Обод қинглар униб-ўсган шаҳримни,
Келтирманглар энди менинг қаҳримни!
Оғайнилар ака, ини, қариндош,
Шу тўйга харж қинглар ҳарна боримни!

Тулпор минмай узоқ чўлдан ўтмасин,
Суюнмай қул мақсадига етмасин!
Бунда келган Туркман элнинг одами,
Юнуснинг меҳмони кулиб кетмасин!

Ёмон сўздан гина пайдо бўлади.
Адоватлик элга ортиб қолади.
Биттасига удирайиб гапирсанг,
Ой Юнуснинг кўнглига гап келади.
Бу кўнгил ипакдан майин, ёронлар,
Бу Юнусжон зўр келиндир Ёвмитга,
Ёмон гапга Юнус кўнгли қолади.

Юнусжон ҳаводор киши, ёронлар,
Кетгунича хотин, эркак деманглар!
Сулув қизга тинмай хизмат қилдириг,
Оқшом бўлса тўшакни мўл солдириг!
Ой Юнуснинг кўнглин жуда тўлдириг!

Ҳеч биттанинг бирор кўнгли қолмасин,
Заррадайин кўнгли ярим бўлмасин!
Кеча-кундуз тинмай хизмат қилинглар,
Юнусжоннинг ҳеч бир кўнгли қолмасин!
Йўрға тулпор ҳар уруққа елдириг,
Ҳар уруғдан яхши нарса келтириг!

Юнусжоннинг чўртта кўнглин тўлдириг!
Ҳазил билманг Темирхоннинг сўзларин,
Уйиб ташланг ёмонларнинг кўзларин.

Яхши-ёмон демай барин сийланглар,
Бежой яхши кутинг ҳамма қизларин!

Ҳаммасига тоза либос ташланглар,
Бежой сийлаб вақтларин хушланглар!
Мақтаб кетсин Кўйи Қофга парилар.
Ҳар турли овқатдан кунда чошланглар!

Ичкари борганинг яхши кийинглар,
Кўркам сулув одамларни йиғинглар!
Емаса ҳам кириб бесоқолбаччам,
Яхши овқат кунда, кунда енглар!

Кунда бориб бир-бир салом беринглар,
Нима деса қуллуқ дейишиб туринглар!
Лекин париларнинг ақлин шоширинг,
Кўрганларнинг юракларин шиширинг!
Кетарида «хуш келдинг» деб иззатлаб,
Бало тоғдан нари қараб оширинг!

Юрган жойим гоҳи чўлда эл бўлди,
Худо ҳақлаб ой Юнус бунда келди.
Айтганимни бажону дил қилинглар,
Айтган панди насихатим шул бўлди!

Ана энди ҳамма турган ақобир, беклар, сардорлар,
пармоначилар, кўрган бегилар, сап эли бойлар йиғилиб
айтди: «Гўрўғлибек нима деса деди, банда пармонимиз.
Бажону дил хизматини қиламиз», деди. Аҳмадбек Ҳаннон,
Маннон шоирларга қараб: «Сизлар шоирсиэлар, ҳар элни
айтиб кенглар», деб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ солгин Аҳмадбекнинг зорига,
Савдо сонг душманинг кирдикорига!
Гапга уста икки шоир қулоқ сонг,
Тўйга деб хабар беринглар Марига!

Қулоқ сонг Аҳмад сардор додига,
Бўйин сунинг оллонинг қудратига,
Қаддингдан кетайин икки суҳангар,
Хабар беринг Така Туркман юртига!

Тўйга денглар ким кўринса ҳолига,
Қаддингдан кетайин икки шоирим,
Хабар беринг Урганч-Широқ элига!

Ҳар ким етсин дунёда муродига,
Емон одам миномласин отига!
Қаддингдан кетайин икки шоирлар,
Хабар беринг Элсарининг юртига!

Ошно одамдан тағи ўлка бўлмасин,
Бир кунлари уятириб қолмасин!
Бозорда, қишлоқда жамоат денглар,
Тўқсон икки тухми бовли ўзбекдан,
Ҳеч бир киши эшитмайин қолмасин!

Ана энди маслаҳат қилиб, ҳар уруқда хат ёзиб, шоирларни жўнатаверди. Ана энди тўйнинг жабдуғини қилиб, тахтлайверди. Ҳамма нарсани чоғлайверди. Энди Юнус билдики, тўй бошланди. Ана энди моллар сўйилаверди. Кунда-кунда одамлар йиғилаверди. Орадан уч кун ўтди. Тўй қип талатди. Ана қирқ эшикки томхонада одамлар ўтирди. Тун ярим кечага етди. Гўрўғлибек билди. Салом бериб жойидан туриб пойгага ўтди. Эр Хизр Гўрўғлига шивирлаб:

— Жойингдан бу ёққа ўтсанг ҳамма билади. Ут, жойингда ўтир, — деди, келган меҳмонлар ўтиришди. Энди ўтириш жуда мўл бўлди. Соқибулбул, майни гардишга келтириб, ўтиришда айтаётган сўзи:

Гап чиқар Соқи тилидан
Қутулинг душман хилидан,
Косани онг Соқи қўлидан,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Узингдан дурлар сочинг,
Урушда душманин санчинг,
Ҳангамада майлар ичинг,
Ажалнинг тўйини бичинг!

Уқ келади алаб-ялаб,
Ғариб кўнгил истар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Уруш куни кафан тўйини,
Бичинг аллаёр, аллаёр!
Қўлдан келса сулув қиздан
Қучинг аллаёр, аллаёр!

Қорайган Ёвмит чорбоғи,
Кетсин юракларнинг доғи,
Косаси онг Ёвмит беги,
Жўшинг аллаёр, аллаёр!
Нўш қинг аллаёр, аллаёр!

Очилган боғда гунчалар,
Томоша қип бир нечалар.
Қаторда норча лўкчалар,
Косани онг бекваччалар,
Бекваччалар, бойваччалар,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Емон муродга етмасин,
Кўзлар уйқуга кетмасин,
Шу бугун тонглар отмасин,
Хонлар аллаёр, аллаёр,
Беглар аллаёр, аллаёр!

Сўйлайди Соқининг тили,
Олисда парининг эли.
Ободдир Ёвмитнинг эли.
Ўзим чаманнинг булбули.
Навбатни онг Туркман эли.
Жўшинг аллаёр, аллаёр.
Нўш қинг аллаёр, аллаёр.

Бир неча отлар еб чувар,
Қизларнинг таққани тумор,
Қоши қора, кўзи хумор,
Нечовни қилар интизор.
Ол косани қўллар толди,
Жонлар аллаёр, аллаёр!

¹ Шу китобнинг 135-бетига қаранг.

Гаплар чиқаверар сўздан,
Жон айлансин яхши қиздан,
Мол айлансин ҳар бир сўздан,
Меҳмон бўлдик Қуло чўлдан,
Хонлар аллаёр, аллаёр.
Коса навбат, бўза, суҳбат,
Ўтиришда қилманг гийбат,
Бу дамни билинг, ғанимат!
Яхшининг жойи жаннатди(р),
Емоннинг иши миннатдир,
Олинг Ёвмитнинг бекзоди,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Юрагимдан кетсин доғлар,
Мард одам яхши гап ўйлар,
Довмо тарафни пойлар,
Косани онг сардор беглар,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Сўйлайди танглайимда тил,
Коса берди Соқибулбул,
Косани олинг Ёвмит эл,
Ичинг аллаёр, аллаёр!
Ёвлик куни душманларни,
Санчинг аллаёр, аллаёр!

Добил уринг таққа-таққа,
Овоза кетсин фалакка,
Душман бўлсин тикка-тикка!
Сайил қилинлар чорвоққа.
Қизлар чиқар Гулшан боққа,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Ана энди жар тортиб, ҳангама авжига келиб, ҳамма одам маст бўп ўз шавқи завқиман (бўлди). Энди Соқибулбул, иморатга пештоқ қўндирди.

Ана энди Соқибулбул ижозат олиб, Гўрўғлининг шаҳрига от қўйяпти:

Қулоқ солсин халойиқлар бул тилга,
Йигит ошиқ бўлар сочи сунбулга,
Гўрўғлибек эга бўлсин Чамбилга,

Бу элнинг отини қўйдим Чамбилбел!
Чамбил-Чортоқ жойинг бўлсин, Гўрўғли!
Юнус пари ёринг бўлсин, Гўрўғли!

Мен айтаман бул элнинг сифатини,
Ўқиганлар билар имло хатини,
Қаерда тарафдан олсин лотини,
Чамбил қўйдим бу шаҳарнинг отини!
Юнус пари ёринг бўлсин, Гўрўғли,
Қиёматлик норинг бўлсин, Гўрўғли!

Ёвлик куни шердай бўлиб гуркираб,
Ҳар шаҳарга отинг кетсин, Гўрўғли!
Шаҳри Чамбил уйинг бўлсин, Гўрўғли!
Олдинда сардорлар турсин, Гўрўғли!
Овозанг фалакка етсин, Гўрўғли!

Ўрдаклар лойлайди чолқиган кўлни,
Ёв олмасин доим шаҳри Чамбилни!
Ўлганинча фикри битмас, Гўрўғли.

Сулув суюб пари қучгин, Гўрўғли,
Донггозадор Чамбил бўлсин ватанинг,
Тўнни ёпиб, жами сардор бекларга,
Ҳотамтойдай хайр қилгин, Гўрўғли!

Ҳар уруғдан олгин яхши йигитни,
Қирқ йигит олдинда турсин, Гўрўғли!
Ўз йигирма бешга киргин, Гўрўғли!
Фирот билан бирга қари икковинг,
Душманлардан нуқсон кўрма, Гўрўғли!
Чамбил-Чортоқ жойинг бўлсин, Гўрўғли,
Қирқ йигит олдинда турсин, Гўрўғли!

Ана энди ҳангама соп бўлди. Тун саҳар бўлди, ёв олмасин, сув олсин Чамбилни омин деб фотиҳа тортди бетига. Эрта билан тонг отди. Шунда одамлар бу шаҳарга қараб, юраги ёрилиб кетди. Соқибек баковул бўп, ҳар уруғдан одам айтиб келиб, Гўрўғлини ювинтириб, тарантириб, подшолик кийимига ўрантириб, тилла тахтга миндириб, жиға санчиб бошига, эл билан баиттифоқ подшолик қутлуқ бўлсин, Юнус пари қутлуқ бўлсин деб, Аҳмадбек қувониб Гўрўғлибекка қараб, юраги ёрилиб айтаётган сўзи:

Сенсан менинг ҳам жияним, фарзандим,
Бу дунёда сенсан менинг қувватим.
Умринг узоқ бўлсин ёлгон дунёда,
Подшолигинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Умригинанг узоқ бўлсин, қувватим!
Сени кўрсам тандан нетмас ҳолатим,
Юнус пари қутлуқ бўлсин, фарзандим,
Сарпогинанг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Ўзбек беклар мунтазирдир қошингда,
От чопгайсан Элсарининг дашига!
Эл йиғилиб жиға санчди бошингга,
Ҳукуматинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Шунча одам хизматкордир изингга,
Нима десанг қулоқ солар сўзингга,
Шундай қўрғон солинди-ку, ўзингга,
Ҳовли, анжом қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Баччаликдан баланди(р) ҳимматингиз,
Кўп эди тана бул ғайратингиз.
Қутлуқ бўлсин Чамбилдайн юртингиз!
Пойтахтинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Юракда йўқ қайғу билан ўйингиз,
Шерга ўхшар мисли қадди бўйингиз,
Қутлуқ бўлсин болам яхши тўйингиз!
Қутлуқ бўлсин подшолик сарпойингиз!
Шони шавкат қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Мажлисда сўйлайди Соқининг тили,
Совирда очилар тоғларнинг гули.
Шунча одам сенга бўлди хизматкор,
Соқибулбул қутлуқ бўлсин Гўрўғли!
Аркон давлат қутлуқ бўлсин, фарзандим!
Юнус пари қутлуқ бўлсин, Гўрўғли!

Ана энди уч кеча-кундуз тўй бўлиб ўтди. Замон замон
Гўрўғлибекники деб, жарчи қичқиртди. Ҳамма одам уйига
қайтиб кетди. Ана энди ой Зайдин чечаси Гўрўғлини
олиб, сатта сулув қизлар билан Юнуснинг олдига олиб
кетди. Неча салтанат билан Юнуснинг олдига элтди. Муф-
тилар никоҳни қийиб, шуйтиб мурод-мақсадига етди.